


2010

М. Камолдинов, Б. Вахобжонов

ИННОВАЦИОНН ПЕДАГОТИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОССЛАРИ



Олий ўкув юртлари, академик лицей, касб-хунар колледжлар, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари учун услубий қўлланма

САВОЛЛАР, ЖАВОБЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,
ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

АСАКА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

М. Камолдинов, Б. Вахобжонов

**ИННОВАЦИОН
ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯ АСОСЛАРИ,
САВОЛЛАР, ЖАВОБЛАР**

*Олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар
колледжлари, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари
учун услугий қўлланма*

**ТОШКЕНТ
„TALQIN“
2010**

32.293
K15

Ушбу „Инновацион педагогик технология асослари, саволлар, жавоблар“ услубий кўлланмаси олий ўқув юртлари, академик лицей, касбхунар коллежлари учун мўлжалланган бўлиб, Асака педагогика колледжининг 2009 йил декабрь ойида ўтказилган педагогик кенгаши йигилинида муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган.

Тақризчилар:

Фуломжон Мўминов — физика -математика фанлари доктори, профессор. АДУ "Математика" кафедраси мудири.

Насимжон Абдурахмонов — педагогика фанлари номзоди, АДУ доценти.

Рўзиохун Холматов — Асака педагогика колледжининг олий тоифали ўқитувчиси.

ISBN 978-9943-325-75-3

© „Talqin“ нашриёти, 2010- у.

КИРИШ

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таълим тушунчасига миллый демократик нуқтаи назардан ёндашиб қуйидагича таъриф берган эди:

„Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлодларнинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, қасб-кори, маҳорати узлужсиз тақомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олиниади ва ёш авлодга ўтади“. (И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.—Т, „Ўзбекистон“, 1994 йил, 78 -бет)

Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги-янги моделлари яратилмоқда. Унинг назарий асослари илмий-амалий кўрсатиб берилмоқда. Илмий-амалий кўрсатиш ўқув жараёнларини технологиялаштириш билан чамбарчас боғлангандир.

Ҳаммамизга аёнки, илмий-техник тараққиёт саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа турли соҳалар билан бир қаторда, маданият соҳасига, ижтимоий — гуманитар билимлар соҳасига ҳам янги-янги технологияларни жорий этишини тақозо этмоқда.

Шу боисдан Кадрлар тайёрлаш миллый дастурида, ўқув-тарбиявий жараённи илфор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурлиги уқтирилади, унинг иккинчи, учинчи босқичларида бажариладиган жiddий вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилганлигини айтиш мумкин.

Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз фаоллигини бироз йўқотди, қуруқ сўзлар ёрдамида ўқитиш яхши натижা бермай қолди. Бунинг ўрнига „Ахборотли ўқитиш“ таълим-тарбия жараённига кўпроқ самара бермоқда

Бундан ташқари, илм-фан, техника тараққиётининг жуда тез ривожланиши натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги таълим жараёнига технологик ёндошиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда бизнинг 2006 йилда чиққан „Инновацион педагогик технологиялар“ (Тошкент — 2006) ва 2007 йилда чоп этилган „Инновацион педагогик технологияла-

лар асослари. 101 саволга 101 жавоб“. (Тошкент. „Турон-Иқбол“ нашриёти. 2007 й.) қўлланмаларимизнинг битта китоб ҳолида бўлиши мақсадга мувофиқ деб, уларнинг айрим жойлари қайта кўриб чиқилди, айрим педагогик технология тушунчалари, атамалар мазмuni кенгайтирилди, ҳозирги кун талабларига мослаштирилди.

Бундан ташқари, қўлланмада педагогик технология тушунчаси хақидаги соҳанинг кўзга кўринган олимлари, педагоглари Т.Сомокото, М.Макарин, Т.Тольбрант, В.Беспалько, В.Фефелов, У.Н.-Нишоналиев, Б.Фарберман, Нурали Саидаҳмедовларнинг турли қарашларидан ижодий фойдаланилди.

Мустақиллик йилларида Республикализ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий- маданий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди, самарали ютуқларга эришилди. Энг муҳими кишилар онги тафаккури ўзгарди. Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида одамларимизнинг шахсий ва умуммиллий мақсад муштараклиги, гоявий бирликка интилиш ҳисси кучайди. Халқимиз ўз тақдирининг чинакам эгасига айланди. Ўзига хос миллий, маънавий руҳият ва маданиятнинг соҳибига айланди.

Республикамизда тараққиётнинг бош мезони сифатида баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилди. „Таълим тўғрисида“ти Қонуннинг такомиллашган, жаҳон андозаларига мос келадиган варианти яратилди.

„Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ ишлаб чиқилди ва улар босқичма-босқич турмушга тадбиқ этила бошланди.

Асосий эътибор юқори даражадаги умумий-касбий маданиятга, ижтимоий фаолликка, мустақил фикрлашга турли вазифаларни қийинчилексиз еча олиш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тарбиялашта қаратилди.

„Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ни амалга оширишнинг аниқ вазифаларидан бири — таълим муассасаларининг молдий-техник ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўкув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўкув адабиётлари ва илфор педагогик технологиялар билан таъминлаш қатъий режалангирилди.

Шу муносабат билан университетлар, институтлар, янги типдаги таълим-тарбия муассасалари — коллеж, лицейларда таҳсил олаётган бўлажак мутахассисларни илфор педагогик технологиялар ва уларнинг назарий, амалий асослари билан танишириш эҳтиёжи мавжуд бўлган ҳозирги кунда ўзбек тилидаги дарслик, қўлланма ва услубий ишланмалар етарли эмаслги сабаб, уларни яратишга катта зарурият туғилмоқда. Шуларни назарда тутган ҳолда мазкур ўйналиш айрим адабиётлар, қўлланмаларни умумлаштириш, айрим ўринларда улардан ижодий фойдаланган ҳолда, шунингдек, шу соҳа бўйича тадқиқотлар олиб бораётган ўзбек ва чет эл олимла-

рининг ишларини ижодий ривожлантириб, ушбу қўлланмани яратишга Эришилди.

Ўқувчиларнинг педагогик технологиялар бўйича аниқ билим, тушунчаларга эга бўлишлари учун кўп ўринларда олимларимизнинг фикрларидан айнан фойдаланишга ҳам ҳаракат қилинди.

Ушбу қўлланма ҳақидаги таклифлар, фикр-мулоҳазаларни Асака педагогика коллежининг педагогика-психология кафедраси мамнуният билан қабул қилишини билдирамиз.

I БОБ

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

1-§. Педагогик технология тушунчаси

„Педагогик технология“ тушунчаси нимани англатади? Технология тушунчаси юононча „технос“ — „хунар“, „логос“ — „фан“ сўзларидан таркиб топган бўлиб, „хунар фани“ деган мънони англатади. Бу тушунча „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“ (М., 1981 йил, 2-том, 169-бет)да қуйидагича изоҳланади: „Технология — (грек) ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида материалларга ишлов бериш ёки қайта ишлашда кўлланиладиган усуллар мажмуаси“. Одатда, самарали технологияларни қўллаш янги сифат ва миқдор ўзгаришларига олиб келади, ишлаб чиқаришда самарадорлик ошади. Технологиялар ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасига мос ҳолда мавжуд бўлиши мумкин (саноат технологияси, пахтачилик технологияси каби). Шунингдек, улар бир йўналишга оид бўлган алоҳида ўзига хос хусусиятларни қамраб олиши ҳам мумкин („Андижон технологияси“, „Абдурасулов технологияси“ каби). Агар технология тушунчасини бевосита педагогик жараёнлар билан боғласак, у ҳолда таълим-тарбия қонунларини амалга ошириш, уларнинг янги қонуниятларини кашф этиш асосида умумий мақсадга эришиш — ижобий сифат ўзгаришларга эга бўлган баркамол авлод шахсини шакллантириш тушунилади ёки педагогик технологияни, дастлабки тушунча сифатида, шахсда мақсадли сифат ўзгаришига олиб келишини таҳмин этувчи таълим-тарбия жараёнининг тизими усуллари, деб қараш мумкин бўлади.

Кейинги йилларда матбуотда, илмий адабиётларда, кўплаб анжуман ва йигилишларда, шу билан бирга расмий ҳужжатларда „Янги педагогик технология“, „Илгор педагогик технология“, „Ўқитиш технологияси“, „Таълим технологияси“, „Анъанавий педагогик технология“, „Ноанъанавий педагогик технология“, „Инновацион (янги йўналишдаги, ташқаридан янги киритилган, янгига ўхшаш, ноанъанавий) педагогик технологиялар“ каби тушунчалар учраб турибди. Педагогик технология тушунчаси педагогик адабиётларда тез-тез қўлланаётгани боис, унга бўлган фикр-мулоҳазалар, муносабат ва таърифлар ҳам турлича бўлмоқда. Мана улардан намуналар: „Педагогик технология — таълимни системалаштириш ёки синфда ўқитишни системалаштириш фояларини педагогикага тадбиқ этишдан иборат“ (Т. Сокомото); „Педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган барча шахс, инструмен-

тал ва методик воситаларнинг системалашган мажмуи ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби“ (М.В. Кларин); „Ўқитиш технологияси — илмий ва бошқа билимларнинг амалий масалаларини ҳал этишда системали равища кўллашдан иборат“ (Т. Гольбрайт); „Педагогик технология — ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўкувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсирни маҳсулни сифатида уларга олдиндан берилган шахс сифатларини шакллантиришни кафолатлайдиган жараён“ (Н. Саидаҳмедов); „Педагогик технология, бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятларни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнини ифодалашлойиҳалашдир“ (В.П.Беспалько). В.Фефелов таърифича: „Маълум таълим босқичида битирувчи шахс модели асосида ўкувчи шахсини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва тайёрловчи комплекс, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи блок тизимлар — педагогик технология дейилади“. Келтирилганларнинг умумлашмаси сифатида ЮНЕСКО қўйидаги таърифни беради: „Педагогик технология — таълим шаклларини оптималлаштириш вазифаларини ўз олдига қўйган техник ва инсон имкониятларини ва уларнинг ўзаро боғликларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлашларнинг тизимиий усусларидир“. Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, таълимга тизимиий ёндашув бошқа ёндашувлардан фарқли ўлароқ педагогик технологиянинг хусусиятларини белгилайди. Ўқитиш мақсадларини аниқ белгилаш, ўқитиш жараёнини лойиҳалаш, педагогик муваффақиятларни кафолатлаш, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи блоклар педагогик технологиянинг муҳим белги ва хусусиятлари ҳисобланади. Шу билан бирга бу белгилар қаторига технологиянинг такрорланувчанлик хусусиятини киритиш зарур. Маълумки, ишлаб чиқаришда, хусусан, саноатда қўлланилаётган технологияда кутилажак натижага кафолатланади. Шунингдек, аниқ ишчи чизмалар асосида яратилган деталларни йиғиш жараёни кетма-кет бажарилаверади, такрорланаверади, яъни технологик цикл қайтарилаверади. Масалан: Асака шаҳридаги „ЎзДЭУавто“ қўшма корхонасида ишлаб чиқарилётган енгил автомашиналарнинг яратилиш жараёнини кўз олдимизга келтирайлик. Корхонанинг ҳар бир цехида ўзига хос бўлган бир хил технологик жараён қайта-қайта такрорий равища амалга оширилади. Моделга мос равища бир хил кўриниш, сифатга эга бўлган автомашиналар ишлаб чиқарилаверади. Технологиянинг бу хусусияти педагогик технологик жараёнига ҳам бевосита алоқадордир. Педагогик жараёнда такрорланувчи, қайтарилувчи циклни яратиш мураккаброқ кечади. Чунки ўқитишнинг мақсади, таълим вазифасининг мазмуни, ўкув материалларининг хилма-хиллиги, билиш фаолияти, ўзлаштириш да-

ражаси ўқувчининг индивидуал хусусиятларига кўп жиҳатдан боғликлиги каби ҳолатлар маълум қийинчиликларни туғдирали. Лекин таълим-тарбия жараёнида муваффақиятта эришиш учун бу қийинчиликларни инобатга олган ҳолда педагогик технологиянинг қайтuvchi-takrorlanuvchi aloqasini yaratiш зарур бўлади. Бу жиҳатни ўзбекистонлик олимлар У.Н. Нишоналиев ва Б.Л. Фарберманлар томонидан педагогик технологияга берилган таърифда кўриш мумкин: „Педагогик технология ўқув мақсадларининг аниқ белгиланиши, якуний натижанинг кафолатланиши, ўқув жараёни тақрорланувчанинг таъминлаши ва тезкор қайтuvchan aloqasining mavjudligi bilan xarakterlanadi“. Таърифдан кўриниб турибдики, ўқув жараёнига педагогик технология жорий этилганда, анъанавий ўқитиш жараёнига хос бўлмаган янги белгилар, хусусиятлар — ўқув мақсадларини аниқлаштириш, ўқув жараёнига ва мақсадларига, унинг кафолатланган натижаларига қараб тузатишлар киритилиши ва изчил қайтuvchan aloqasining mavjudligini яққол сезиш мумкин.

Шундай қилиб, педагогик технология, хусусан, янги, инновацион пед технология тушунчasi бўйича маълум хуносалар қилишимиз мумкин. Таълим-тарбия тизими бир-бири билан узвий боғланган бир нечта таркибдан ташкил топади:

1. Шахс (ўкувчи);
2. Таълим (тарбия) мақсадлари;
3. Таълим (тарбия) мазмуни;
4. Дидактик (тарбиявий) жараён;
5. Ташкил этиш шакллари;
6. Педагогик услублар ёки технология;
7. Ўқитувчи (тарбиячи).

Ҳар қандай назарияга хос бўлгани каби юқоридаги тизим ҳам қонуний икки йўналишни ифодалайди ва ҳал қиласи: дидактик (тарбиявий) масалалар ва бу масалаларни амалга ошириш йўллари. Шартли равиша дидактик (тарбиявий) масалаларга максад, мазмун киритилса, амалга ошириш йўлларига шакл, восита, услубларини киритиш мумкин. Бу тизим ичida педагогик услублар ёки педагогик технологияларни алоҳида ажратиб оламиз.

Педагогик технология таълим-тарбия жараёнига ўзига хос бўлган инновацион ёндашувдир. У педагогикада ижтимоий-муҳандислик тафакурурининг ифодаси, ўқитиш, тарбиялаш жараёнини маълум даражада стандартлаш демакдир. Жумладан, ўқитишининг ваъзхонлик, оғзаки баён қилиш усулларидан воз кечиб, компьютерлар, таълимнинг техник воситалари ёрдамида ўқитиш, ўқувчи билиш фаолиятининг бошқарувчиси, ташкилотчиси, маслаҳатчиси, якуний натижага эришишга йўлловчиси—ўқитувчи, устоз раҳбарлигида талабаларнинг кўпроқ мустақил ишларини ташкил этиш ва энг

муҳими ўқитувчининг деярли бир-хил якуний натижага эришиш имкониятининг мавжудлигидир. Айниқса, ўқитишга ягона давлат таълим стандартлари жорий этилган, жаҳоннинг етакчи давлатлари андозалари талабига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги даврида кейинги ҳолат алоҳида аҳамият касб этади. Ўқув жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш натижасида таълим мақсадлари белгиланади ёки лойиҳаланади, кутилаётган якуний натижа — ижобий сифат ўзгариши кафолатланади, ўқув жараёнининг такрорланувчи цикли яратилади, тезкор қайтувчи алоқа вужудга келади ёки ўқув мақсадлари, ўқув жараёнига керакли тузатишлар киритилиб борилаверади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонлик олим Н.Сайд-аҳмедовнинг кузатишича, „ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажратта олмаяптилар. Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Методикадан кўзланган мақсад предмет мавзуларига оид назарияларни аниқ ҳодисалар текислигига кўчиришдир... Педагогик технология ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларини қуриш, уларни жорий этиш, шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишини таъминлайди. Ёхуд ПТ ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган муолажалар йиғинди-сидир. Технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларининг турғунлиги, самародорлиги, олдиндан лойиҳаланиш зарурияти билан методикадан фарқланиб туради“ (Н.Сайдаҳмедов, Янги педагогик технологиялар, Т. 2003 й, 7-бет).

Амалиётда кўлланилаётган педагогик технологияларни 12 турга ажратиб ўрганишимиз мумкин (Г.К.Селевко, Современные образовательные технологии, М. 1998 й):

1. Кўлланиш даражаси бўйича (умум педагогик; хусусий предметли; локалли, модули, тор педагогик).
2. Фалсафий асос бўйича (материализм, идеализм, диалектик, метафизик, инсонпарвар, ноинсонпарвар, антропософия, теософия, прагматизм, экзистенциализм, сионизм).
3. Рухий ривожланишнинг етакчи омиллари бўйича (биогенли, социогенли, психогенли, идеалистик).
4. Ўзлаштириш концепцияси бўйича (ассоцатив-рефлекторли, ривожлантирувчи, бихевиористик, гештальттехнология, суггестив, нейролингвистик).
5. Шахс тузулмасига йўналтирилганлик бўйича (информацион, операцион, ҳаяжонли-аҳлоқий, ўз-ўзини ривожлантирувчи, эвристик ва амалий).

6. Мазмуни ва тузилиш характери бўйича (таълимий ва тарбиявий, дунёвий ва диний, умумтаълим ва касбга йўналтирилган, гуманитар ва технократик, турлича соҳавий технологиялар, хусусий предметли ҳамда монотехнологиялар ва политехнологиялар).

7. Ташкилий шакллар бўйича (синф-дарс, муқобилли, академик, якка тартибли, гурухли, жамоа бўлиб ўқиш усуллари, табакалаштирилган таълим).

8. Билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тури бўйича (маърузали классик ўқитиши; аудиовизуал техник воситалар ёрдамида ўқиш; „маслаҳатчи тизим“; китоб ёрдамида ўқитиши; „репетитор“ тизими; „дастурли таълим“ В.П.Беспалько).

9. Болага ёндашиш бўйича (авторитар, дидактоцентрик, шахсга йўналган технологиялар, ҳамкорлик технологияси, эркин тарбиялаш технологияси, эзотерик технологиялар).

10. Устувор методлар бўйича (репродуктив, тушунтириш-кўрсашиб, ривожлантирувчи таълим, муаммоли таълим, ижодий; дастурли таълим, диалогли, ўйинли таълим, ўз-ўзини ўқитиши таълими, информацион таълим).

11. Мавжуд анъанавий тизимларни янгилаш йўналишлари бўйича (муносабатларни инсонтарварлаштириш ва демократлаштириш асосида; болалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосида; ташкиллаштириш ва бошқариш самарадорлиги асосида; ўкув материалларни методик ва дидактик реконструкциялаш асосида; табиатан монандлик, муқобиллик технологиялари; муаллифлик мактабининг ягона технологияси).

12. Таҳсил олувчилар тоифаси бўйича (оммавий технология, олға одимловчи таълим, тўлдирувчи; ўзлаштировчилар билан ишлаш технологиялари, иқтидорлилар билан ишлаш технологиялари).

Ҳозирги кунда дунёнинг энг тараққий этган АҚШ, Англия, Япония, Германия, Туркия ва Корея қаби мамлакатларида таълимга юқоридагидек янгича тизимиш ёндашув натижасида ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштиришлари юқори даражада бўлмоқда. Жумладан, Жанубий Кореяда педагогик технологиялар бўйича тажриба сифатида ўқитилган 50 минг нафар ўқувчининг 75% ижобий ўзлаштиришга эта бўлдилар. Одатда, бундай кўрсаткичга факат энг аҳлочи ўқувчиларгина эриша олишлари мумкин.

Республикамиз таълим-тарбия муассасаларида самарали инновацион педагогик технологияларни қўллаш ўқув-тарбиявий жараёнларнинг янада такомиллашувига, таълим сифатини жаҳон андо-заларига етказишга, кадрларни ягона Давлат таълим стандартлари талабларига мос равища тайёрлашга олиб келади. Келгусида педагогик технология назарий ва амалий жиҳатдан янада бойиб боради. Ўзбек халқ педагогикасининг миллий хусусиятлари, Миллий ис-

тиқол мағкураси ғояларига монанд технологиянинг мустаҳкам асослари яратилади.

2-§. Инновацион педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш тарихидан

Таълим-тарбия жараёнига, жумладан, ўқитишга технологик ёндашувнинг вужудга келиши ва ривожланиши ўз тарихига эга. Мактабларимиз тарихидан, олимларимизнинг тадқиқотларидан шу нарса маълумки, таълим-тарбия жараёнига мазкур ёндашувнинг ривожини шартли равишида З босқичга ажратиб ўрганиш мумкин. Биринчи босқичда ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчигина олиб борган, инсоният тўплаган тажрибалар, билимлар ўқувчига ўқитувчи орқалигина берилган. Иккинчи босқичда дарслик ва қўлланмалар чоп этила бошланди. Ўқитувчига ёрдам берувчи дидактик материаллар вужудга келди. Учинчи босқичда эса, ўқитиш технологияси мазмун жиҳатдан янада бойиди: ўқитувчи ва ўқувчи учун техник воситалар, ўргатувчи машиналар ҳам қўшилди, дастурланган таълим тушунчаси пайдо бўлди. Таълим самарадорлигини кўтаришга кўмаклашувчи янги ёндашувлар юзага кела бошлади.

Таълим самарадорлигини юқори даражага кўтариш муаммосига технологик ёндашув ўтган XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлди. Бу даврда „педагогик техника“ тушунчаси маҳсус адабиётларда кўриниб қолди ва унга ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йигиндиси сифатида қаралди. 40- ва 50-йиллар бошларида ўқув жараёнига ўқитишнинг техник воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса, кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси педагогик технологияларга тенглаштирилди.

50-йиллар ўртасида жаҳон педагогикасида ўқув жараёнини ўзига хос „технологоик“ усуlda ташкил этиш ҳаракати вужудга келди. 60-йилларда эса, ўқитиш методларининг ўта турли-туманлигидан улардан самарали фойдаланишда қийинчилеклар туғила бошлади ва бу методлар учун умумий бўлган илмий асос яратиш зарурияти вужудга келди. Натижада педагогик методлар технологияси, ўқитиш технологиясининг назарий ва амалий асослари вужудга кела бошланди. 1961 йилдан АҚШда „Педагогик технология“ журнали чоп этила бошлади. 1964 йилдан Англияда „Педагогик технология ва дастурли таълим“, 1965 йилдан Японияда, 1971 йилдан Италияда „Педагогик технология“ журналлари чиқарила бошланди. ЮНЕСКО 1971 йилдан то ҳозирги кунгача таълим бўйича халқаро бюронинг „Педагогик технологиялар“ бюллетенини чиқариб келмоқда. Россия Федерацияси эса, 1997 йилдан бошлаб „Мактаб технологиялари“ журналини чоп этиб келмоқда.

70-80-йилларга келиб, ўқув жиҳозларининг турли хилларини ва ўқитишнинг предметли воситаларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурий шартлардан бирига айланди. Уларсиз илгор методика ва ўқитиш шакллари самараисиз бўлиши, таълим сифатини таъминлаш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Бу зарурият 90-йилларга келиб, педагогик технологияларнинг назарий ва амалий жиҳатларини тизимли тадқиқ қилишни тақозо этди. Хусусан, россиялик олимлар бу йўналишда бир катор асарларни нашр қилдилар. Жумладан, 1989 йилда нашр қилинган В.М. Клариннинг „Педагогическая технология в учебном процессе“, В.П. Беспальконинг „Слагаемые педагогической технологии“ китоблари бу соҳадаги йирик тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади.

Ўз-ўзидан ўринли саволлар туғилади: Нима учун биз педагогика фанининг ушбу йўналиши бўйича жаҳон миқёсида эришилган мувафақиятлар тўғрисида жуда оз биламиз? Нима учун педагогик технология тўғрисида ўқув юртларида зарур билимлар энди бериляпти? Нима учун бу борадаги керакли педагогик адабиётлар йўқ, бор бўлса-да, жуда оз миқдорда?

Бунинг бош сабаби — педагогик технологиянинг назарий ва амалий асослари бевосита „бихевиоризм“ (инглизча хатти-ҳаракат) гоялари билан боғлиқ. Тарихдан маълумки, „бихевиоризм“ гоялари совет педагогикасига ёт бўлган, буржуача йўналиш деб, қаттиқ қоралаб келинган, унинг гояларидан фойдаланиш антикоммунистик сиёsat деб шарҳланиб келинди. Коммунистик режимнинг барҳам топиши билан „бихевиоризм“ асосчилари Ж. Устсон, Э. Торн-драйк, Е. Пресси, Б. Скиннер, Э. Родкорф гояларига муносабат ўзгарди. Масалан, А.В. Петровский, М.Г. Ярашевскийлар таҳрири остида нашр қилинган „Психология“ (М., 1990 й.) луфатида бундай фикрни ўқиймиз: „бихевиоризм гояси лингвистика, антропология, социология каби соҳаларга таъсирини ўтказди ва кибернетикага замин яратди“.

Шу нарса хусусиятлики, 1970 йилларда ҳали бихевиоризм „буржуазия“ фани сифатида таъқиқ қилинаётган бир пайтда Н.Д. Никандров ўзининг „Программалаштирилган таълим ва кибернетика гояси“ (М., 1970) номли ишида Э. Родкорфнинг тадқиқот натижаларини келтириб, шундай дейди: „Бихевиоризм атрофида қизиқарли ва фойдали ишлар пайдо бўлиши мумкин, бихевиоризмнинг назарий йўналишига танқидий муносабат, бу соҳа тарафдорларининг назарий фикрларини ўрганишдан бош тортиш бўлиб қолмаслиги керак“.

Бихевиористларнинг ишлари тестология шаклланишига ёрдам беради, лекин у ҳам педагогик технология каби совет даврида „буржуазиявий“ йўналиш қаторига киритилиб, умуман инкор қилинди. Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб

ижодий педагогика фанига йўл очди ва чет элнинг бу соҳадаги энг илфор, юқори натижа берадиган гояларни амалиётта татбиқ этиш, бу йўлда ўзимизнинг анъана ва тажрибаларимиздан кент фойдаланишга имкон яратиб берди.

Президент Фармони билан 1992 йил март ойида қабул қилинган қарорга мувофиқ республикамиз Олий ўқув юртларигаabitуриентларни тест ёрдамида танлаб олиш ва таълим тизимиға педагогик тестларни жорий этишга биринчи бўлиб асос солинди. Педагогик технология муаммолари билан маҳсус тадқиқотлар ўтказишга киришилди. Педагогик технологиянинг моҳияти, унинг таърифи ва маълум педагогик таълим доирасидаги ўрни биринчи бор 1993 йилда „Халқ таълими“ журналида Н. Саидаҳмедов томонидан талқин қилинди. (Н. Саидаҳмедов, Ўқитувчининг педагогик тизимидағи фаолияти, „Халқ таълими“, 1993 й., 6-76.). Ҳозирги кунда педагогик технологияларнинг назарий асослари ва уларни амалиётта татбиқ этиш бўйича бир қатор олимлар самарали излашишлар олиб бормоқдалар. Булардан Р.Х.Жўраев, У.Н.Нишоналиев, М.С.Саидаҳмедов, Б.Л.Фарберман, Қ.Ишматов, Х.Абдукаримов, К.Зарипов, Т.Назароваларнинг тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг таҳтили шуни кўрсатмоқда-ки, ҳозирги кунда Республикада педагогик технологияларнинг назарий, амалий асосларини, уларнинг мукаммаллигини ўрганиш ва ўқув-тарбиявий жараёнга татбиқ этиш давлат аҳамиятига эта бўлган тадбирлар, деб қараляпти. Бир гурӯҳ мутахассисларимиз педагогик технологиялар давр талаби, шу билан бирга янги замонавий йўналиш эканлитини эътироф этиб, таълим-тарбия жараёнига миллий хусусиятларни киритган ҳолда қўллашни тавсия этаётган бўлсалар, иккинчи гурӯҳ мутахассислар таълим-тарбиядаги инқироздан кутулиш ва таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг бирдан-бир йўли педагогик технологияларни қўллаш ва унинг мукаммаллиги (валидлиги)ни яратиш ёки уларнинг турли шароитларда ҳам керакли натижа беришини кафолатлашни таъминлашга эришиш зарурлигини таъкидламоқдалар. Учинчи йўналишдаги мутахассислар педагогик технология таълим-тарбияни эволюцион босқичга кўтаришнинг шарти эканлиги, унинг назарий ва амалий асослари, концепциясини, бозор муносабатларига мослаш механизмларини яратиш, таълимга сиёсатнинг бош йўли сифатида караш зарурлигини исботламоқдалар. Шу билан бирга, мазкур соҳада ечимини кутаётган бир қатор муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, таълимнинг ҳозирги кўп босқичли тизимида педагогик технологиянинг ўрнини аниқ белгилаш, унинг назарий ва амалий асосларини бир тизим доирасида ишлаб чиқиш зарур. Ўзбек тилидаги қўлланмалар, ишланмалар, услубий кўрсатмалар, керакли адабиётларни

яратиши — ҳал қилиниши керак бўлган йўналишлардир. Истиқболли, замонавий, давр талабларига жавоб берувчи техник воситаларни яратиши ва уларнинг таълим технологияси тизимишаги ўрнини ва хизматини белгилаш зарур. Маориф ходимлари, ўқитувчи, тарбиячиларда педагогик технологияларидан фойдалана олиши кўникмаларини шакллантириш, уларнинг малакасини мукаммал ва сифатли ошириш, самара берётган мутахассисларнинг иш тажрибаларини оммалаштиришга кенг имкониятлар бериш, педагогик технологиялар бўйича илмий, амалий мактаблар яратиши зарур.

Шундай қилиб, ўқитишига технологик ёндашув XX асрнинг 30-йилларида вужудга келди. Дунёнинг ривожланган барча давлатларida кент қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Давлатларда таълим самарадорлиги бўйича салмоқли мувафақиятларга эришилган бўлса-да, совет тизими даврида мазкур йўналиш „буржуача“ йўналиш, деб қаттиқ қораланди, тадқиқот ишлари олиб бориш, у билан шуғулланиш таъқиқдаб қўйилди. Фақатгина ўтган асрнинг 90-йилларидан сўнг МДХ мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам инновацион педагогик технологияни ўқитиши, тарбиялаш жараённига татбиқ қилиш бўйича мувафақиятли ишлар олиб борилмоқда. Уларнинг назарий ва амалий асосларини яратиши давлат буюртмасига айланди.

3-§. Инновацион педагогик технологияларнинг асосий принцип ва қоидалари

Инновацион педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш маълум қонуниятларга, принципларга асосланади.

Принцип — лотинча „principium“ сўзидан олинган бўлиб, асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи foя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади. Педагогик технологиялар принциплари — лойиҳаланган ўқув-тарбиявий жараённи амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар ва талаблардир. Уларни аниқлашда қўйидаги ҳолатлар эътиборга олиниди: 1) мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади; 2) дидактик жараённинг объектив қонуниятлари; 3) таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган шарт-шароитлар (Н. Сайдахмедов. Янги педагогик технологиялар, 2003 й, 82-92-бетлар).

Педагогик технологиянинг яхлитлик принципи. Бу принцип технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимининг барча элементлари ўзаро таъсир остида бўлишини ва ўзаро боғлиқдигини эътиборга олишни тақозо этади. яъни, таълим мақсадининг қатъиян аниқланиши (нега ва нима учун?), ўқув жараёни мазмуни

(нима?), ташкилий шаклларини (қандай?), ўқитиш методлари ва воситаларини (нима ёрдамида?) саралаш ва танлашга күмаклашиши, шунингдек, ўқитувчининг маҳорат даражасига боғлиқ ҳолда дидактик жараён самарасини аниқлашга имкон бериши керак.

Яхлитлик принципи педагогик технологияни ташкил этувчи элементлардан бирини янгилаб ёки ўзгартириб, қолганларига тегмасликни, қайта қурмасликни инкор этади. Мисол учун, таълим мақсадини ўзгартириб, унинг мазмунини ёки ўқитиш жараёнини эскича қолдириш мумкин эмас. Бугунги кунда республика халқ таълими тизимида чукур ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга ошириялпти. Биринчидан, таълим-тарбия мақсади янгиланди — эркин фикрлайдиган фуқарони, баркамол инсон шахсини шакллантириш зарур. Иккинчидан, бу ижтимоий буюртма ўз навбатида таълим мазмунини тубдан қайта қуришни, янги ўқув дарслклари ва дастурларини яратишни келтириб чиқаради. Учинчидан, таълим-тарбиянинг янги мазмуни ахборотларни ўқувчи (талаба) ларга маълум вақт доирасида етказиш жараёнини тезлаштирувчи воситаларни талаб этади. Ана шу важдан янги педагогик ва ахборот технологияларини яратиш олимлар олдига кўндаланг вазифа қилиб қўйиляпти. Педагогик фаолият юргизаётган ҳар бир шахс бу муаммоларни тўғри англаши ва таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндашишлари зарур.

Педагогик технологиялар ўқув-тарбиявий жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичда бу лойиҳани синф (аудитория)да амалга оширишни кўзда тутади. Шу боисдан педагогик технологияларнинг муҳим принципи — бўлажак ўқув тарбиявий жараёнини **олдиндан лойиҳалаш принципидир**. Бу эса, табиий-ки, ўқитувчидан ижодий фаолиятни талаб этади. Лойиҳаланган технология дарс мавзуига ажратилган вақт доирасида жорий этилиши лозим. Ўқув вақти педагогик технологияни олдиндан қуришда муҳим кўрсаткич ҳисобланади ва ўқитувчи уни ҳисобга олиши шарт. Лойиҳаланаётган дидактик жараён синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасига мос келиши, ҳамма учун тушунарли бўлиши жуда муҳим. Шундагина якуний натижка қўлга киритилади.

Якуний натижанинг кафолатланиши педагогик технологиянинг яна бир муҳим принципидир. Бу тушунча аслида нисбий характерга эга, чунки тузилган технология амалга оширилгач, муайян натижалар бўлиши — ўқувчиларнинг ўқув материалини турли даражада ўзлаштириб олиши, табиий.

Педагогик технологиянинг муҳим принципларидан яна бири тугалланганлик принципидир. Ўқувчининг ўзлаштириш сифати унинг ўзлаштириш коэффициенти билан аниқланади. Мамлакатимиз ўқув юртларида ўқувчининг ўзлаштириш сифати — ўзлаштириш коэффициенти 0,55 га teng ёки ундан кўп бўлса, яъни ўқув матери-

алининг 55 фоизи ўзлаштирилса „қониқарли“ ҳисобланяпти. Фикримизча, бу кўрсаткич таълим тизимини ислоҳ қилишининг дастлабки босқичлари учун етарлидир.

Педагогик технологиянинг принципларидан бири — этилувчанлик принципидир. Бу принцип педагогик технологияларнинг кўлланиши соҳаларини бирмунча кенгайтиради. У ёки бу мавзу бўйича лойиҳаланган технология ҳеч бўлмагандага Фаиз бўлимлари чегарасида этилувчанлик хусусиятига эга бўлиши керак. Уқитувчида кам куч ва вақт сарфи эвазига фан мавзулари бўйича дидактик жараён тузилмасини ташҳисли мақсадга мувофиқ тарзда алмаштира олиш ёки қайтадан лойиҳалаш имкони мавжуд бўлади. В.П. Беспалько, Б.Скиннер, Н.Д.Никандров, Н.Ф.Тализина, Б.Л.Фарберман ва бошкаларнинг илмий изланиш натижаларини таҳлил қилган ҳолда педагогик технологиянинг қўйидаги принципларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин (К.Ишматов, Илгор педагогик технологиялар, Наманганд, 2000 й, 62-66-бетлар):

1) Ўқувчилар билиш фаолиятини бошқарувчи қурилмалар, тизимининг қатъий **кетма-кетлигини яратиш**. Ўқувчилар билиш фаолиятини бошқарувчи қурилмалар педагог ёки методист (услубчи) томонидан олдиндан тузилган дастур асосида ишлайди. Шунинг учун ҳам улар фақат олдиндан дастурланган ҳолатларнигина назорат қиласди, холос. Ўқув жараёнида вужудга келган, лекин олдиндан дастурланмаган вазиятларни бошқариш учун педагог фаолияти зарур бўлади. Бугунги кунда тўла-тўқис дастурланган электрон китоб яратишга уринишлар ҳозирча самараасиз бўлмокда. Ўқувчилар билиш фаолиятини бошқаришда — ўқитувчи, машина ёрдамида (автоматик) ва уларнинг биргалигига ҳамда ўз-ўзини бошқариш турларидан унумли фойдаланишни лойиҳалаш зарур.

2) Ўқувчилар билиш фаолиятининг ҳар бир қисми бўйича ўқув жараёнини бошқаришни **ёпиқ цикл (шиклик)** бўйича ташкил қилиш. Бунда, ўқувчиларга тўғридан-тўғри ахборот узатиш билан бирга, улардан ҳам ахборот олиш — қайтувчан алоқа эътиборга олинади.

Кибернетикадан маълумки, бошқарув системасининг меъёрида фаолият кўрсатиши учун машина ва объект (ўқувчи) ўртасида тўғри ва қайтувчан алоқа ўрнатилиши лозим. Қайтувчан алоқа ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам бирдек зарур: ўқув материалини ўзлаштириб бориши, ўқитувчи учун эса йўл қўйилган хатоликларни таҳлил қилиб, педагогик жараёнга тегишли тузатишлар киритиб бориш учун. Ўқувчи мустақил равишда ўз фаолиятига тегишли тузатишлар киритиши учун зарур бўлган қайтувчан алоқа — ички ва ташқи қайтувчан алоқа деб аталади. Ички қайтувчан алоқа туфайли ўқувчи билим ва кўникмаларни онгли равишда ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Бунда ҳеч қанчай тушунти-

риш, маслағат бериш, йўлланма бериш кабиларга йўл қўйилмайди.

Фақат ўқитувчи томонидан бажарилган ташқи қайтувчан алоқа ўрнатилсагина ўкув жараёнини циклик тарзда бошқариш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам ташқи қайтувчан алоқа баъзан (сўраш ва назоратда) ички операция ва (тезкор) қайтувчан алоқа эса, бевосита ўкув жараённида амалга оширилади.

3) Ўкув материалини узатишда, унинг моҳиятини очиб беришда **алоҳида қадамлардан** фойдаланиш учинчи принципни ташкил қиласди. Бу талабнинг бажарилиши дастур материалининг барчага тушунарли бўлишини таъминлайди. Ҳар бир ўкув қадам таркиби ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги учта қисм (кадр)ни қамраб олади: ахборот, қайтувчан алоқа операцияси ва назорат. Ўкув қадамларининг кетма-кетлиги педагогик технологиянинг асосини ташкил қиласди. Ўкувчиларнинг дастур (ҳар бир ўкув қадами) бўйича фаолияти ўта индивидуаллашган бўлади.

4) Тўртийчи принцип — **ўзлаштиришнинг индивидуал суръати** деб аталади. Бу принципга амал қилиш барча ўкувчилар томонидан (турли вақтларда бўлса-да) ўкув материалини тўла-тўқис ўзлаштиришни таъминлайди. Бунда ҳар бир ўкувчи учун алоҳида — унинг руҳий (идроқи, диққати, тафаккури) ривожланиши учун энг мақбул бўлган ўкув материалини танлаш ва унинг ўзига мақбул бўлган ўзлаштириш траекториясини белгилаш зарурати туғилади.

5) Ўкув жараённида маҳсус **техник қурилмалардан** фойдаланиш педагогик технологиянинг бешинчи принципини ташкил қиласди. Маҳсус техник қурилма ҳар бир ўкув қадамини (ахборот, операция, қайтувчан алоқа, назорат) амалга оширувчи техник воситалар.

Юқоридаги принциплар педагогик технологиянинг дидактик система сифатидаги ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Лекин улар ўкув жараёнини ташкил этишга оид барча жиҳатларни ўзида акс эттирамайди. Педагогик технологияда хусусий ҳол сифатида анъанавий ўқитищдан ҳамда дидактиканинг барча принципларидан фойдаланилади (онглийлик ва фаоллик, кўргазмалик, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, ўқитища узвийлик, ўқигишининг тушунарли ва билимларнинг пухта бўлиши). Педагогик технология принциплари ва умумдидактик принциплар бир-бирини тўлдиради ва бойитади.

Педагогик технологиянинг қоидалари. Ўқитища технологик ёндашишда, аввал ўзлаштирилган ва янги билимларнинг ўзаро боғлиқ бўлишига катта эътибор берилади. К.П.Макварднинг таъкидлалича, ўзлаштирилаётган билимларнинг пухталиги ана шу боғланишнинг мустаҳкамлиги ва кўламига боғлиқ бўлади. Агар бу

боғланиш бўлмаса, ўрганилаётган ўқув материалини ёдлаш ҳам билимларни шакллантирмайди. Агар янги ва олдинги ахборотларнинг қисмлари, шунингдек, уларнинг ўзлари орасидаги боғланишлар қанчалик мустаҳкам (бой) бўлса, демак, ана шундай мустаҳкам билимларга эга бўлинади.

Бу боғланишларнинг энг юқори даражада мавжуд бўлиши педагогик технологиянинг қоидаларига биноан амалга оширилади:

1. „Эквивалентли амалиёт“ қоидаси. Ўқитувчининг ўқитиш жараёнида кўзланган ҳаракатлари ва унинг якуний тест топшириғида белгиланган ўқув ҳаракатлари айнан бир хил шароитда ўткалиши лозим.

2. „Аналогик амалиёт“ қоидаси. Ўқувчилар тест (имтиҳон)да қандай ҳаракатларни кўрсатишлари талаб қилинса, улар ўқув жараёнида ҳам шунга ўхшаш ҳаракатларда машқ қилишлари мумкин.

3. „Натижани билиш“ қоидаси. Ҳар бир ўтказилган назорат натижаси ўқувчига тезлик билан маълум қилиниши зарур. Бу қоида Б. Скиннер ва Э. Торндайклар томонидан дастурланган таълимда ҳам қўлланган.

„Ижобий мустаҳкамловчи реакциялар“ қоидаси. Ўқитувчининг эришган ҳар бир ютуғига ўқитувчи ўз вақтида эътибор қилиб, рағбатлантириб бориши керак. Ўқувчиларнинг нотўғри ўқув ҳаракатлари жазоланмайди. Бу ҳолда ўқувчиларни: „Яна бир марта уриниб кўр“, „Бу бўлимни бошқатдан ўрганиб чиқишинг лозим“ каби илҳомлантирувчи сўзлар билан уларни ишлашга ундаши лозим.

II БОБ

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРӢ ҔТИШ

1-§. Дидактик жараён тузилмаси ҳақида тушунча

Г.К. Селевко томонидан педагогик технологияларнинг 12 тури фарқланиб тасниф қилинган. Технологияларнинг „Мазмуни ва тузилиши характери“га караб, белгиланган тури ичидан „Таълим технологиялари“ни ажратиб оламиз.

Таълим технологиялари ҳақида фикр юритишда дидактик жараён тузилмаси ҳақида тушунчага эга бўлиш керак. Педагогик, психологияк ва услубий адабиётларда кўрсатилишича, дидактик жараён ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча таркибларни ўз ичига олади: ўқувчи (талаба), ўқитувчи (педагог); давлат буюртмасига мос келувчи таълимнинг мақсади, мазмуни; ўқитишнинг ташкилий шакли; услубий жиҳатлари; ўқувчи (талаба)нинг таълими-мотивацион ҳолати; ўқувчи (талаба)нинг ўқув-билиш фаолияти ва уни ўқитувчи (педагог) томонидан бошқариш.

Н. Саидаҳмедов дидактик жараённинг 6 элементларини багафсил таҳлил қилиб берган (Н.Саидаҳмедов. Янги педагогик технологиялар. Т.2003 й, 61-69-бетлар). Унинг таҳтилича, дидактик жараёнларнинг муҳим элементларидан бири ўқувчиларнинг таҳлилий мотивацион ҳолатидир.

Мотивация — шахс хатти-ҳаракатини юзага келтирувчи ички ҳаракатлантирувчи куч, ҳиссиёт бўлиб, педагог уни бошқаришга ҳаракат қиласида ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳисобга олади. Уни амалда вужудга келтириш учун ўқувчи ўрганилаётган фаолият тажрибаларидан таассуротли далилларни маҳсус йиғиши ва ўқувчи (талаба)ларга ўқитилаётган предметларнинг асосий ҳолатлари бўйича билимлар асосида нокулай вазиятлардан чиқиб кетиши йўлтарини намойиш қилиш керак. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ ҳолда ўқувчиларда ҳосил бўладиган мотивлар кучли ёки кучсиз бўлади. Демак, ўқитувчи ҳар бир дарс мақсади ва мазмунига мос келадиган мотивация меъёrlарини аниқлаши лозим бўлади. Педагогикада ўқувчиларни дарсга қизиқтириш йўллари хилмачилдир. Бирмунча самарали бўлган методика — муаммоли вазиятларни машғулот бошланишида ўқувчиларга таклиф этиши ёки предмет мавзусини ифода эта оладиган маҳсус муаммоли топшириқлар берилиши керак.

Муаммоли вазиятлар ўзида ўқувчиларнинг қийинчиликни (муаммони) аниқ ёки мавхум англашини ифодалайди ва уни ҳал

этиш янги билимларни, янги усул ва ҳаракатларни излаб топишни талаб этади. Агар ўқувчидар қийналишларни бартараф этиш йўлларини қидириш учун бошлангич билимлар етишмаса, у муаммоли вазиятларни қабул қила олмайди ва табиийки, тафаккурида кураш ва қарама-қаршилик жараёни кечмайди.

Мавжуд вазиятларнинг уч кўринишини келтириш мумкин:

1. Вазият маълум. Уни ҳал этиш учун шунга ўхшаш аниқ намуналар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатда вариантни ечиш методи стандартли бўлиши мумкин.

2. Вазият ўхшаш. Бундай ҳолатда уни шунга ўхшаш бошқа вазиятлар билан таққослаш зарур. Улар бир-бирига айнан ўхшаш бўлмаслиги мумкин, бироқ яхлит асосга эга бўлганлиги учун ўнинг кўринишини ўзгаририб, қаралаётган вазиятга яқинлаштириб мақбуллаштирилади ва оқилона ечиш йўли топилади.

3. Номаълум вазият. Бундай вазият амалий фаолиятда учрамайди, уни бошқа қандайдир намуна билан солиштириш имкони йўқ. Шу боисдан ечимнинг янги услубини излаб топиш зарур бўлади.

Дидактик жараённинг мотивацион босқичи ўқувчиларнинг билиш фаолиятига кириб кетишини тезлаштиришга имкон беради. Бу фаолиятни керакли фаоллик даражасида ушлаб туриш учун уни ташкил этиш методлари ва усусларини ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатига боғлиқ ҳолда танлай олиши керак.

Ўқувчилардаги мотивация характеристи кўп жиҳатдан уларнинг ўқув фаолиятига (иккинчи элемент) боғлиқ. Ўрганиш кент маънода — ўқувчиларнинг Янги билимларини ўзлаштириш жараёнидир. Лекин ҳар қандай ўрганиш ҳам ўқув фаолияти бўла олмайди. Ўрганиш ўқув фаолияти даражасига кўтарилиши учун ўқувчилар билимларни эгаллаш давомида уларни бойитадиган ўқув ҳаракатларининг янги усусларини ўзлаштириши, мустақил равишида ўқув топшириқларини белгилаши, ўз-ўзини назорат қилиши ва ўз хусусий ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини билишлари керак.

Педагогик жараён билан шугулланувчи ҳар бир кишига маълумки, билимларнинг ўқувчилар томонидан эгалланиши уларнинг хусусий ўқув фаолияти (психологлар таърифида — билиш фаолияти) натижаси туфайли рўй беради. Бироқ психология фани ҳанузгача ўқитишда ўқувчиларнинг кетма-кет билиш ҳаракатларининг энг яхши таркиби тўғрисида аниқ фикрга келгани йўқ. Бу таркиб ва ўқувчиларнинг билишга оид ҳаракатларининг кетма-кетлиги, мавжудлик алгоритми (МА) деб номланади. МА, биринчидан, бу ҳаракатларнинг қатъяян кетма-кетлигини, иккинчидан, уларнинг натижалари ҳам қатъяян олдиндан аниқланганлигини таъкидлайди. Шу боисдан МА моҳият жиҳатидан ўқув билиш назарияларининг турига (элементар мулоқот, ассоциатив, бихевиоризм, гештальт, ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш) мос ҳолда турли

күринишга ва мазмунга эга. Ҳар қандай МАнинг инвариатив элементи — ўқув жараёнида ўзлаштириш даражаси бўйича кетма-кет ҳаракатланишидир. Ҳаракат „қадам“нинг ўзи ва ҳар бир „қадам“ мазмуни танланган ўзлаштириш назариясига боғлиқ бўлади. Танлаш усули ва танланган ўзлаштириш назариясининг сифат мезонлари — ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги муҳим мўлжал ва унинг педагогик технологияси тавсифномаси ҳисобланади.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатади-ки, ҳар қандай ўқув фаолияти амалиётнинг умумий лойиҳаси бўйича қурилади ва ўзида мўлжалли (*йўналтирувчи*), бажарувчи, назорат қилувчи ва тузатувчи ҳаракатларни мужассамлаштиради. Унинг шартли формуласи:

$$\ddot{\Phi} = Mx + Bx + Hx + Tx$$

Бу ҳаракатларни ўқувчилар бевосита ўқитувчи ёки дарслик ёрдамида турлича тўлиқликда ва турлича таълим назариясига таънган ҳолда бажаришлари мумкин. Ўқитувчи дастлаб ўқувчидағи мавжуд ҳаракат турларини кузатиши керак. Ўқув ҳаракатларининг ҳар бири алоҳида Ўф ни ўзлаштиришнинг маълум босқичида на-моён бўлади. Мисол учун Mx нинг бажарилиши ва ўқув топшириқларини ўзлаштириш қўйидагича амалга оширилади: а) ўқитувчи белгилаган тайёр топшириқларни тушуниб етиш; б) ўзи учун бу топшириқларни фаол қабул қилиш; в) мустақил равишда ўқувчиларнинг ўқув топшириқларни ўрганиш; г) бир қанча ўқув топшириқларни мустақил ўрганиш.

Ўқувчининг мўлжалли ҳаракатлари (Mx) ўзлаштириш давомида шундай ахборотлар билан таъминланади-ки, улар ўқувчи эгаллайдиган ҳаракат қонунлари ва усулларини умумий кўринишда ифодалай олади. Одатда, Mx ҳар бир ўқув топширигини бажаришда муайян кетма-кетликка риоя қилишни тақозо этади ва бу ҳаракатлар тизими, кўпинча йўриқли харитада ўз аксини топади. Бу хариталар ёрдамида ўқув материалларини ўзлаштириш давом этади, бироқ энди бу жараён билиш фаолиятининг кейинги бажарувчилик босқичида рўй беради.

Бажарувчи ҳаракатлар (Bx) ҳам ўзлаштиришнинг турли босқичларида бўлиши мумкин: а) асосий ўқув ҳаракатларининг бажарилиши (таҳлил, ўзгартириш, таққослаш, моделлаштириш); б) алоҳида ҳаракатларни операциянинг бир бўғини сифатида бажариш; в) бир масаланинг ечимиға қаратилган ва йирик блокларга кўшилган ҳолда амалга ошадиган бир қатор ўқув ҳаракатларини бажариш; г) бу йирик блокларни англаш даражасида (кўникма) ёки „автоматик“ (малака) даражасида амалга оширилиши.

Ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш назариясида

ўқувчининг бажарувчи ҳаракатлари (B_x) ўқув-билиш фаолияти-нинг турли шаклларини кетма-кет алмаштирадиган амалларни босқичли жараён сифатида ташкил этишни тақозо этади: ташқи, моддийликдан (M_d) ички нутқ (H_t) шакли орқали ақлий (A_k) ҳаракатга. Мавжудлик алгоритмининг бу босқичи рамзий қуидагича ифодаланиши мумкин:

$$B_x = M_d + H_t + A_k$$

Кейинги босқич — **назорат қилувчи** (H_x) ҳаракат мавзу бўйича ЎЭ ни ўзлаштириш даражаси ўқувчининг ўз-ўзини назорат қилиши эвазига амалга оширилади ва этalon билан солиштирилади. Агар ўзлаштириш даражаси паст ($K_a \leq 0,7$) бўлса, у ёки бу ҳаракат босқичида йўл қўйилган хатолар ўқув фаолиятининг тузатувчи босқичида (T_x) аниқланиб, тузатишга оид дидактик жараён ташкил этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, T_x операцияси — шунчаки ўқувчининг машҳӯр бажаришида ёки тест ечишида йўл қўйган хатоларини тузатиш эмас, балки дидактик жараённи тузатиш, қайта қуриш демакдир. Агар H_x ўқув фаолиятининг барча босқичлари учун тегишли бўлса, T_x босқичи зарурий ҳолда, яъни $K_a < 0,7$ бўлган ҳоллардагина амалга оширилади. Агар $K_a \geq 7$ бўлса, T_x га ҳожат қолмайди ва кейинги босқичларга қадам қўйилади.

Дидактик жараён тузилмасининг 3-элементи — белгиланган таълим мақсадига тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён **мазмунидир**. Дидактик жараённинг таркибий қисми — ўқув-билиш фаолиятини **бошқариш** 4-элемент ҳисобланади. Шуни қайд этиш жоизки, ҳар қандай ўқув фаолиятини бошқариш имконияти мавжуд. Бошқариш тизими икки — бошқарувчи ва бошқарилувчи объектдан иборат бўлади. Агар дидактик жараёнда ўқитувчи бошқариш субъекти ҳисобланса, ўқувчилар — бошқариш объектидир. Субъект узлуксиз тарзда таълим мақсадига мувофиқ объектга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказади. Объект ҳам ўз навбатида субъект томонидан ўрнатилган мақсад ва вазифаларни тўғри англаб этиши ва унга эришиш чораларини кўргандагина ўқув фаолиятининг самараси тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлади.

Педагогикада ўқув фаолиятини бошқаришнинг кибернетика фанида ишлаб чиқилган таснифидан фойдаланилади: очиқ, ёпиқ ёки **циклик турдаги бошқариш тизими** кўл келади. Сабаби зарурий ўқув ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотлар оқими ўргатувчидан тўғри алоқа ёрдамида ўрганувчиларга узатилади. Асосий ҳаракатларнинг бажарилганлиги ҳақидаги маълумотлар эса, тескари алоқалар ёрдамида ўрганувчидан ўргатувчига узатиш имкониятини яратади. Демак, ўқув фаолиятини бошқариш циклик тарзда, яъни: „ўргатувчи-ахборот-ўрганувчи“ тизими кўринишида амалга ошар экан. Ёпиқ

бошқариш доимо ҳар бир ўкув элементи бўйича ўқитишнинг асосий кўрсаткичларини (α , β , γ , v) ўқувчининг ўкув фаолияти жараёнида кузатишни ва бу кўрсаткичлар белгиланган мебъридан фарқ қиласа, фаолият учун зарурый тузатишларни амалга ошириши тақозо этади.

Ўқитишда бошқаришнинг ёпиқ усулидан фойдаланишининг содда усули — ўқувчини сўроқ қилиш ва ўкув материалини ўзлаштириша йўл қўяётган хатоларини зудлик билан тушунтириш. Сўроқ натижаларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча машқлар бажариш зарур.

Бошқаришнинг муҳим жиҳати шундаки, агар Ма фақат ўқувчи (талаба) томонидан бажарилса, бошқариш алгоритми (Б) ўқитувчи ҳам, ўқувчи (талаба) ҳам бажариши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга нафақат топшириқ ёки машқ тавсия этади, балки уларнинг тўғри жавобларини (эталонларини) ҳам беради. Шунда ўқувчилар ўз фаолиятларини текшириш ва ҳаракатларини тузатиш имконига эга бўладилар.

Дидактик жараён самарадорлигини ёки педагогик технология мақбуллигини белгиловчи омиллардан яна бири ўқитиш шаклларини ўкув фаолияти босқичларига мос ҳолда тўғри танлаш ва уларни оқилона таққослаш принципи ҳисобланади.

Педагогикада ўқитишнинг ташкилий шакли (5-элемент) ўкувчи (талаба)ларни ўқитиш жараёнида қўйилган ташқи шароитлар йиғиндишидир.

Таълим тизимида билиш фаолияти аудиторияда (матъзуза, семинар, лаборатория, ўкув маслаҳати, синов, имтиҳон) ва аудиториядан ташқарида (ўйда, кутубхонада тайёргарлик, лойиҳалаш, тадқиқотчилик, тўғарак ва бошқа) ташкил этилади.

Педагог ўкув фаолияти шаклларини танлашда қуйидаги саволларга жавоб топиши керак: дидактик жараён иштирокчиси ким (ўкувчи, талаба, тингловчи) ва у қандай бошқарилиши керак (ўкув фаолиятини ўқитувчи бошқаради, автоматлашган синф ёрдамида ёки бошка техник воситалар ёрдамида: кино-диафильм, компьютер, моделли таълим ва бошқалар).

Дидактик жараён у ёки бу техник воситаларни таълим мазмунига мос ҳолда узлуксиз қўллашни тақозо этади. Бу йўналиш ПТ нинг мавжудлик шартларидан биридир. Педагогик технологиянинг лойиҳачиси ҳам, уни амалиётга жорий этувчи ҳам педагог (6-элемент) ҳисобланиб, малакали мутахассис тайёрлашдек муҳим; ижтимоий (давлат) буюртмани бажаради. Хўш, педагогнинг педагогик тизимда тутган ўрни нимадан иборат?

1. Ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим-тарбия мақсадини (2-элемент) ташҳисланувчан ҳолда аниқ ва равшан белгилаши керак-ки, натижада ажратилган вақт ичida унга эри-

шишни таъминлайдиган дидактик жараённи тузиш ва жорий этиш тўғрисида хуоса қилиш мумкин бўлсин.

2. Ўқитувчи белгиланган таълим мақсадига тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён мазмунини (3-элемент) саралашда фаннинг абстракция поғоналарининг (β) ва ўзлаштириш даражаларига (α) мослигини инобатга олиши зарур.

3. Ўқитувчи педагогик тизимнинг таркибий элементи сифатида дидактик жараённи (4-элемент) тузиш талаблари билан таниш бўлиши ва унинг энг мақбул вариантини ҳар бир дарс мавзусига боғлиқ ҳолда лойиҳалashi керак. Бу талаблар жадаллаштириш ва табиатан монандлик принципидир. Жадаллаштириш принципи дидактик масалаларни маълум вақт доирасида бирмунча тез ва юқори савияда ҳал эта оладиган дидактик жараённи қўллашни талаб этади. Таълим ва тарбияда жадаллаштириш принципини аниқлаб берувчи омил ўқувчиларнинг маълум фаолиятни ўзлаштириш тезлиги ҳисобланади. Иккинчи принцип ўқув-тарбиявий жараённи шундай ташкил этишга асосланади-ки, бунда мумкин қадар ўқувчиларнинг кент доирада тажриба (билим, кўникма ва ижодий фаолият) эгаллашига имкон туғдирадиган ва уларнинг ақдий салоҳиятини ривожлантира оладиган механизм вужудга келсин.

4. Ўқитувчи дидактик жараённи амалга оширишда ўқитишнинг самарали шаклларидан (5-элемент) фойдалана олиши зарур. Бу педагогик тизимда элементларнинг маълум қонуният асосида боғланганлигини билдиради. Бу боғланишлардан фойдаланиш ва мақбул бўлган ташкилий шакллар топиш таълимда расмиятчиликни йўқотишга йўл очади.

5. Ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган ўқувчи (талаба)нинг (1-элемент) таълим мазмуни ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуслар билан назорат қилиб бориши лозим.

2-§. Ўқув мақсадларни технологик усулда ложиҳалаш

Юқорида таъкидланганидек, саноат технологиясида, энг аввали, маҳсулотни тайёрлашнинг аниқ, ҳар томониама мукаммал ишланган, барча деталлари ҳисобга олинган лойиҳа инилаб чиқилади, техник хужжатлар яратилади ва ундан кейин инилаб чиқариш ташкил этилади. Маҳсулотни тайёрлаш бўйича кепг қўлиамли ишлар амалга оширилади. Таълим технологиясида ҳам ўқув мақсаларини лойиҳалаш, дидактик материалларни яратиш, ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва охирги кафолатланган натижага самарали ўзлаштирилишига эришишга эътибор каратилали.

Таълим технологияси қўйидаги таркибга эга бўлган кўринишни ўз ичига олади (К. Ишматов, Илғор педагогик технологиялар, Наманган, 2000 й):

- ўқув мақсадларининг кетма-кетлик қаторини ишлаб чиқиш ёки педагогик мақсадлар таксономияси (грекча — тартиб билан жойлаштириш) тизимини яратиш;
- ўқув мақсадларини назорат топшириқларига айлантириш;
- мақсадларга эришиш йўлларини кўллаш;
- коррекция (тузатиш);
- натижани баҳолаш.

Ўқув мақсадларини технологик усулда лойиҳалаш ёки педагогик мақсадлар таксономияси тизимини яратиш қандай амалга оширилади? Бу масалани осонроқ тушуниб олишимиз учун эски анъанавий ўқитишдаги мақсадларни белгилаб олиш усуллари ҳақида фикр юритиб олсак.

Амалиётдаги анъанавий ўқитиш усулидан ўқув мақсадлари асосан қўйидагича белгилаб олинади:

1. Мақсадларни ўрганиладиган ўқув мазмуни орқали белгилаш. Масалан, „Ньютоннинг биринчи қонунини ўрганиш“. Бу — фақат битта дарс ёки бир неча дарсларда ўтиладиган материални ўргатишга ишора холос, унда ўқув жараёнини ташкил этиш учун аниқ йўналиш йўқ. Шунингдек, мақсадга эришишни қандай ўлчаш, белгилаш мумкинлиги кўрсатилмаган.

2. Педагогик фаолият орқали мақсадни белгилаш. Масалан, „Ички ёниш двигателининг ишлаш принципи билан ўқувчиларни таништириш“ ёки „Двигатель чизмасидан шартли белгиларни ўқиши усулларини намойиш қилиш“. Ўқув мақсадларини бундай белгилаш, ўқитувчининг шахсий фаолиятига қаратилган бўлиб, ишдаги тартиб ва тушунтириш ҳақида таассурот қолдиради, холос. Ўқувчи ўқитишнинг натижаларини тақослаш имкониятига эга бўлмаган ҳолда ҳаракат қиласди, чунки олинадиган натижанинг ўзи аниқ ифодаланмаганлиги кўриниб турибди.

3. Мақсадларнинг ўқувчи ривожланишидаги ички интеллектуал, ҳиссий жараёнлар орқали қўйилиши. Масалан, „Кузатилаётгани ҳодисаларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш“, „Математик масалаларни мустақил ечиш кўникмасини ривожлантириш“ ва ҳ.к.

Бундай шаклдаги умумлаштирилган таълимий мақсад мазкур ўқув юрти, ўқув фани ёки предметлар туркумидаги мақсадларнинг ечимига қаратилган, холос. Ҳатто дарс ёки бир нечта дарслар доирасида ҳал этиладиган аниқ мақсадларни ҳам англатмайди.

4. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари орқали мақсадни белгилаш. Масалан, „Квадрат тенгламада илдизни топиш бўйича масалалар ечиш“. Дастроб қараганда ўқув мақсадининг бундай қўйилиши

машғулотни режалаштириш ва ўтказиша маълум аниқлик кири-тилаётганга ўхшайди. Лекин бу ерда энг муҳим ҳолат назардан тушиб қолган, яъни ўқитишдан кутилаётган натижа ва унинг оқибати ҳисобга олинмаган.

Таълим технологияси тарафдорлари ўқитишнинг юқоридагидек мақсадларини белгилашга қарши чиқадилар. Дарҳақиқат, уларнинг фан, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти орқали ўқув мақсадларини белгилаш ўқитишнинг натижалари тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди, деган фикрига кўшилиш мумкин. Бундай ҳолатда, улар ўқув мақсадларини аниқлашнинг қандай усулларини таклиф эта-дилар?

Уларнинг исботлашларича, биринчидан, ўқув мақсадларининг шундай тизимини яратиш керакки, унинг ичидаги ўқув мақсадларининг тоифалари ва ҳаражалари кетма-кетлиги аниқ белгиланган бўлсин.

Иккинчидан, ўқув мақсадларини ифодалаш учун шундай аниқ ва тушунарли тилни топиш керакки, ўқитувчи бу тил орқали мақсадни аниқ ифодалайдиган бўлсин.

Таълим технологиясининг одатдаги ўқитиш усулларидан тубдан фарқ қилувчи ва унинг дастлабки муҳим жиҳатларидан ҳисобланган юқоридаги биринчи ҳолатда айтилган тизим — педагогик мақсадлар таксономияси деб юритилади. (Объектларни, уларнинг табиий ўзаро боғлиқлигига асосланиб ва тоифалари мураккаблашиб борадиган кетма-кетлиқда жойлаштириб туркумлаш ва системалаштириш, биология фанида, таксономия дейилади. Шу мазмун педагогика фанига ҳам маълум маънода мослаштириляпти.)

Педагогик мақсадларни бундай схема бўйича тузишга биринчи марта АҚШ олимлари эътибор берганлар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг коллежларга кириш имтиҳонларини қабул қилиш қўмитасининг бир гуруҳ педагог ва психологлари машҳур психолог Б. Блум раҳбарлигига асосланиб ва тоифалари мураккаблашиб борадиган кетма-кетлиқда жойлаштириб туркумлаш ва системалаштириш, биология фанида, таксономия дейилади. Шу мазмун педагогика фанига ҳам маълум маънода мослаштириляпти.

Бу ўринда Б.Блум таксономиясининг мазмунни ва унинг ўқитувчи учун қандай инструментал ёрдам бериши ҳақида тўхтalamиз.

1. Когнитив (билишга оид) соҳа. Бу — ўқилган материални эслаб қолиш ва уни тақороран айтиб беришдан бонилаб, то ўзлаштирилган билимларни тўла англаб, уларни олдин ўрганилган гоя,

метод ва ҳаракат усуллари билан уйғунлаштириб тасаввур этиш ҳамда билимларни эгаллашгача бўлган муаммоларни ҳал этишини ўз ичига олади. Экспертлар баҳоси ҳамда Б. Блум ва унинг ходимлари таъкидлашича ва ўқитувчилар ўргасида ўтказилган сўров натижасида адабиётчилар таҳлили, дастурлар, дарсликлар, дарс бериш амалиётидаги ўқув мақсадларининг аксарияти когнитив соҳага тегишли бўлиши аниқланган.

2. Аффектив (хиссиётли — қадриятли) соҳа. Унга оддий идрок қилиш, қизиқиш, қадриятлар йўналишлари ва муносабатларни ўзлаштиришга тайёр бўлишдан бошлаб, то ўқувчининг атроф-дунёга нисбатан ҳиссий-шахсий муносабатда бўлишини шакллантирувчи мақсадлар киради. Қизиқиш ва мойиллик, у ёки бу кечинмаларга ҳамдард бўла олиш, воқеаларга бўлган муносабат, уни англаш ва фаолиятда намоён бўлишини шакллантириш мақсадлари ана шулар жумласидандир.

3. Психомотор (ҳаракатга оид) соҳа. Бу соҳага у ёки бу ҳаракат (моторли) фаолиятда манипуляция (ҳаракат йўналишларини тез ва чаққон ўзлаштириш), асаб-мускулларни мувофиқлаштириб бошқариш (координация)ни шакллантиришга оид мақсадлар киради. Бу ўрта мактабдаги ўқув мақсадларининг жуда оз кисмини қамраб олади, холос. Ёзув, оғзаки нутқ малакалари ҳамда жисмоний тарбия ва меҳнат (касб) таълими доирасидаги малакалар ана шулар жумласидандир. Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга касб ўргатиш жараёнининг мақсадлари ҳам шу мақсадларга киради.

Ўқув мақсадларининг қатъий ва ишончли тизимини яратишни фақат назариётчи олимларни қизиқтирадиган мавхум (абстракт) вазифа, деб ҳисоблаб бўлмайди. Мақсадларининг аниқ, тартибли туркумини яратиш, энг аввало, амалиётчи педагоглар учун жуда муҳимдир. Бунинг сабаблари қўйидагича:

1. Ўқув жараёнида эътиборни асосий мақсадга қаратиш. Ўқитувчи таксономиядан фойдаланган ҳолда нафақат ўқув мақсадларини, балки асосий вазифаларни, бундан кейинги фаолиятнинг тартиби ва боришини ҳам белгилаши мумкин.

2. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликдаги фаолиятининг аниқлиги ва ошкоралиги. Аниқ ўқув мақсадлари ўқитувчи учун ўқувчиларга, уларнинг умумий фао'лиятидаги асосий йўналишларни тушунтириш, муҳокама қила олиш ва ихтиёрий қизиқувчи шахслар (ота-оналар, текширувчи) учун ҳам аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлаш имкониятини беради.

3. Ўқитиш натижаларини баҳолаш андозаси (эталон)ни яратиш. Фаолият натижалари орқали аниқ ифодаланган ўқув мақсадлари, уларни холисона баҳолаш имкониятини яратади. Бундай эталон фақат ўқитувчи томонидан яратилиши шарт эмас. Уни ўқувчилар билан ҳамкорлиқда (демократик) яратиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Когнитив мақсадларга бир ёки бир неча дарс жараёнида эришиш мүмкін. Аффектов мақсадлар эса, шахс ички ривожланишига боғлиқ бўлиб, чукурроқ хусусиятга эга. Үнга қисқа вақт ичида (айниқса, юқори босқичдагиларга) эришишни амалга ошириб бўлмайди. Когнитив мақсадларни моддийлаштириш, уларни фаолият тури кўринишида ифодалаш осонроқ. Шунинг учун ҳам, аффектив мақсадлар таксономияси, асосан, тарбия натижасини педагогик диагностика қилишда қўлланади, ўқитиш технологиясига оид ишланмалар кўпроқ когнитив мақсадлар бўйича яратилади. Сўнгги 20 йиллар давомида педагогик мақсадлар таксономиясини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилди. Натижада: когнитив, аффектив, психомотор ва операцион фаолиятли мақсадлар таксономиясининг бир неча хил варианtlари яратилди. Лекин бутунги кунда Б.Блумнинг когнитив соҳасидаги системаси пухта ишланган бўлиб, у нисбатан оммавий тарзда ёйилган. Унинг амалда қўлланиши ҳам мукаммал ўрганилган.

Когнитив (билишга оид) соҳадаги ўкув мақсадлари тоифалари

| Ўкув мақсадларининг асосий тоифалари | Ўкув мақсадлари турларидан намуналар |
|--|---|
| 1 | 2 |
| 1. БИЛИШ Бу тоифа ўтилган материални эслаб қолиш ва тақроран сўзлаб (кўрсатиб) беришни англатади. Мазмуни турлича — аниқ даиллардан бошлиб, то яхлит назарияларгача бўлиши мумкин. Бу тоифанинг умумий белгиси тегишли маълумотларни эслаб қолишдир. | ЎҚУВЧИ Кўлланадиган ибораларни билади, аниқ даилларни билади, иш-ҳаракат тартиби методларини билади, қоида ва принципларни билади |
| 2. ТУШУНИШ Қийидагилар ўтилган материал аҳамиятини тушуниш қобилиятининг кўрсаткичлари бўлиши мумкин: материални бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгартириш, бир „тил“дан иккинчи „тил“га айлантириш (масалан, оғзаки шаклдан математик шаклга). Шунингдек, талаба томонидан материалнинг тушунтириб берилиши ва қисқача баён қилиниши (интерпретация) ёки ҳодиса ва воқеаларнинг бундан кейинги боришини тасаввур этиш (оқибати ва натижасини олдиндан айтиб бериши) ҳам тушуниш кўрсаткичлари бўлади. | ЎҚУВЧИ Даиллар, қоида ва принципларни тушунади; оғзаки материални талқин қила олади; схема, диаграмма, графикларни талқин қила олади, оғзаки материални математик шаклда ифодалай олади; мавжуд маълумотлар асосида кутилаётган натижани тахминан тасаввур эта олади. |

Жадвалнинг давоми

| 1 | 2 |
|---|--|
| 3. ҚҮЛЛАШ Бу тоифа ўрганилган материаллардан аниқ шароитларда ва янги вазиятларда фойдалана билишни англатади. Бунга қойдалар, методлар, тушунчалар, қонунлар, принциплар ва назарияларни амалда қўллай олиш киради. Ўқитишнинг бундай натижаси материални тушунишга нисбатан анча юқори даражада эгаллашни талаб қиласди. | ЎҚУВЧИ Тушунча ва принципларни янги вазиятларда қўллайди, қонун ва назарияларни аниқ амалий шароитларда қўллайди; метод ёки иш ҳаракат тартибини қўллай олишини намойини қиласди. |
| 4. ТАҲЛИЛ Бу тоифа материални алоҳида қисмларга ажратиши билишни англатади. Бунда унинг таркибий тузилиши аниқ кўриниб туриши керак. Бунга яхлитликни қисмларга ажратиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, яхлитликнинг ташкил этилиши принципларини англаш киради. Бу тоифа ўқув натижаларини тушуниш ва қўллашга нисбатан анчагина юқори даражада эканлиги билан хусусиятланади. | ЎҚУВЧИ Яширин (ноаниқ) тахминларни ифодалайди, фикрлаш мантиғидан хато ва камчиликларни кўра олади, далиллар ва сабаблар ўртасидаги тафовутларни аниқдайди, маълумотлар аҳамиятини баҳолай олади. |
| 5. СИНТЕЗ Бу тоифа ўзида янгиликни акс эттирган яхлитликни вужудга келтириш учун алоҳида қисмлар комбинациясини тузишни англатади. Бундай янги маҳсулот — доклад, путь фаолият режаси ёки умумлаштирилган алоқалар мажмуи мавжуд маълумотларни тартибга тушириш схемаси) бўлиши мумкин. Унга мос ўқув натижалари янги схема ва таркибий тузилишлар яратишни ўз ичига олган ҳамда ижодий характерга эга бўлган фаолиятни назарда тутади. | ЎҚУВЧИ Материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида баҳолайди, хуласаларнинг берилган катталикларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда иншо ёzáди, тажриба ўтказиш режасини тузади, у ёки бу муаммони ҳал этиш режасини тузишида бошқа фанларга оид билимлардан фойдаланади. |
| 6. БАҲОЛАШ Бу тоифа у ёки бу материал (қонун, бадији асар, изланиши натижалари) нинг аҳамияти-га аниқ мақсад нуктai назаридан баҳо беришини англатади. Ўқувчи муроҳазалари мезони ички (таркибий, мантиқий) ёки ташқи (белгиланган мақсадга мувофик) бўлиши мумкин. Бу мезонлар ўқувчи ёки ўқитувчи томонидан белгиланиши мумкин. Бу тоифа олдинги (бешта тоифа) ўқув мақсадларининг барчаси эгалланиши ва уларга қўшимча равишда аниқ белгиланган мезонларга асосланиб баҳо бера олишини ҳам билишни назарда тутади. | ЎҚУВЧИ Материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида баҳолайди; хуласаларни берилган катталикларга мосликда баҳолайди; ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради; ташқи мезонлардан келиб чиққан ҳолда у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради (муносабат билдиради). |

Аффектив соҳада ўқув мақсадлари тоифалари

| 1 | 2 |
|--|---|
| <p>1. ИДРОК Ушбу тоифа ўраб турган ташки дунёдан рағбатлар, у ёки бу ҳодисаларни қабул қилишга қобилияллилек ва тайёр туришни билдиради. Ўқитувчи нуқтаи назаридан бундай мақсадга эришиш ўқувчи дикқатини жалб этиш, ушлаб туриш ва йўллашдан иборат. Бунга кирувчи субкатегория: 1,1 — англаб этиш; 1,2 — тайёр туриш ёки хоҳиш, қабул қилиш, 1,3 — таҳлаш, сайлаш. Ихтиёрий дикқат ўқувчининг таълим мазмунига пассив ҳолатдан анча фаол муносабатини юзага келтиради.</p> | <p>ЎҚУВЧИ Ўқитишининг муҳимлигини англаб етганлитини ифодалайди. Атрофдаги гапиргандарга эътибор билан қулоқ солади. Интерьер, архитектура, тасвирий санъатни тушунишини намойиш этади. Жамият муаммолари, бошқа инсонларнинг эҳтиёжларига эътиборлигини кўрсатади. Сезигрлиги, хушёргини намоён қилади.</p> |
| <p>2. МУНОСАБАТ БИЛДИРИШ Бу тоифа ўқувчининг ўзидан чиқувчи ҳолатта фаол муносабат билдиради. Ушбу босқичда ўқувчи ўки бу ташки таъсиrlарни шунчаки қабул қилмайди, балки шу нарса, ҳодиса ёки фаолиятга қизиқиши, муносабат билдиради. Субкатегория: 2,1 — бўйсунувчи муносабат; 2,2 — ихтиёрий муносабат; 2,3 — муносабатдан қониқиши ҳосил қилиши.</p> | <p>ЎҚУВЧИ Ўқитувчи берган уй вазифасини бажаради. Мактаб ички тартиб қоидаларига риоя қилади. Синфда масалаларнинг мұхокамасида иштироқ этади. Матбуотда ёритилган ижтимоий-сиёсий, халқаро муаммолар билан мустақил танишади. Топширикларни бажаришга ихтиёрий истак билдиради. Фанга қизиқиши кўрсатади.</p> |
| <p>3. ҚИММАТЛИ ЙЎНАЛИШЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ Ушбу тоифага турли даражадаги қимматли йўналишларни ўзлаштириш киради (у ёки бу обьектга, ҳодиса ёки фаолият кўринишларига муносабат): 3,1 — қимматли йўналишларни қабул қилиши (муаммолар, „фикр“ тушунчасига тўғри келади); 3,2 — қимматли йўналишларга қарашини билдириш; 3,3 — боғликлик, ишончлилик.</p> | <p>ЎҚУВЧИ Саводли оғзаки ва ёзма нутқ кўнимкаларини эгаллашга қатъият билдиради. Ўзининг хусусий фикрини билдириш учун турли қарашларни мақсадли тарзда ўрганади. У ёки бу гояни ҳимоя қилини учун қатъий ишонч билдиради.</p> |
| <p>4. ҚИММАТЛИ ЙЎНАЛИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Ушбу тоифада турлича қимматли йўналишларни тушуниш ва уларни бирлаштириш, улар ўртасидаги зиддиятларни ҳал</p> | <p>ЎҚУВЧИ Ўзининг суюкли санъат асаринини ёнг муҳим жиҳатларини аниқлашга ҳарарат қилади. Ўзининг хулқи</p> |

Жадвалнинг давоми

| 1 | 2 |
|--|---|
| етиш орқали энг муҳим ва турғун тизимни шакллантиришдан иборат. Бунга иккита субкатегория киради: 4,1 — қимматли йўналишларнинг концептуаллиги, яъни ўзининг муносабатини англаб этиш; 4,2 — қимматли тизимларни ташкил этиш. | учун бутун жавобгрликни ўзига олади. Ўзининг имкониятлари чегарасини тушунади. Ўзининг қобилиятлари, қизиқишилари ва эътиқодини англаб етган ҳолда шунга боғлиқ ҳаётий режаларини тузади. |
| 5. ҚИММАТЛИ ЙЎНАЛИШЛАРНИ ЁКИ УЛАРНИНГ МАЖМУАСИНИ ФОЛИЯТГА ЖОРИЙ ЭТИШ Ушбу тоифа бўйича индивид хулқини турғун тарзда аниқлаш, одатий образга кириш ёки ҳаёт тарзини белгилаш мумкин бўлади. Қимматли йўналишларни умумий характер ва яхлит дунёқараашда бирлаштириши қуйидаги субкатегорияда ифодасини тонган: 5,1 — умумий кўрсатма; 5,2 — тўлиқ ўзлаштириш ёки қимматли йўналишларни фаолиятга тўлиқ жорий этиш. | ЎҚУВЧИ Ўқув ишларидаги мустақилликда турғун (доимийлик) кўрсатади. Гуруҳ фаолиятидаги ҳамкорликка интилишни кўрсатади. Асосли далиллар асосида ўзининг фикрини ва ҳаёт тарзини ўзгартиришга тайёрлигини кўрсатади. Шахсий гигиена ва соглом турмуш тарзи кўникмаларига доимий одатланишини намойиш этади. Турғун ва изчил бўлган ҳаётий турмуш тарзини кўрсатади. |

Психомотор соҳаси бўйича ўқув мақсадлари ташқаридан кузатиладиган хатти-ҳаракатлар билан характерланади. Ўз навбатида бу хатти-ҳаракатлар аниқ ва тушунарли тил, тушунча билан ифодаланади. Мисол сифатида „Бутун сонларни кўшиш“ мавзуси бўйича ўқувчининг хатти-ҳаракатлари ўқув мақсадларига мос равишда қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- Ўқувчи:
- йифиндиси 10 дан кичик бўлган иккита бир хонали сонни кўшади ($2+5$);
 - йифиндиси 10 дан катта бўлган иккита бир хонали сонни кўшади ($6+8$);
 - йифиндиси 10 дан кичик бўлган учта бир хонали сонни кўшади ($2+4+3$);
 - йифиндиси 10 дан катта бўлган учта бир хонали сонни кўшади ($7+5+4$) ва ҳоказо.

Ёки билиш (когнитив) соҳаси бўйича Б. Блум таксономияси тоифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Билиш:

- далилларни билиш, атамаларни билиш;
- далилларни танлаш усулини билиш;
- белгиларни билиш;
- ривожланиш тенденциясини билиш;
- туркумлашни билиш;
- текшириш ва баҳолаш мезонларини билиш;
- муайян бир ёки бир неча муаммони ҳал қилишда қўлла-
надиган методларни билиш.
- умумий тушунча, таркиб назарияларини билиш;
- ҳодисаларни тушунтириш ва уларни олдиндан кўра олиш
принципларини билиш.

Тушуниш:

- мазмунни бир хил тизимдан бошқасига айлантириш;
- изоҳлаш;
- олинган натижаларни ёйиш ёки татбиқ этиш.

3. Кўллаш — методлар, қоидалар ва умумий тушунчаларни вазият ва топшириқтарни ҳал қилишда қўллаш.

4. Таҳлил қилиш:

- бир бутун нарса (ҳодиса)ни қисмларга ажратиш, бу қисм-
ларнинг ёйилмасини ва улар ўртасидаги боғланишларни тузиш;
- қисмларни таҳлил қилиш;
- яхлитликни ташкил қилиш принципларини билиш.

5. Синтез, яъни янги таркиб ҳосил қилиш мақсадида берилган қисмларни умумлаштириш:

- асар ёзиш;
- иш фаолияти режасини тузиш;
- берилганларга асосланиб яхлит қиёфани яратиш;
- иншо ёзиш.

6. Баҳолаш, яъни мақсадга мувофиқ ҳолда қўлланган материал ёки методларни баҳолаш (муносабат билдириш):

- ички мезонлар асосида баҳолаш.

„Ёзма матн аҳамиятини тушуниш“ мавзуси бўйича аниқлаш-
тирилган ўқув мақсадларини кўйидагича ифодалаш мумкин:

1. Ёзма матн аҳамиятини тушуниш.

1.1. Асар парчасидаги энг муҳим маълумотларни ажратиш.

1.1.1. Конкрет деталларни ажратиб кўрсатиш (номлар, саналар,
воқеалар).

1.1.2. Ушбу асар парчасидаги фикрни тўлароқ ифодаловчи
фикрни танлаб олиш.

Асар парчасидаги асосий фикрни тасдиқловчи фактларни санаб
ўтиш.

2. Асар парчасидаги бош фикрни ажратиш.

2.1. Асосий фикрни ифодаловчи гапнинг тагига чизиш.

- 2.2. Асар парчасини сарлавҳалаш.
3. Асар парчасида мавжуд бўлган фикрни хуносалаш.
- 3.1. Асар парчасини конспект ҳолда ёзиши.

4. Асар парчасидаги мазмундан, унчалик очиб берилмаган ғоя ва муносабатларни ажратиб олиш.

4.1. Асар парчасидаги ҳаракатлар ёки воқеалар кейинги ривожини айтиб бериш.

4.2. Асар парчасида айтиб ўтилмаган, лекин тахмин қилинаётган фикр, фаолият, воқеаларни айтиб бериш.

4.3. Парчада баён этилган фаолият ва воқеаларнинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларини танлаб олиш.

4.4. Мазкур парчада келтирилган ғоя, ҳодиса, предметлар ўртасида қандай боғлиқлик ва яқинлик борлигини тушунтириш.

Эътироф этиш керакки, якуний натижага эришишда юқоридаги ўқув мақсадларини хатти-ҳаракатлар тушунчалари билан ифодалаш ҳақидаги тасаввурнинг ўзи етарли эмас. Эҳтимол ўқувчи вақт, ахборотлар етишмаслиги, ташқи омилларнинг етарли даражада эмаслигидан кутилаётган натижани намойиш этмаслиги мумкин.

Бундай ҳолатларда дидактларимиз таклиф этаётган диагностик ўқув мақсадларининг 4 компонентли таркибидан фойдаланиш мумкин: а) ташқи шароитлар тавсифи; б) кутиладиган натижа ёки хатти-ҳаракат; в) уларнинг этalonга хос белгилари (мезонлари); г) баҳолаш (ўлчаш) методлари.

Масалан, **математика** фанидан мисол келтирайлик. Умумий ўқув мақсадларидан бири — геометрик масалаларни ечишда ижодий ва тизимиш ёндашибни уйғунлаштиришдан иборат бўлсин. Этalon — мақсад қуидагилардан иборат бўлади:

Шарт-шароит:

- 1) ўқувчи учун янги турдаги геометрик масалани яхшилаб шаклантириш (тузиш);
- 2) масалани ечиш учун зарур бўлган теоремани олдиндан ўзлаштириш.

Кутиладиган мақсад:

- 1) масала ечишга оид бир неча тенг кучли (альтернатив) усулларни илгари суриш;
- 2) қўлланадиган теоремага мос келадиган „чиройли“ усулни танлаш.

Баҳолаш мезони ва усули:

- 1) микдори жиҳатидан бир соат давомида камида икки хил ечиш усулини эгаллаш, сифат мезони: 80 фоиз тўғри ечиш, 60 фоиз ўртачадан кўра юқорироқ энг „ажойиб“ ечимлар (малакали эксперт — ўқитувчи мулоҳазаси бўйича).

Энди тарих фанидан мисол келтирайлик, Умумий мақсадлардан бири тарихни замонавий воқеалар билан боғлаб ўрганиш ва ўзининг бундан манфаатдорлигини англаш. Эталон — мақсад қуидагича ифодаланади:

Шарт-шароит:

- 1) ҳозирги замон сиёсий ва иқтисодий воқеаларини билиш;
- 2) тегишли тарихий воқеаларни олдиндан ўрганиш.

Кўйиладиган мақсад:

- 1) тарихий замонавий ўхшашик ва фарқ қилувчи томонларни кўрсатиш;
- 2) замонавий воқеалар оқибатини, тахминини олдиндан тушентириш ва айтиб беришни илгари суриси;
- 3) буларни тарихий воқеалардан фойдаланган ҳолда асослаш.

Баҳолаш мезони ва усули:

60 фоиз жавобнинг ҳақиқатга ёки ўқитувчи фикрига мос келиши, қолган (40 фоиз) ҳолларда эса, ўқитувчи фикрига биноан ўртacha баҳоланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқитиш икки ёқлама жараёндир. Шу нуқтаи назардан ўқув мақсадлари фақатгина ўқувчи томонидан аниқлаштирилган бўлмасдан, ўқитувчи томонидан ҳам идентификацияланган бўлиши керак. Куйида ўқитувчининг аниқлаштирилган ўқув мақсадларини белгилаши намуна сифатида келтирилади:

1. Таълим (ўқув) мақсадларининг дастлабки рўйхатини тузинг.
2. Таҳлил килинадиган мақсадларни ёзув тахтаси (варақ)га ёзинг.

3. Олдин эълон қилинган қоида бўйича „мия ҳужуми”ни ўтказинг. Барча иштирокчилар (экспертлар, ўқувчилар) бирор бир тартибга амал қилмаган ҳолда, эркин вазиятда мақсадга эришиш аломатларини бемалол айтадилар. Бу босқичда гурӯҳ бошлиғи айтилган ҳар қандай таърифни маъқуллайди ва рағбатлантириб боради. Таъриф ким томонидан ва қай тарзда айтилишидан қатъий назар, уни ва эгасини танқид қилиш қатъиян ман қилинади. Мақсадга эришишнинг таклиф этилган аломатлари, уларнинг биринчи марта айтилган шакли бўйича ёзилади.

4. Олдиндан рўйхатни тартибга солинг. Ёзувларни кузатиб, такрорланган фикрларни ўчиринг. Муҳокамадан сўнг мазкур мақсадга яқъол тегишли бўлмаганларини ҳам ўчиринг. Сўнгра ҳар бир аломатнинг айнан шу мақсадга тегишли бўлиши мумкинлиги ҳақида пухта ўйлаб кўринг.

4. а) Агар рўйхатда қўшимча умумий мақсаумларни ифодалайдиган янги иборалар борлиги аниқланса, уларни ҳам рўйхатдан чиқариб, алоҳида тарзда муҳокама қилинг.

5. Рўйхатнинг тўлақонли ифодаланганинг текширинг. Уни

мақсадга эришишнинг ишончли ҳужжати сифатида қабул қилини мумкинлиги ҳақида гуруҳ аъзоларининг ҳар бирининг фикрини сўранг. Бу операцияни навбатдаги мақсадлар учун тақрорланг.

5. а) Рўйхатни айтилган қўшимча аломатлар билан тўлдиринг, сўнгра 4-босқичга қайтинг, чунки қўшимча тартиблаштириш зарур бўлиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, ўқув мақсадларини технологик усулда лойиҳалашда бош, етакчи ҳолат тўла-тўқис аниқланган, идентификациялашган ўқув мақсадларини ишлаб чиқишдан иборат. Бу мақсалларнинг қанчалик даражада амалга ошгани ва эришилгани ҳақида фикр юритиш учун уларни қатъий ва аниқ ўлчаш мумкин бўлган натижа — топшириқларга айлантириш зарур.

3-§. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини топшириқларга айлантириш

Аввало, олдиндан берилиши мумкин бўлган „Нима сабабдан аниқлаштирилган ўқитиши мақсадларига эришиш учун ўқув жараёни эмас, балки назорат топшириқлари қараб чиқиляпти?“ деган саволга жавоб бериб ўтиш ўринлидир.

Бундай савол берилиши, табиий албатта. Чунки амалиётда ўқитишига анъанавий ёндашиш, одатда ўқитувчи машгулот ўтказиш учун услубий ишланма (режа, конспект) тайёрлайди ва сўнгра назорат топшириқларини бажаришга киришади.

Ўқув жараёнини технология асосида ташкил этишда назорат топшириқларини ишлаб чиқиш, ўқитиши мақсадларини аниқлаш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бу ўз навбатида юқорида кўрсатилганидек, таълим технологиясини жорий этишнинг принципи, қоидалари, механизмларига мос тушади, эришиш мумкин бўлган пировард натижа олдиндан белгилаб қўйилади. Шунинг учун ўқув мақсадлари аниқлаштирилгач, унга мос равишида назорат топшириқларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Дидактларнинг фикри ва амалиётнинг кўрсатишича, ўқув мақсадларининг, эришиладиган натижасини аниқ ва осонроқ ифодалайдиган шакллардан бири — тест топшириқларидир.

Тестнинг ривожланиш тарихи ва унинг ижобий томонлари:¹

Тест (инглизча — синов) биринчи бор 1864 йилда Буюк Британияда Ж.Фишер томонидан ўқувчиларнинг билим даражасини текшириш учун қўлланган. Тест синовларининг назарий асосларини кейинчалик инглиз психологи Ф.Гамелтон ишлаб чиқди. Тест синовлари дастлаб психология, педагогика фанлари доирасида ривожланди. XX аср бошида эса тест синовларини ишлаб чиқишида психологик ва педагогик йўналишлар бир-биридан мустақил ажrala бошлади. Психологик тест синовлари биринчи марта аме-

рикалик психолог Э. Торндейк томонидан ишлаб чиқилди. Психология ва педагогикада тест синовларининг ривожланиши билан математик методлар ҳам қўлланана бошлади. Бундай методлар ўз навбатида тестларни ишлаб чиқишга ижобий таъсир кўрсатди.

XIX аср охири XX аср бошларида тест синовларига ўкувчиларнинг ўқув қобилияtlарини баҳолаш воситаси сифатида қарашиб анча кучайди. Айнан шу даврдан бошлаб тест синовларидаги икки асосий йўналиш: ақлий (интеллектуал) ривожланиш даражасини аниқлаш тестларини яратиш ва қўллаш ҳамда ўкувчиларнинг ўқиши қобилияtlарини ва билимларини баҳолашта мўлжалланган педагогик тестларни яратиш ва қўллаш ривожлана бошлади.

Тест тузувчилар одамларда реакция (таъсирланиш) вақти, бир хил эмаслигини аниқладилар, бу эса одамларнинг ақлий (интеллектуал) қобилияtlарини ўрганиш зарурлиги ва турли даражадаги тестлар яратиш усулида амалий ишлар олиб бориш лозимлиги тўғрисида хuloscha чиқаришга олиб келди. Тест синовларининг асосий мақсади: ҳам ўтилган дарсларни ўзлаштириш даражаси тўғрисида, ҳам навбатда ўрганилиши лозим бўлган дарс ҳажми тўғрисида ўқитувчига ахборот бериш; ўқитувчиларга ўқитиш методини танлашда ёрдам беришдан иборат деб ҳисобланган. Ўкувчиларнинг билимларини баҳолашнинг турли усулларини таҳлил этиб, тестларни гуруҳларга ажратиш ўрганиб кўрилган. Ч. Грин (1926) ўзининг „Тест нового типа“ (Янги турдаги тест) номли монографиясида илгари яратилган ва ишлатиб кўрилган тестларнинг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиб қўйидаги тавсияларни беради:

- тест синовлари учун мўлжалланган материал ҳажмини аниқ белгилаш ва унинг таркибидағи энг муҳим қисмларини ажратиб олиш;
- мазкур материал учун тест синовларининг энг мақбул шаклини тажриба йўли билан аниқлаш;
- ўкувчиларнинг тест синовлари вақтида жавоб беришларининг ўргача тезлиги тўғрисидаги амалий маълумотларни эътиборга олган ҳолда тест синовларининг давом этиш вақтини белгилаш;
- тест синовларидаги фикрларнинг баён қилиниши, тилнинг тўғрилигини ва мантиқча мувофиқлигини текшириш;
- топшириқларни мураккаблиги ортиб бориш тартибида жойлаштириш, тўғри ва нотўғри жавобларнинг доим бир навбатда алмашинишига йўл қўймаслик.

Ч. Рассел тест синовларининг натижаларини ўрганишини давом эттириб, тест синовларининг мақсади тўғрисидаги саволга аниқроқ жавоб беришга эришди. Расселнинг фикрича, тест синовларининг мақсади ўкувчиларнинг билимларини баҳолаш ёки уларнинг ақлий ривожланиши даражасини аниқлаш билан чекланмайди ва тестларни қўйидаги ҳолларда: қайси материалдан бошлаб ўрга-

ниш зарурлигини таъминлашда; ўқувчиларни гуруҳларга тақсимлашда; ўқитиши жараёнида содир бўладиган қийинчиликларни олдиндан аниқлашда; мамлакатнинг турли туманларида ўқув юргарида маълум ёшдаги ўқувчиларнинг ютуқларини таққослашда кўллаш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, Америка мактаб директорлари Ассоциациясининг „тест ўтказмасдан таълим бериш мантиқсизdir, фақат тестни кўллаш натижасидагина назоратдан таълимга йўналтирган ўқитувчан алоқа ҳақида фикр юритиш ва қандай йўналишда ҳаракат қилишни билиш мумкин“, деган фикрлари маълум.

Франция парламенти 1989 йилда таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида қонун қабул қилди. Унда, хусусан, ўқувчилар билимини холис баҳолаш усули бўйича ўқитувчилар мажбурий суратда тайёргарликдан ўтишлари кўзда тутилади: Бусиз 1992 йилдан бошлаб Францияда ўқитувчилик қилишга рухсат этилмайди. Шуниси қизиқки, Франция тўқсон йиллик тест анъяналарига эга бўлган давлатdir.

Қобилиятни белтилаш ва баҳолаш, иқтидорли, истеъоддли болаларни аниқлаш бўйича психологияк тестлар, шунингдек, қасбга йўналтириш мақсадида, ходимларнинг тайёргарлик даражасини белгилаш ва уларни саралаш мақсадида тестлар ривожланган мамлакатларда кенг кўллана бошлади.

70-йиллар охири Карнеги-Мелон университетининг бир гурӯҳ социолог-психологлари АҚШда тест ўтказишнинг замонавий аҳволини ўрганишга бағишлиган маҳсус тадқиқот олиб бордилар. Аслида, тадқиқотчиларнинг мақсади АҚШ ўқув юритидаги тестларни кенг миқёсда кўллаш сабабларини аниқлаш эди. Бу тадқиқот натижасида қуйидагилар аниқланди: тест синови Америка ҳаётида чукур илдиз отган Америка мактабларида турли хилдаги стандартлаштирилган тест бўйича синовдан ўтмасдан, бошқа йўл билан билим олишни давом эттира олмайди; ишга жойлашиш, кейинчалик эса, юқори лавозимга кўтарилиш ёки малака ошириш тест билан чамбарчас боғланиб кетганлиги алоҳида қайд қилинди. Тадқиқотда америкаликларни тестларга бу қадар мойилликларининг учта сабаблари келтирлади:

- 1) инсон омилидан имкон борича самарали тарзда хизмат манфаатлари нуктаи назаридан фойдаланиш;
- 2) ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар истеъоддларни тақдирлашга интилиш;
- 3) американликларнинг миллий таълим стандартларни жорий этиш учун интилишлари.

Инсоният эришган ютуқларни холис баҳолаш учун тестлаштиришдан оммавий суратда-фойдаланиш, иқтиқодий ривожланган мамлакатларда тест саноати ва тестлар бозорини вужудга келтириди.

АҚШда түрт юздан ортиқ марказ ўзаро рақобат остида турлитетман тестларни ишлаб чиқмоқда. Шунингдек, тестларни тузиш ва уларни қўллаш бўйича яхши мутахассислар юқори қадр топгандар. 1992 йилда улар АҚШдаги энг нуфузли 20 та фаолият йўналишлари рўйхатида 8-ўринни эгалладилар. Ўта қадрланадиган ихтиносиклар: тизимлар бўйича таҳлил, маркетинг, соғлиқни сақлаш, экология, озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш, компьютер технологияси тегишли тарзда 15-20 ўринларга жойлаштирилган.

Педагогик тестлар АҚШ, Нидерландия, Англия, Туркия, Япония ва бошка мамлакатларда кенг ривож топди. Ушбу рўйхатта асосан турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирганлиги тасодиф эмас. Бунда қўйидаги занжирли боғланиш мавжуд: тестларни қўллаш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади; таълим сифати эса бошқарув сифати билан боғлик; оқилона бошқарув эса аҳоли турмуш даражасини ошириш учун замин яратади.

Собиқ Иттифоқ даврида тестларга асосланган фан педалогия деб юритилди ва тестлардан фойдаланишнинг дастлабки даврида жиддий хатоликларга ҳамда бузилишларга йўл қўйилди. 1936 йилдаги ВКП(б) МКнинг „Халқ маорифи комиссарлиги системасидаги педагогик бузилишлар тўғрисида“ти қарорида тестлар „буржуа“ педагогикасига хос деб ҳисобланди. Бу қарор фанни мафкуравийлаштиришга ва уни сиёсийлаштиришга мажбур этишга қаратилган бўлиб, унда жаҳон психологияси ва педагогикаси тажрибасидан фойдаланиш инкор қилинган эди. Бу қарорга биноан, 1936 йилдан тестшунослик бўйича илмий тадқиқот собиқ Иттифоқ миқёсида тўхтатилди. Педалогиянинг „идеалистик ва механистик“ кўрсатмалари, уларни „илмий асосланмаган“ „тест“ларга берилиб кетганлиги қораланди. Педалогияни соҳта фан сифатида қоралаш жараённида совет педагоглари ҳамда психологларининг ўқувчилар билим кўникмаларини баҳолашга қаратилган ижобий ютуқлари ҳам инкор этилди. Шунинг учун тест синовлари муаммоси педагогика ва психологияга оид адабиётларда узоқ вақт акс эттирилмади. Ўзбекистан МДҲ давлатлари ичida 1992 йилда биринчи бўлиб, жаҳон педагогика фанига „дарча“ очди ва ривожланган мамлакатлар педагогикасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш имконини яратди. Ўзбекистан таълим тизимида билимни тест усулида баҳолашга, назорат қилишга давлат сиёсати мақомининг берилиши ана шундай ютуқдардан бири бўлиб ҳисобланади. Педагогик тестлар кенг миқёсда, биринчи марта ўрта маълумот якунида, олий ўқув юртига кирувчиларни қабул қилишда қўлланди.

Тест турлари ва шакллари

Тестларни туркумлашда уларни қўллаш мақсади ва вазифалага асосланиб, психологик тестлардан бошқа барча тестларни қўйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- интеллектуал ривожланиш даражасини аниқловчи тестлар;
- педагогик тестлар;
- муайян касбга яроқлиликни аниқловчи тестлар. Фаннинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, педагогик тест ҳақида тўхтalamиз. Адабиётларда бундай тест топшириқларнинг қўйидаги шакллари баён этилади:
 - бирдан-бир тўғри жавоби бўлган ёпиқ топшириқлар;
 - бир неча тўғри жавоблари назарда тутилган ёпиқ топшириқлар;
 - битта сўз (ёки сўзлар) тушириб қолдирилган гапдан ташкил топган очиқ топшириқлар;
 - тўғри кетма-кетликни аниқлаш учун топшириқлар (уларни бажаришда бетартиб ҳолдаги сўзлардан гап тузиш зарур);
 - ўзаро боғланишни (мувофиқликни) аниқлаш учун топшириқлар;
 - айрим фанлар бўйича билимларнинг чуқурлигини аниқлаш бўйича топшириқлар;
 - сонни тўлдиришга мўлжалланган топшириқлар, бунда сонлар сериясини топиш усулини аниқлаш ва уни муайян тартибда белгилаш;
 - қарана-қарши муносабатларни аниқлаш тестлари;
 - масалалар ечишга қаратилган (математик, физик ва б.) топшириқлар;
 - чизмалар ва схемаларни тушунишга қаратилган топшириқлар;
 - олинган ахборотни ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун топшириқлар;
 - синонимлар ва антонимларни фарқлашга топшириқлар;
 - аналогия (айнан ўхшашлик)га оид топшириқлар;
 - ўқилган матнни тушунишга оид топшириқлар;
 - кўрсатмаларни бажаришга оид топшириқлар;
 - билимдонликни аниқлашга доир топшириқлар;
 - тафаккурни аниқловчи тестлар;
 - орфографик тестлар;
- тил масалаларига доир топшириқлар ва бошқалар. Мутахассислик фанларида ёпиқ тестлар, очиқ тестлар, мувофиқликни аниқлаш тестлари ва тўғри кетма-кетликни аниқлаш тестлари кенг қўлланади.

Очиқ топшириқлар. Агар ўқувчи әркін жавоб берә оладиган бўлса, тест топшириғи очиқ шаклга эга бўлади.

Ўқувчиларнинг битта, иккита сўздан иборат қисқа ва аниқ жавоб беришлари тахмин қилинади. Бу ҳақда тестга илова қилинган йўлланмада баён этиш керак. Бланканинг бўш жойида жавоб учун зарур бўлган жой қолдирилади. Масалан, Тест тушунчаси“ йилда томонидан биринчи марта ишлатилган“.

Ёпиқ топшириқлар. Бундай топшириқ тасдиқлашдан ва бир неча жавоблардан иборат бўлали, бу жавоблардан бири тўгри, қолганлари тўғрига ўхаш, бироқ нотўғри бўлади. Таклиф қилинадиган жавоблар сони иккитадан бештагача ва бундан кўпроқ бўлиши мумкин. Синовдан ўтувчининг танлаган жавобига кўра, тест топшириғи тегишли иккита код: 1 ёки 0 билан кодланиб, сўнгра шу ҳолда компьютерга киритилади.

Иккита жавобли ёпиқ топшириқларга мисол:

1) Билимларнинг тест билан назорат қилиш адолатлилиги анъанавий шакллар билан таққослагандан:

- a) Ошади;
- b) Пасаяди.

2) Билимларнинг ҳар қандай вақт оралиғида ошишига баҳо бериш имконини берадиган назорат тури

- a) Анъанавий;
- b) Тестли.

„Ҳа“ ва „йўқ“ деган иккита жавобли ёпиқ тест топшириқлари устида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Баъзи бир топшириқлар уларнинг жавоблари икки хил маънони билдирадиган қилиб баён этилиши мумкин.

Мисол: Очиқ тест топшириқлари билимларни компьютердан фойдаланиб назорат қилишга қулай эмас.

- a) Тўгри;
- b) Нотўғри.

Иккита жавоби бўлган ёпиқ шаклдаги топшириқлар қўлланишининг асосий вазифаси — шу фандан синовдан ўтувчининг биринчи тест топшириқларидаёқ билим даражасини тезда текшириб кўришдан иборат. Автоматлаштирилган ўқитиши тизимларида (АЎТ) бундай топшириқлар бошланғич босқичнинг ўзидаёқ ўқувчининг умумий тайёргарлигини тахминий баҳолаш ва назоратнинг кейинги йўналишини мураккаб ёки осонлаштирилган дастур бўйича олиб бориш масаласини ҳал қилишга имкон беради.

Тест топшириғида жавоблар қанча кўп бўлса, тўгри жавобни тасодифан топиш эҳтимоли шунчалик кам бўлади. Амалиётда бешта жавоби бўлган топшириқларга жавоб берини старли ҳисобланади.

5 та жавоби бўлган тест топшириқларига мисоллар келтирамиз.

„Түртінчи ўлчов“ деган физика-математика атамасы қітісін тушунчага таалтукли?

- а) Оғирликка;
- б) Ҳажмга;
- в) Вақтга;
- г) Тезлікка;
- д) Тезланишга.

Бу топшириқни латент, яғни яширин маңноли топшириқтар қаторига киритиш мүмкін. Түртінчи ўлчов — әхтимоллық нағариясида күлланадиган тушунчадир. Шунинг учун тұғри жавоб берған синовдан ўтұвчини бу назариянинг „оммабоп баёнидан хабардор“, деб тахмин қилиш мүмкін.

Савол харakterидаги жумлалардан иборат аналогия (ұхшатма) га оид топшириқтар ёпік тестни бир вариантта бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирида битта сўз етишмайди. Келтирилган сўз-жавобларидан шу жумлани тұғри тұлдирадиган битта сўзни танлаш лозим.

Мисоллар:

1. Бошқа давлатларга қарам бўлмаган давлат _____ давлат ҳисобланади.

- а) ятона;
- б) тинчликсевар;
- в) гуллаб-яшнаган;
- г) мустақил;
- д) кам ривожланган.

2. Ҳамма нарсанинг мөъёрини биладиган, ўзини тұғри тута биладиган одам _____ дейилади.

- а) камтар;
- б) тез дўстлашадиган;
- в) ҳақиқий;
- г) одобли;
- д) билимли.

Фарқларни аниқлаш учун ёпік тестта мисоллар:

Бешта сўзлар берилган. Улардан түргтаси умумий белгиси билан бирлашган. Бешинчи сўз уларга мос келмайди, уни аниқлаш керак. Фақат битта сўз ортиқча бўлиши мүмкин. Бунга мисоллар келтирамиз:

- а) бориш;
- б) сакраш;
- в) рақсга тушиш;
- г) ўтириш;
- д) югуриш.

Тўртта сўз ҳаракат ҳолатини билдиради, „ўтириш“ сўзи эса анча тинч ҳолатни ифодалаб, бу қатордан тушиб қолади.

2. а) тарих; б) астрология; в) биология; г) астрономия; д) тиббиёт.

3. а) зилзила; б) тўлқин; в) оғат; г) довул; д) ўлим.

4. а) айлана; б) учбурчак; в) трапеция; г) квадрат; д) тўгри бурчак.

Ўзаро боғланган қисқа ёпиқ топшириқлар занжири билимларнинг ҳар қандай мураккаб ўкув материалини ўзлаштириш сифатини текширишга имкон беради.

Ёпиқ тестларни ишлаб чиқишида нотўгри, бироқ тўғрига ўхшаб кўринган жавобларни таърифлаш асосий қийинчиликни ташкил қиласди. Агар улар муваффақиятсиз тузиладиган бўлса, тўғри жавоб улар орасида ажралиб туради ва ҳатто яхши билмайдиган ўкувчи ҳам уни осонлика топиши мумкин. Бу ҳолда топшириқ ўзининг текширувчи функциясини йўқотади. Топшириқ яроқли бўлиши учун ҳамма жавоблар ўкувчини ўзига жалб этадиган бўлиши зарур. Шундагина танлаб олинадиган жавоблари бўлган топшириқ муваффақиятли чиқади. Ҳар бир нотўгри жавобнинг ўзига жалб этадиган томони, шу жавобни танлаган талабаларнинг салмоги билан белгиланади. Бу узуш нечоғли юқори бўлса, мазкур жавоб яхши таърифланган бўлади. Агар ўкувчилар яққол нотўгри жавобни тўғри жавоб сифатида танламасалар, бундай жавобни алмаштириш лозим.

Мувофиқликка тузилган топшириқлар. Уларнинг моҳияти бир кўп сонли элементларнинг бошқа кўп сонли элементларга мувофиқлигини аниқлаш заруратига асосланган. Бу топшириқлар „мувофиқлик аниқлансан“ деган иккита сўздан иборат конструкция асосида тузилиши керак. Масалан: Билимларни ўзлаштириш ва сифатини назорат қилишнинг анъанавий методларидаги камчиликлари:

- а) баҳолашдаги субъективлик;
- б) имтиҳон олувчининг ўкувчи билан мuloқотда бўла олмаслиги;
- в) назорат саволлари тузишдаги қийинчиликлар;
- г) баҳолаш шкаласининг аниқ эмаслиги;
- д) билимларни назорат қилиш; танлаш характерига эга эмаслиги;
- е) ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланиши;
- ж) компьютер қўллашнинг қийинлиги;
- з) жавобларни таърифлашнинг чекланганилиги.

Тўғри жавоб: а), г), д), е), ж).

Кетма-кетликнинг тўғрилигини аниқлашга оид топшириқлардан, асосан, касб-хунар тайёргарлиги даражасига баҳо бериш учун фойдаланилади. Улар ҳаракатлар, операциялар, муҳокамалар, ҳисоб-

китобларни эгаллаш, механизмларни йиғиши ва ажратиши кетма-кетлигини текшириш учун қўлланади.

Синовдан ўтаётганга „тўғри кетма-кетлик аниқлансин“, деган йўлланма берилади. Масалан: Тўғри кетма-кетлик аниқлансин: „Занжирнинг бир қисми учун Ом қонунини таърифланг“.

- а) Тўғри пропорционал;
- б) Тескари пропорционал;
- в) Қаршилик;
- г) Кучланиш;
- д) Ток кучи.

Тўғри жавоб: 1-д, 2-г, 3-а, 4-в, 5-б.

Юқорида тест топшириқларининг қулай, шу билан бирга амалиётда кўп оммалашган шакллари ҳақида фикр юритилди. Ўқитиш жараёнида ўқитувчи, тарбиячи, ўкувчи тестнинг бошқа шаклларидан фойдаланиши, унга ижодий ёндашишлари мумкин.

4-§. Аниқлаштирилган ўкув мақсадларига эришганликни баҳолаш

Аниқлаштирилган ўкув мақсадлари белгилангач, улар назорат топшириқларига айлантирилиб, натижа баҳоланади. Баҳолаш жорий, оралиқ ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз қайта боғланишини таъминлайди, билимларни шакллантиришда иштирок этади. Таълим технологиясида қайта боғланиш нафақат ўқитиш жараёнини кузатиб бориши учун, балки ўкув мақсадларини аниқлаштириш учун ҳам хизмат қиласи. Якуний назоратда режалаштирилган ўкув мақсадларига эришганлик дараҷаси баҳоланади.

Назорат оғзаки, ёзма ёки тест усулда бўлиши мумкин. Билимларни назорат қилиш турларини кўллашнинг хусусиятларини қараб чиқайлик.

Оғзаки ва ёзма назорат. Оғзаки назоратнинг афзалликларига шахсий муносабат, ўқитувчининг ўкувчи билан жонли мuloқоти, уни фикрларини нутқ шаклида ифодалашга машқ қилдириш, билимларни янада чуқурроқ текшириш мақсадида педагог томонидан қўшимча саволлар бериши имкониятлари киради. Педагог томонидан қўйилган саволга оғзаки жавоб беришга тайёрланиш доимо ўкувчининг фаол фикрлаши билан боғлиқ.

Оғзаки жавоб яхши тайёрланган ўкувчига ўзининг иқтидорини, қўшимча эгаллаган билимларини намойиш этишга имкон беради. Бевосита мuloқот туфайли ўқитувчидаги савол-жавоб давомида ўкувчининг билимлари тўғрисидаги барча гумонларни бартараф этиш имкони бўлади.

Шу билан бир вақтда оғзаки назоратда ўкувчилар билимлари-

ни баҳолашда маълум даражада педагог шахсиятининг акс этиши намоён бўлади. Ҳар бир педагогда билимларни баҳолаш вақтида доимо холис ва шахсий муносабат бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқади. Ўқувчининг оғзаки назоратда олган баҳоси баъзан холис бўлмайди. Ўқувчининг баҳоси, одатда, нафақат унинг билимлари даражасига боғлиқ бўлади. Билимларни баҳолаш амалиётида педагоглар синф (гурӯҳнинг ўртача даражасини ёътиборга олади. Шунинг учун кучсиз синflарда баҳолар одатда кўтарилган, кучли синflарда пасайтирилган бўлиб чиқади.

Ёзма назорат ўқув мавзусини ўзлаштириш даражасини ҳужжатли тарзда ўргатиш имконини беради, шунингдек, ўқувчида ўз фикрларини қоғозда баён қилиш тажрибасини оширади. Айниқса, баҳолаш мезонлари бўлган тақдирда ёзма ишларни текшириш учун икки-учта бетараф экспертлар жалб қилинганда бир қадар холис баҳолаш имкони бўлади. Аммо билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъанавий усули маълум камчилликларга ҳам эга:

- имтиҳонда ўқувчи имтиҳон билетининг 3-4 саволига жавоб беради, баҳо эса ўқув фанини тўла билганилиги учун кўйилади;
- фарқ қилиш қобилияти кучсиз бўлган 5 баллик мезон ишлатилган;
- оғзаки ва ёзма назорат билимларни баҳолашнинг холислигини, аниқлигини ва ишончлилигини доим ҳам тъминлайвермайди;
- оғзаки сўров кўп вақт сарфланишини талаб қиласди, ёзма ишлар эса, уларни текширишга педагогларнинг кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ. Барча ўрганилган ўқув мавзуларини тўла ва мунтазам назорат қилишга урингтан педагогнинг бир талай қийинчиликларни бошдан кечириши маълум.

Умуман олганда, оғзаки ва ёзма назорат технологик жиҳатдан етарли эмас, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўринда тест назорати улардан анча устун туради.

Тест назорати. Унинг афзалликлари:

- етарли тарзда тузилган педагогик тест натижалари назорат ўтказётган шахсга боғлиқ бўлган холис педагогик ўлчов қуроли ҳисобланади;
- тест ўқув мавзуларининг барча асосий мазмунини қамраб олиши мумкин, ўқитиш натижаларини тест усулида ўлчаш (тестлар тўғри ишлаб чиқилганда) барча текширилувчиларга баравар қўлланадиган олдиндан ишлаб чиқилган мезон асосида аниқ ва ишончли баҳо беради;
- тест назорати технологиялаштирувчан, у нисбатан қисқа вақт ичida маълум ўқув мавзуларининг ўзлаштирилишининг тўла назоратини кам куч ва воситалар сарфлаб ўтказиш имконини беради.

Абитуриентларни тест усулида танлаш тизимини жорий этиш кўп қунлик машаққатли кириш имтиҳонларидан воз қечиш ва назорат амалини бир қунда бир неча соат давомида ўтказиш имконини беради:

— тест назорати компьютерлар ёрдамида осон автоматлаштирилади. Бу педагогик тест ўтказишнинг асосий афзаликларидан-дир.

Бирор тест ўтказишни камчиликлардан холи деб, ҳисоблаш хато бўлади. Камчиликнинг бири — тест назорати шаклларининг кўпчилиги ўқувчидаги жавобни мустақил (офзаки ёки ёзма) ифодалаш тажрибасини чеклашдир. Бунда ўқувчининг психологик фаолияти „Эркин шакл“даги савол-жавобга ўхшаш эмас, шунингдек, бу ерда иқтидор, шахс қобилиятини намоён қилиш имконияти деярли йўқ. Текширилувчи фақат тўғри жавобни танлаши мумкин, холос.

Рейтинг тизими

Ҳозирги даврда узлуксиз таълимнинг турли босқичларида ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизими жорий этилган. „Рейтинг“ сўзи (инглизча) баҳо, индивидуал коэффициент деган маънони англатади. Рейтинг тизими таркибида, одатда қуйидагилар ифодаланади:

- назорат турлари (масалан, жорий, оралиқ, якуний);
- назорат усуллари (офзаки, ёзма, педагогик тест ўтказиш. Маълум амалларни бажариш);
- даврийлик ва ўқитиши даври мобайнида баҳолашларнинг энг кам сони;
- баҳолар мезони;
- ўқитилаётган фан бўйича якуний баҳога ўқувчининг айрим баҳоларини бирлаштириш қоидалари;
- натижаларни расмийлаштириш қоидаси;
- бошқа кўрсатмалар.

Рейтинг тизимини киритишнинг мақсади ва вазифалари, одатда қуйидаги натижаларга эришиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат:

- ўқувчилар ва талабалар томонидан Давлат таълим стандартлари талабларининг ўзлаштирилиши;
- билимларни баҳолашнинг холислиги ва узлуксизликлигини таъминлаш;
- ўқувчилар ва талабалардаги билиш фаолиятининг фаоллашуви, уларда ўқишда ютуқларга эришишга интилишнинг шаклланиши, таълимга мусобақа ҳиссини киритиш, мустақил ишга мунтазам жалб қилиш;

• ўқишдаги ютуқлар бўйича ўқувчилар ўрнини аниқлаш билан ўқув фаолияти натижаларини мувофиқлаштириш, уларни ўқишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш;

- ўқитиш натижаларининг таққосланишини таъминлаш;
- бошқа масалалар.

Ўқувчилар билимларини баҳолашнинг илгор рейтинг тизими кўйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

• мос узлуксиз таълим босқичининг ўзига хослигини инобатга олиши;

• ўқув фанининг алоҳида қисмларини эмас, балки ялпи назоратини амалта ошириши;

• ўқувчиларни уларнинг ўқишдаги ютуқлари бўйича яхшироқ табақалаш мақсадида баҳоларнинг кўп балли мезони қўлланиши;

• педагог томонидан қўйиладиган бирламчи баҳо мураккаб математик ҳисоблашлар билан боғлиқ бўлмаслиги (ўқув вақтнинг сарфланиши талаб этадиган) керак. У педагог томонидан ўқув муассасасида олдиндан ишлаб чиқилган мезонлар асосида қўйилади;

• яқуний рейтинг балларини ҳисоблаш ва қайта ҳисоблаш иложи борича соддалаштирилган бўлиши;

• ҳар бир ўқув юртининг услубий идораси маъмурият кўрсатмалари асосида ёки ўзининг қарорига биноан натижалари яқуний рейтинг баҳолашга кирадиган, ўқитиш давридаги барча фанлар бўйича оғзаки, ёзма ва тест назоратларининг энг зарур мажбурий сонини ўрнатади;

• турли ўқув муассасаларининг рейтинг тизимлари узлуксиз таълим ёки унинг маълум босқичлари чегарасида ўқитиш натижаларининг таққосланиш имконини беради.

5-§. Ўқитиш жараёнида таълим технологияларидан фойдаланиши

I. Инновацион таълим технологияси асосида ўтказилган маъруза.

Ян Смитнинг „Илгор педагогик технологиялари“ мавзусидаги 1999 йил 8 апрелдаги анжуманда килган маърузаси инновацион педагогик технология асосида ўтказилган машғулот намунасиdir. (Ян Смит-ТАСИС EDUZ-9602 „Халқ таълими вазирлиги ва олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига Ўзбекистан таълим тизими ислоҳотига кўмаклашиш“ лойиҳасининг халқаро эксперти, Буюк Британия, Глазго шаҳри, Стардклайд университетининг халқаро лойиҳалари директори.)

Куйида унинг қисқача мазмуни келтирилади.

Жаноб вазир, хурматли ректорлар, проректорлар ва меҳмонлар! Мен учун Ўзбекистонга келиш ва ТАСИС дастурида қатнашиш

катта қониқиши касб этади. „Илгор педагогик технологиялар“ анжуманида иштирок этишга таклиф этганингиз учун миннатдорчиклик билдираман.

Вазириңгиз ҳозиргина таъкидлаганидек, анъанавий педагогиканинг асосий қўриниши бир томонлама ҳикоя қилиш, монологта асосланган. Шу дамдаги ҳолат ҳам бунинг исботи, чунки мен 250 та тингловчи олдида бир ёқдама мулоқот-монолог ўқимоқчиман. Келинглар, вазиятни ўзгартиришга ҳаракат киламиз.

Тизимли педагогиканинг асосий белгиси ўрганилаётган курснинг режалаштирилишидир. Менинг мързумам учун ҳам мақсадни аниқлаб олишингиз зарур. Мисол қилиб икки кунга мўлжалланган ушбу анжуманнинг мақсадини олиш мумкин — „Янги педагогик технологияни ўрганиш“. Аниқланган мақсад билан бир қаторда, муайян вазифалар қўйилиши зарур.

Сизларга илтимос билан мурожаат қилишга рухсат беринг. Ҳар бирингиз ушбу анжумандан кўзланган мақсад ва вазифаларингизни ўйлаб, ёзиб берсангиз.

Ушбу слайдга эътибор беринг, матнни ўқиб, жумлада бошланган фикрни яқунланг.

| |
|--------------------------------------|
| 1-слайд |
| Мен учун анжумандан кўзланган мақсад |
| _____ |
| _____ |
| _____ |
| дир |

(Ян Смит учта анжуман иштирокчисидан ўз ёзувини ўқиб беришларини сўради. Ўқиб эшилтирилган мақсад ва вазифалар педагогик технологияда ўқитиш ва айрим мисолларга бағишлиланган эди.)

Ўзимнинг биринчи вазифамни амалга оширишни тушунарли намойиш этиш учун сизлардан мақсад ва вазифаларни шакллантиришни илтимос қилдим. Буюк Британиядаги катор университетларда, шу жумладан, менинг университетимда янги педагогик технология асосида талабаларнинг ўзлари курснинг мақсад ва вазифаларини худди сизлар каби аниқдайдилар. Шуни таъкидлаш жоизки, талабалар нафақат мързуза, балки бутун дарс учун мақсад ва вазифаларни аниқлайдилар. Кейинги вазифа сифатида ўқитиш самарадорлигининг соддалаштирилган қўринишини намойиш этаман.

2-слайд
Таълим самарадорлиги:

| | |
|--------------------------------|-------------|
| Маъruzаларда | 5% |
| Ўқища | 10% |
| Мунозараларда | 50% |
| Амалий машғулотда | 75% |
| Талабалар бир-бирини ўқитганда | 95% бўлади. |

Жадвалдан кўриниб турибдики, маъруза ва ўқиш воситасидан фойдаланиб, анжуманда айтилганларнинг кам қисмини ёдда сақлаб қолиш мумкин. Худди шунингдек, дунёning кўп мамлакатлари университетларида маъруза ва ўқишдан асосий усул сифатида фойдаланилади. Бизнинг ва сизнинг университетларингиз ўқувчилари энг самарали услублардан фойдаланишга интиладилар, лекин мен сизларга кўйидагиларни таклиф киламан.

— энг асосийси, анъянавий усуллар билан мунозара, Амалий машғулот ва „тақдимот“ (талабаларнинг ўзлари дарс ўтишлари)ни мувозанатли биргаликда олиб бориш.

Сиз билан бизнинг мулоқотимиздан типик мисол келтиришимиз мумкин, маъруза давомида 250 иштирокчилардан кўпроқ энг кўп сабоқни мен ўзим оламан, чунки ўзгаларни ўқитиш билим олишнинг энг яхши усулидир. Ўқувчиларга бошқаларни ўқитиш имконини бериб, уларнинг билимларини оширган бўламиз. Мен таъкидламоқчи бўлган яна бир омил — бу талабалар билим ўзлаштиришининг қуроли сифатида мунозарани кенг қўллаш: бу гурӯҳда жамоа бўлиб ишлаш, тояларини муҳокамаси натижасида фикрини ифодалаш ва натижада ўзлаштиришни енгиллаштириш.

Шундай қилиб, биз қуйидаги хуносага келдик.

3-слайд
Ўқитишининг кетма-кетлиги

1. Ўқувчилар курсни режалаштирадилар
2. Ўқувчилар режалаштирилган курс бўйича ўқийдилар.
3. Ўқувчилар муҳокама ўтказдилар.

Шу аснода ўзлаштриш даражаси ортади.

Университетлар талабаларнинг мустақиллигини ривожлантиришда кўмаклашуви зарур:

1. Таълим мақсадини кўйишга хукуқ бериш;
2. Ўқувчиларнинг ўқитиш услубиётини амалга оширишда фаол қатнашишларига имкон яратиш;
3. Ўқувчилар мавзуларни муҳокама этиб, бир-бирига ёрдам беришларига шароит яратиш;

4. Ўқувчилар ўз билимлари билан фаол ўртоқлашувини рағбатлантириш.

Мустақиллик масъулиятни талаб килади.

Қандай қилиб ушбу ёндашувларни янги педагогик технологияга жорий этиш мумкин?

Мен қўйидагича маслаҳат бераман:

4-слайд

1. Кичигидан бошланг. Энг қулай ва осон амалга ошириладиганидан бошланг, фақат кўнгилли ва ишлашни яхши кўрадиган талабаларни жалб қилинг. Барчасини ва кўп нарсани бирданига ўзлаштиришга интилманг.
2. Амалий машғулот ўтказинг. Маъruzasiz иш юритиш қийин, лекин имкон қадар кўпроқ амалий машғулот ўтказиш зарур.
3. Талабаларда хоҳиш пайдо қилишга эътибор беринг („Жазолаш ва рағбатлантириш“ усулидан фойдаланинг).

Ушбу фоялар Британия педагогикаси ва менинг Покистон ҳамда Ботсванадаги лойиҳаларда ишлаш тажрибаларимга асосланган. Аммо Ўзбекистон Университетлари — сизнинг Университетингиздир, шу боис қандай ишлашни ўзларингиз ҳал этасизлар. Таълим жараёни ўқувчилар ва таълим берувчиларга қувонч ва роҳат келтириши зарур. Кейинги 30 дақиқалик мулоқотимда мен жуда роҳатландим. Умид қиласман, сизларда ҳам шундай туйғу бор.

Семинар иштирокчилари: — Худди шундай!

1-савол: Зарурий технология асосида ўтказилган айrim маърузалар 2-слайдда кўрсатилган маълумотлардан кўра самаралироқми?

Жавоб: Ҳа. Слайдда келтирилган, тахминан ҳисобланган ўртача миқдорларга кўра маърузалар юқорироқ натижага олиб келиши мумкин. Лекин булар ҳам таълимнинг маърузага ўта боғлиқлигини ва қўйидаги услублардан фойдаланишини инкор этмайди:

- қисқа маърузалар (ўқитувчи ҳикояси) — 15–20 дақиқа;
- маълумотлар йўналишини ўзгартириш, кишининг барча сезгиларини жалб қилиш;
- ўқув қўлланмаларидан парчалар ўқиб бериш;
- гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш;
- талабанинг кичик дарслари;
- эҳтиросли рағбатлантириш;
- яхши тизимга солинган ўқув воситаларидан фойдаланиш;
- талабалар саволларини рағбатлантириш ва уларни гурухда муҳокама этиш;
- илгари йўналтирилган дарсларда талабалар олдига дарҳол жавоб топа олмайдиган саволлар қўйиш;

талаабаларнинг ўқув жараёнини режалаштиришда иштироки.

2-савол: Вазирлик ишлаб чиққан таълим стандартларига услубиётнинг ўзгариши таъсир этадими?

Жавоб (Вазирнинг биринчи ўринбосари): Йўқ, таълим стандартлари дарс бериш услубиёти ислоҳотини рағбатлантиради ва унга кўмак беради.

3-савол: „Янги педагогика“ билан анъанавий дарс бериш харжатларини таққослаш мумкиними?

Жавоб: Айрим одамлар „Янги педагогик технология — бу ахборот ва алоқа воситаларини кенг қўллаш“ деб тушунадилар. Маълумки, бу жуда қимматга тушади. Мен эса „янги педагогик технология“ деганда талаабаларга мустақиллик беришни тушунаман. Талаабаларга бундай имкониятни бериш катта харажат талааб этмайди, бу фақат талаабаларнинг ўзларида интилиш пайдо қилишга ва педагогик меҳнат самарасини кўтаришга сабаб бўлади.

II. Таълим жараённада қўлланаётган интерфаол методлардан науналар (Н.Саидаҳмедов, Янги педагогик технологиялар, Т.2003 й.) дан олинди.

Педагогик нашрларда ўқитиш методларини фаол ва сует гуруҳларга ажратиш ҳоллари мавжуд. Агар ҳар бир метод белгиланган у ёки бу мақсадни ечишда ўз ўрнида ишлатилса, ўқувчилар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга каратилади.

Американинг „Street law“ (кўча қонуни) дастури бугунги кунда ер юзининг кўплаб давлатлари томонидан ўзлаштириб олинган ва таълим маконига ўрнашиб қолаяпти. Бунга сабаб ундан ўрин олган юзлаб ўқитиш методларининг фаоллиги, жозибадорлиги ва таъсиранлигидир. Улар ёрдамида ўқувчилар ўз фикрларини эркин ифодалаш, ахборотларни танқидий қабул қилиш, жамоада ишлаш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш, фикрларини ҳимоя қилиш, ҳақ-хукукларини англаб етиш каби имкониятларга тезда эга бўладилар. Ўқитувчи эса дидактик жараённи қуришда бу методлардан оқилона фойдаланмоғи, уларни мавзу бўйича ўқув элементларининг мураккаблиги ва вакт тифизлигига қараб қўлламоғи лозим. Куйида „Street law“ дастуридаги баъзи методлар билан танишасиз.

„Ақлий ҳужум“

„Ақлий ҳужум“ методининг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча босқичларга (фояларни жамлаш, уларни танқидий ва конструктив ҳолатда ишлаб чиқиши) ажратишдан иборат.

Дарс жараёнида „ақлий ҳужум“дан мақсадлы фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади. „Ақлий ҳужум“ни уоштириш бирмунча содда бўлиб, у таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда қўл келади. Дастреб турух йигилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши гояларига „ҳужум“ қилиш ёки баҳолашга ҳаққи йўқ. Демак, „ақлий ҳужум“ йўли билан қисқа дақиқаларда ўнлаб гояларнинг юзага чиқиш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда гоялар сонини кўпайтириш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири — ҳеч қандай ташқи таъсирсиз қатнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Билдирилган гояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, „ақлий ҳужум“ қоидаларини қуидагича белгилаш мумкин:

- олга сурилган гоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- эътибор иш сифатига эмас, сонига қаратилади, гоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган гояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ гоялар ҳам қўллаб-куватланади;
- барча гоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзib олинади;
- „ҳужум“ни ўтказиш вақти аниқданади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

Вазифаси. „Ақлий ҳужум“ қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони қўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш мухитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва **ГУРУХ** (синф) янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб, тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир қадар самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) самара беради.

Кўлланиш усули. „Ақлий хужум“ иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзib борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва хужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар жамланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

„Ажурли арра“

„Ажурли арра“ методи тузилиш жиҳатидан ўзида қуидаги босқичларни қамраб олади:

1. **Топшириқни бўлиш.** Топшириқ ва матнли материаллар бир нечта асосий қисмларга (ёки мавзуларга) қирқилади.

2. **Бирламчи гуруҳлар.** Ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзуни олишади ва экспертга айланадилар.

3. **Эксперт гуруҳлари.** Кўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган ўқувчилар мавзуни муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳига бирлашадилар.

4. **Бирламчи гуруҳлар.** Ўқувчилар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларида ўргангандарини ўқитишади.

Изоҳ: „Ажурли арра“ моҳиятига аниқлик киритиш учун баъзи бир тавсияларни ёритиш лозим.

1. Ўқитиш жараёнинг бу тарзда ёндашилганда ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичидаги жатта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришларига имкон туғилади.

2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун ўқувчиларга бошлангич ахборотларни узатиш зарурати туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали ѡсита ҳисобланади.

3. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича ўқувчиларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, кўшимча тарзда газета, журнал мақолаларидан материаллар бўлиши керак.

4. Ҳар бир ўқувчи 2 гуруҳ таркибида иштирок этади: дастлаб „ўз уйи“ (бирламчи) гуруҳига, кейин эса „эксперт“ гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гуруҳини тезда ташкил этиш учун ўқувчилар олган ахборотли пакетларда ҳар бир мавзуга оид материаллар бир хил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирор бир бурчаги бўялгани маъқул.

5. Ҳар бир гуруҳда 3-5 киши (ўқувчилар сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир ўқувчи „ўз уйи“дагиларни ва қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак.

6. Ўқитувчи ўқувчиларни „рангли“ топшириқлар асосида гуруҳга бирлашишга таклиф этади ва улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, „қизил“ларнинг синф хонаси охирида, „кўк“ларнинг эса, мактаб йўлакчасида учрашиши белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳда ўқувчилар 3 тадан кам бўлмаслиги керак.

7. Гуруҳларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гуруҳ турли хил материаллар тўпламини олиши ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим. Ўқув материаллари бўйича „эксперт“ бўлиш учун ўқувчиларда вақт етарли бўлиши керак. Бунинг учун агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, бир дарс тўлиқ талаб қилинади.

8. Ўқувчиларга қўйидаги топшириқлар берилади:

- пакетдаги материалларни қунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг;
- бир-бирингиздан сўранг ва ўқув материалларини ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг;
- ўз „уўингиз“ гуруҳини ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб, материалнинг муҳим ўқув элементларига эътиборни қаратинг.

9. Ўқувчиларнинг ўз „уйларига“ қайтишлари илтимос қилинади. Ҳар бири ўз „уий“ — гуруҳига ахборот беради. Албатта, „уий“ гуруҳида эксперт гуруҳларидан биттадан ўқувчи бўлиши шарт. Ўқувчи ўрганиб келган материалларни ўз гуруҳи ўқувчиларига ўргатиш жавобгарлигини бўйнига олиши лозим. Бу жараён ўқув материалининг ўзлаштириш зарурлигига қараб яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Ўқувчилар бир-бирларидан ахборотларни ўрганиб бўлишгач, ўқитувчи олдиндан режалаштирган фаолият турини ўтказиши мумкин.

Илова: Асака педагогика коллежи ихтисослик таълими йўналишларида „Инновацион педагогик технологиялар“ фанини ўрганиш бўйича ишчи дастурнинг намунаси

I. Фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифалари, унинг ўқув жараёнидаги ўрни

1.1. Фанни ўқитишдан мақсад — юксак даражадаги умумий касбий маданиятга эга бўлган, белгиланган вазифаларни уddyalай оладиган, мустақил фикр юритиш, муаммоли вазиятларда турли ечим топа билиш кўникмалари шаклланган олий маълумотли

мутахасисларни тайёрлаш максадида талабалар Инновацион педагогик технологиялар — ихтисосликнинг илгор замонавий усуллари билан таништиришдан иборатdir.

1.2 Фанни ўрганиш **вазифалари**, асосан, куйидагилардан иборат:

1. Инновацион педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асосларини ўргатиш;
2. Педагогик технологиялар ва уларнинг асосий йўналишлари билан таништириш;
3. Илгор педагогик технологияларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
4. Ўқитиши жараёнида Инновацион педагогик технологияларни кўллаш;
5. Таълим йуналишларида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларida педагогик ахборот технологиялардан фойдалана олиш;
- 1.3. Фанни чуқурроқ ўрганишда ўзлаштирилган педагогик, психологик фанлар, махсус фанларни ўқитиши методикаси кабилар бўйича назарий, амалий билимлар муҳим ўрин тутади.

II. Фанинг моҳияти

| | Мавзулар | Ажратилган соатлар | | Мавзуларнинг асосий мазмуни |
|---|--|--------------------|--------|---|
| | | маъруза | амалий | |
| 1 | Инновацион педагогик технология курсини ўрганишнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари | 2 | | 1. Таълим-тарбиянинг ҳозирги босқичида Инновацион педагогик технологиялар асосларини ўрганишнинг аҳамияти. 2. Педагогик технология ҳақида тушунча. 3. Чет эл, Ўзбекистон олимларининг педагогик технологияларнинг ривожлантиришга қўшган ҳиссалари. 4. Инновацион педагогик технология курсининг предмети, мақсад ва вазифалари. |
| 2 | Инновацион педагогик технологиялар ва уларнинг асосий йўналишлари | 2 | | 1. Педагогик технологияларнинг педагогик, психологик асослари. 2. Педагогик технологияларнинг асосий йўналишлари. — Касб маҳоратини эгаллашга қаратилган технологиялар; — Ахборот базаси билан муомала технологиялари; |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|--|---|---|---|
| | | | | <ul style="list-style-type: none"> — Илфор тажрибаларни ўрганиш ва таҳтил қилиш технологиялари; — Таълим сифатини назорат қилиш технологиялари <p>3. Педагогик технологияларнинг истиқболлари</p> |
| 3 | Инновацион педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари ва қоидалари | 2 | | <p>1. Педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари ҳақида тушунча, яхлитлик, лойиҳалаш, натижасини кафолатлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> — Кетма-кетликни яратиш; — Ёпиқ циклни ташкил қилиш; — Махсус техник курилмалардан фойдаланиш; — Ўзлаштиришнинг якка тартибдаги суръати; — Материални яратишда „қадамлардан фойдаланиш“ <p>2. Педагогик технологиянинг асосий қоидалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> — Эквивалентли амалиёт қоидаси; — Аналогик амалиёт қоидаси; — Натижани билиш қоидаси; — Мустаҳкамловчи реакциялар қоидаси. <p>3. Педагогик технологияларнинг умум дидактик қоидалари билан уйғунлашуви</p> |
| 4 | Дидактик жараён тузилмаси | 2 | | <p>1. Дидактик жараён ҳақида тушунча</p> <p>2. Дидактик жараён компонентлари</p> <p>3. Ўкувчининг таълимий мотивацияси</p> <p>4. Ўкувчи билиш фаолиятини ташкил этиш</p> <p>5. Ўкувчи билиш фаолиятини бошқариш</p> |
| 5 | Ўкув мақсадлари-ни технологик усулда лойиҳалаш | 2 | | <p>1. Педагогик лойиҳалаш ҳақида тушунча</p> <p>2. Педагогик мақсадлар таксономияси</p> <p>3. Ўкув мақсадларининг турлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> — Конгнитив соҳа; — Аффектив соҳа; — Психомотор соҳа |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Үқув мақсадларининг таркиби: — Таинки шароитларнинг тавсифи; — Куттиладиган натижга ва хатти-харакат; — „Натижанинг эталони“; Баҳолаш мезони 5. Үқув мақсадларини лойиҳалашга бўлган педагогик талаблар |
| 6 | Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари ни топшириқларга айлантириш | 2 | — | 1. Назорат тошириқлари ҳақида тушунча 2. Тест тошириқлари 3. Тест турлари, шакллари, улардан намуналар 4. Педагогик тестларнинг афзаликлари ҳамда камчиликлари |
| 7 | Ўқув мақсадларига эришганликни баҳолаш | 2 | | 1. Ўқув натижасини баҳолаш 2. Рейтинг тизимида баҳолаш 3. Рейтинг тизимининг таркиби 4. Рейтинг тизимининг истиқбонлари |
| 8 | Ўқитиш жараёнига инновацион педагогик-технологияларни татбиқ этиши — таълим сифатини ошириш омили | 2 | | 1. Ўқитиш жараёнига инновацион педагогик-технологияларни татбиқ этиши — таълим сифатини ошириш омили 2. Мактаб, лицей, колледжларда кўлланётган инновацион педагогик-технологиялардан намуналар 3. Педагогик технологиялар асосида ўтказилган машгулотнинг мазмуни ва таҳлили |

III. Фан бўйича ўқув-услубий материаллар

3.1. Фан бўйича асосий тушунчалар.

1-мавзу: „Инновацион педагогик технологиялар“ курсини ўрганишнинг мазмуни, мақсад, вазифалари.

Технология. Инновацион педагогик технология. Таълимга технологик ёндашув тарихи. Ўзбекистонда яратилган илмий мактаблар. Педтехнологиянинг предмети. Мақсади. Вазифалари. Тадқиқот усуллари.

2-мавзу: Инновацион педагогик технологиялар ва уларнинг йўналишлари.

Инновацион педагогик технологиялар. Моделлашган педагогик технологиялар. Таҳлилий, концептуал, мақсадли, мазмунли, жараёнли босқичлари. Касб маҳоратини шакллантирувчи технологиялар. Ахборот базасини яратувчи технологиялар. Илгор тажрибаларни жорий қилиш технологиялари. Таълим сифатини назорат қилиш технологияси. Инвариантли тестлар технологияси.

3-мавзу: Инновацион педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари ва қоидалари.

Инновацион педагогик технология тамойиллари. Яхлитлик, лойиҳалаш, натижани кафолатлаш, кетма-кетлик, ёпиқ цикл. Техник қурилмалар. Ўзлаштиришнинг якка тартибдаги суръати. Педагогик технология қоидалари. Эквивалентли амалиёт. Аналогик амалиёт. Мустаҳкамловчи таъсирлар.

4-мавзу: Дидактик жараён тузилмаси.

Дидактика. Дидактик жараён. Компонентлари. Ўқувчи (талаба) ўқув фаолияти. Бошқариш. Педагог-технолог.

5-мавзу: Ўқув мақсадларини технологик усуlda лойиҳалаш.

Лойиҳалаш. Таксономия. Блум таксономияси. Конгнитив, Аффектив, Психомотор соҳалар. Ўқув мақсади. Таркиби. Ташиқи шароит. Натижа. Этапон.

6-мавзу: Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини топшириқларга айлантириш.

Назорат топшириқлари. Топшириқ турлари. Тест. Тестлар тарихи. Тест турлари, шакллари. Тестнинг афзаллиги, камчиликлари.

7-мавзу: Аниқлаштирилган ўқув мақсадларига эришганликни баҳолаш.

Баҳолаш. Оғзаки, ёзма баҳолаш. Жорий, оралиқ, якуний баҳолаш. Рейтинг тизими. Рейтинг тизимининг таркиби.

8-мавзу: Ўқитиш жараёнига инновацион педагогик технологияларни жорий этиш.

Педагогик технологияларни қўллаш. Машғулот намунаси. Педагогик технологиялар таҳдили. Интерфаол методлар.

3.2. Фан бўйича оралиқ назорати саволлари.

1. Таълим тизимига технологик ёндашув тушунчасининг мазмунини очиб беринг.

2. Инновацион педагогик технология қандай мазмунни ифода этади?

3. Инновацион педагогик технологиянинг қандай зарурий таркибий қисмларини биласиз?

4. Таълимга технологик ёндашув қачон пайдо бўлган?

5. М.Беҳбудий, А.Сиддиқий, А.Авлонийларнинг ўқитиш ўсул-

ларини такомиллаштиришга қаратилган қандай педагогик қарашибарни биласиз?

6. Ўзбекистонда педагогик технология бўйича қайси олимларнинг илмий, амалий мактабларини биласиз?

7. Амалиётда қўлланаётган инновацион педагогик технологияларнинг асосий йўналишларини ифодалаб беринг.

8. Инновацион педагогик технологияларнинг асосий тамойилларини ифодаланг.

9. Инновацион педагогик технологиянинг қандай коидалари мавжуд?

10. Ўзбекистонда инновацион педагогик технологиялар концепциясини ривожлантириш истиқболларини қандай тасаввур қиласиз?

3.3. Фан бўйича якуний назорат учун топшириқлар.

1. „Инновацион педагогик технология“ тушунчасининг моҳиятини очиб беринг.

2. Ўзбекистонда олимларимизнинг Инновацион педагогик технологиялар асосларини яратишга қўшган назарий, амалий ҳиссаларини ифодалаб беринг.

3. Инновацион педагогик технологиянинг асосий тамойиллари.

4. Инновацион педагогик технологиянинг асосий қоидалари.

5. Ўқув мақсадларини технологик лойиҳалаш.

6. Ўқув мақсадларини топшириқларга айлантириш.

7. Ўқув мақсадига эришганликни баҳолаш.

8. Инновацион педагогик технологияларнинг таснифи.

9. Таълим йўналишлари бўйича мактаб, коллежларда қўлланаётган инновацион педагогик технологияларнинг таҳдили.

3.4. Информацион-техник воситалар.

„Инновацион педагогик технологиялар“ курсини ўрганишда замонавий таълим тизимида қўлланилаётган техник воситалардан, компьютерлардан, кўрсатув асбобларининг ҳамма турларидан ҳамда педагогик, психологик, шунингдек, ихтисослик фанларининг ўзига хос бўлган ахборот-информациян манбаларидан кенг фойдаланилади.

а) Кўргазмали-намойиш методлари:

• „Инновацион педагогик технологиялар“ фанининг илм-фан, амалиёт билан боғлиқлигини намоён қилувчи плакат;

• „Инновацион педагогик технологиялар“нинг илмий-тадқиқот усуллари ифодаланган плакат;

• „Инновацион педагогик технологиялар“нинг асосий тамойиллари кўрсатилган кўргазмали плакат;

• Ўқитувчи педагогик маҳорати шакланишининг таркибий қисмлари ифодаланган кўргазмали плакат;

б) Ўқув фильмлари (интернетдан олипади):

- E-mail: sles@piter-press.ru
- E-mail: piter-t@licom-kharko.ud
- Ақлий тараққиёт тести;
- Кеттел тести;
- Айзенк сўровномаси;
- Интерфаол методли ўйинлар сценарийси („Ақлий ҳужум“, „Ажурли арра“, „Дебат“, „Мунозара“, „Мен ўқитувчиман“, „Муаллифлик дарси“ каби);

в) Дидактик материаллар;

- Мультимедиали иловалар;
- Маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар;
- Ўқувчининг мустақил ишлари бўйича топшириқлар намуналари;
- Реферат мавзулари.

3.5. Ўзлаштиришнинг назорати.

а) Назорат тадбирлари миқдори:

„Инновацион педагогик технологиялар“ курсидан ўқувчи билимини назорат қилиш бир марта ЖН(жорий назорат), бир марта ОН(оралиқ назорат), бир марта ЯН(якуний назорат) орқали ўтказилади. ЯН ёзма ёки оғзаки шаклда амалга оширилиш мумкин.

б) Назорат турлари:

Жорий назорат бўйича:

- кундаклик машғулотларга қатнашиш семинар ёки амалий ишлар даврида саволларга ёзма жавоблар тайёрлаш;
- оғзаки баҳс, мунозараларга иштирок этиш;
- тест варианtlарини бажариш:

Оралиқ назорат бўйича:

- маъруза машғулотларга фаол қатнашиш;
- маъруза мазмунининг асосини ижодий қайд қилиб бориш;
- маъруза машғулотлари давомида уюштирилган савол-жавобларда фаол иштирок этиш;
- рефератлар ёзиш:

Якуний назорат бўйича:

- кафедра тасдиқлаган вариант топшириқларига ёзма ёки оғзаки жавоб берishi:

в) Рейтинг тизимида талаба ўзлаштиришини баҳолаш:

Амалдаги қоидага мувофиқ ўқув юртларида талаба максимал баллнинг қўйидаги фойизли ўлчовларида баҳоланади:

100% дан — 86% гача — „аъло“га ўзлаштириди.

85% дан — 71% гача — „яхши“га ўзлаштириди.

70% дан — 55% гача — „қониқарли“га ўзлаштириди.

55% дан паст — ўзлаштиrmади.

„Инновацион педагогик технологиялар“ курсидан талабанинг ўзлаштириши 100,0 балли тизимда назорат турлари қўйидаги тартибда баҳоланиши мумкин:

Жорий баҳолаш

(45%)- „аъло“

45,0 баллдан — 38,0 баллгача;
„яхши“ — 37,0 баллдан — 31,0 баллгача;
„қониқарли“ — 30,0 баллдан — 24,0 баллгача
„ўзлаштиrmади“ — 24,0 баллдан паст;

Оралиғ баҳолаш

(40%)- „аъло“

40,0 баллдан — 34,0 баллгача; „яхши“
33,0 баллдан — 28,0 баллгача; „қониқарли“
27,0 баллдан — 22,0 баллгача; „ўзлаштиrmади“
22,0 баллдан паст;

Якуний баҳолаш

(15%)- „аъло“

— 15,0 баллдан — 13,0 баллгача;
„яхши“ — 12,0 баллдан — 10,0 баллгача;
„қониқарли“ — 9,0 баллдан — 8,0 баллгача;
„ўзлаштиrmади“ — 8,0 баллдан паст;

Жами: Максимал балл — 100,0 балл

Саралаш балл — 55,0 балл.

Ўқувчи билими ўқув юртининг хоҳишига қараб 5 балли тизимда ҳам баҳоланиши мумкин.

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1-савол: „Технология“ сўзи қандай маънони англатади?

Жавоб: „Технология“ грекча сўз бўлиб, technos — санъат, маҳорат, хунар, logos — таълимот, йўналиш, фан деган маънони англатади. „Сиёсий лугат“ (М, 1989 й) да технологияга шундай таъриф берилади:

- ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар ва ярим тайёр ашёларни қайта ишлаш, тайёрлаш ҳолати, хусусияти, шаклларини ўзгартириш методлари йигиндиси;
- ашёлар, материаллар ва ярим хом ашёларга мувофиқ ишлаб чиқариш қуроллари орқали таъсир ўтказилиши усууллари.

Технология тушунчаси „Ўзбек тилининг изоҳли лугати“ (М. 1981 йил 2-том, 169-бет)да кўйидагича изоҳланади: „Технология — (грек) ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида материалларга ишлов бериш ёки қайта ишлашда қўлланиладиган усууллар мажмуаси“. Дарҳақиқат, технология деганда, одатда, уларни қўллаш натижасида янги сифат ва миқдор ўзгаришларига олиб келувчи тизимиш усууллар, тушунилади. Бу усууллар ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасига мос ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. „Саноат технологияси“, „Пахтачилик технологияси“ каби, шунингдек, улар бир йўналишта оид бўлган алоҳида ўзига хос хусусиятларни қамраб олишлари ҳам мумкин: „Андижон технологияси“, „Абдурасулов технологияси“ каби.

2-савол: Ишлаб чиқаришни технологиялаштириш нима?

Жавоб: Жамият ривожидаги илмий-техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришни технологиялаштиришга олиб келади. Ҳозирги даврда технологиялаштириш маданият, маориф, тиббий соҳаларга ҳам шиддат билан кириб келмоқда. Технологиялаштириш — объектив жараён бўлиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига кириб боради, улар эволюциясининг янги вазифаларини сифатли ҳал этишга асос солади.

3-савол: Технологиялаштириш тушунчасини педагогик жараёнларга қандай боғлаш мумкин?

Жавоб: Технологиялаштириш тушунчасини бевосита педагогик жараёнлар билан боғласак, у ҳолда таълим-тарбия қонуниятларини амалга ошириш, уларнинг янги қонуниятларининг ўзига хос қираларини кашф этиш асосида умумий мақсадга эришиш — ижобий сифат ўзгаришларига эга бўлган баркамол авлод шахсини шакллантириш тушунилади. Ёки педагогик технологиялаштиришни шахсда янги сифат ўзгаришларини лойиҳаловчи, кутгилажак натижани

кафолатловчи таълим-тарбияни ташкил этиш, бошқариш ва амалга ошириш жараёни деб тушуниш мумкин.

4-савол: „Инновацион технологиялар“ атамасини қандай тушунса бўлади?

Жавоб: „Инновация“ — умумжаҳон тилларидан кириб келган бўлиб, („индекс“, „инстанция“, „инфляция“, инкасса“ каби), 2 та — юнонча „Инос“ — оид, таалукли ва русча „новый“ — янги, янгича сўзларининг бирикмасидан ташкил топган. „Инновация“ тушунчаси — янгиликка оид, янгитдан киритилаётган деган маъноларни англатади. Бу тушунча инглиз тилида ҳам „innovation“ деб юритилиб, янгилик киритиш, янгича маъноларида қўлланилади. Шундай қилиб, „Инновацион технологиялар“ атамасини ишлаб чиқаришща ижобий сифат ва микдор ўзгаришларига олиб келувчи, янги, янгича, янгитдан киритилаётган усуllibар деб тушуниш мумкин.

5-савол: „Педагогик технологиялар“ни таълим-тарбия жараёнига бўлган қандай ёндашув деб қараш мумкин?

Жавоб: Педагогик технологиялар таълим-тарбия жараёнига ўзига хос бўлган инновацион ёндашувдир. У педагогикада ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг ифодаси, ўқитиш, тарбиялаш жараёнини маълум даражада стандарт ҳолатта солиб, унинг оптималь лойиҳасини тузиш билан боғлиқ тушунчадир. Жумладан, ўқитишнинг ваъзхонлик, оғзаки баён қилиш усуllibаридан воз кечиб, компьютерлар, таълимнинг техник воситалари ёрдамида ўқитиш, ўқувчининг билиш фаолиятининг бошқарувчиси, ташкилотчиси, маслаҳатчиси, якуний натижага эришишга йўлловчиси — ўқитувчи, устоз раҳбарлигига ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил ишларини ташкил этиш ва энг муҳими ўқитувчининг деярли бир хил якуний натижага эришиш имкониятининг мавжудлигидир. Айниқса, ўқитишга ягона Давлат таълим стандартлари жорий этилган, жаҳоннинг барча давлатлари андозалари талабига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги даврида кейинги ҳолат алоҳида аҳамият касб этади. Ўқув жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этилганда таълим мақсадлари белгиланади ёки лойиҳаланади, кутилаётган якуний натижага — ижобий сифат ўзгариши. Кафолатланади, ўқув жараёнининг такрорланувчи цикли яратидаи, тезкор қайтувчи алоқа вужудга келади, ўқув мақсадлари, ўқув жараёнига керакли тузатишлар киритилиб борилаверади.

6-савол: Буюк педагог Я.О.Коменский педагогик технологияларнинг яратилишини қандай орзу қилган эди?

Жавоб: Педагогик жараёни тафаккур асосида стандартлаш фояси XVI асрда яшаган буюк славян педагоги Я.О. Коменский

томонидан илгари сурилган эди. У ўзининг „Буюк дидактика“ деб номланган машхур асарида таълим-тарбия жараёнини бир қолига солмоқчи бўлганки, унда „ҳар бир усул ва нарсалар вақт жиҳатдан шундай жойлаштирилиши керак эдики“, „бутун педагогик жараён яхши созланган соат каби бехато юриши керак“ эди. Я.О. Коменский етмаган ниятга XX аср педагоглари етиб, педагогик технологиялар яратишиди. XXI асрда бу ижтимоий воқелик инновацион педагогик технология номини олиб, бутун дунё педагогларига дастурламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

7-савол: Педагогик технологияларнинг тузилмаси нимадан иборат?

Жавоб: Педагогик технологияларнинг тузилмаси қўйидаги таркибдан ташкил топади:

1. Концептуал (назарий) асослар.
2. Таълим-тарбия жараёнининг мазмуни.
3. Технологик жараён.

8-савол: Педагогик технологияларнинг концептуал (назарий) асосларига нималар киради?

Жавоб: Педагогик технологияларнинг концептуал (назарий) асосларига унинг методологик, педагогик, психологик асосларини киритиш мумкин. Методологик асосларни — умуммиллий қадриятлар, Президентимизнинг таълим-тарбия ҳақидаги фоялари, миллий foя, таълим тўғрисидаги қонун, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури, мөъёрий ҳужжатлар ташкил этади.

Педагогик асосларга таълим-тарбия жараёнининг мақсади, вазифалари, мазмуни, шакл, усуллари ва қонуниятларни киритиш мумкин.

Психологик асосларга эса, шахс, шахснинг тузилмаси, шахснинг билиш жараёнлари ва бу жараённинг қонуниятлари киради.

9-савол: Педагогик технологиялар таркибий қисмларидан таълим-тарбия жараёни мазмунига нималар киради?

Жавоб: Таълим-тарбия жараёнининг мазмунига мазкур жараённинг умумий ва аниқ мақсадлари, вазифалари, режалари, дастурий асослари, шакл, воситалари, усуллари киради.

10-савол: Технологик жараён қандай мазмунга эга?

Жавоб: Технологик жараён — бу меҳнат қуроллари билан меҳнат объектларига босқичма-босқич таъсир этиши натижасида маҳсулот яратиш борасидаги ишчи (ишчи машина)нинг фаолиятидир. Агар бу таърифни педагогик технологияларнинг таркибий қисми — технологик жараёнга татбиқ этсак, у ҳолда у ўқитувчи (тарбиячи), ўқувчи (шахс) фаолиятлари, жараённи бошқариш

усуллари, диагностик (ташхис) ишларни қамраб олганини кўриш мумкин.

11-савол: Педагогик технологияларнинг аспектлари қайсилар?

Жавоб: Педагогик технологияларнинг 3 аспекти ҳақида фикр юритилади:

- илмий аспект;
- тавсифий аспект;
- амалий аспект.

12-савол: Педтехнологияларнинг илмий аспектига нималар киради?

Жавоб: Педтехнологияларнинг илмий аспектини таълим-тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, услубларини илмий асосда лойиҳалаш ташкил этади.

13-савол: Педтехнологияларнинг тавсифий аспектидаги нималар ифодаланади?

Жавоб: Педтехнологияларнинг тавсифий аспектидаги натижага эришишнинг мазмуни, усул, воситалари иштирокидаги педагогик жараённинг тавсифи ифодаланади ва бу жараённинг тартиби ишлаб чиқилади.

14-савол: Педтехнологияларнинг амалий аспекти нимани назарда тутади?

Жавоб: Педтехнологияларнинг амалий аспекти мавжуд технологияларни бевосита амалиётга қўллаш, амалий натижаларга эришишни назарда тутади.

15-савол: Таълим амалиётига нисбатан педтехнологияларнинг қандай сатҳи белгиланади?

Жавоб: Таълим амалиётига нисбатан педагогик технологиянинг уч сатҳи (даражаси) белгиланади: умумпедагогик, хусусий методик, локал (модул).

1. Умумпедагогик технология яхлит таълим жараёнини ифода қиласди.

2. Хусусий методик технология бир фан доирасидаги ўқув тарбия жараёнини амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат бўлади.

3. Локал (модул) технология ўқув тарбия жараёнининг айрим қисмларига, маҳсус бўлимларига технологияни татбиқ қилишни ифода қиласди. Бу технология умумий дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга қаратилади.

16-савол: „Педагогик технологиялар“нинг принциплари, тамоилилари қайсилар?

Жавоб: Принцип — лотинча „principium“ сўзидан олинган

бўлиб, асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи гоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади.

Педагогик технологиялар принциплари умумдидактик принциплар билан ўзаро алоқадор, бир-бирини тўлдиради, бойитади. Шу билан бирга, улар алоҳида йўналишларга, ўзига хос хусусиятларга эга. Педагогик технологиялар принциплари қуидагилар:

- педагогик тизимнинг яхлитлиги принципи;
- ўкув тарбиявий-жараённи олдиндан лойиҳалаш;
- натижани кафолатлаш;
- тугалланганлик;
- этилувчанлик;
- ўзлаштиришнинг индивидуал суръати;
- техник қурилмалардан фойдаланиш кабилар.

17-савол: Педагогик технологияларнинг ўзига хос бўлган қоидалари ҳам мавжудми?

Жавоб: Педагогик технологияларнинг қуидаги қоидалари ҳам мавжуд:

1. „Эквивалентли амалиёт“ қоидаси. Ўқитувчининг ўқитиш ва бу жараёнда кўзланган ҳаракатлари унинг якуний тест топшириғида белгиланган ўкув ҳаракатлари билан айнан бир хил шароитда ўтказилиши лозим.

2. „Аналогик амалиёт“ қоидаси. Ўқитувчилар тест(синов)да қандай ҳаракатларни кўрсатишлари талаб қилинса, улар ўкув жараёнида ҳам шунга ўхшаш ҳаракатларда машқ қилишлари керак.

3. „Натижани билиш“ қоидаси. Ҳар бир ўтказилган назорат натижаси ўкувчига тезлик билан маълум қилиниши зарур.

4. „Ижобий мустаҳкамловчи реакциялар“ қоидаси. Ўқувчининг эришган ҳар бир ютуғига ўқитувчи ўз вақтида реакция қилиб, рафбатлантириб бориши керак. Ўқувчиларнинг нотўғри ўкув ҳаракатлари жазоланмайди. Бу ҳолда ўкувчиларни „Яна бир марта уриниб кўр“, „Бу масалани яна бир марта ўрганиб кўр“, каби илҳомлантирувчи сўзлар билан уларни ишлашга ундаши лозим.

18-савол: „Педагогик технологиялар“га олимларимиз қандай таъриф берадилар?

Жавоб: Кейинги йилларда матбуотда, илмий адабиётларда, кўплаб анжуман ва йиғилишларда, шу билан бирга расмий ҳужжатларда „Педагогик технология“, „Янги педагогик технология“, „Илгор педагогик технология“, „Ўқитиш технологияси“, „Таълим технологияси“ „Инновацион педагогик технология“ каби тушунчалар учраб турибди. Педагогик технология — деб аталмиш бу зарурий тушунчанинг педагогик амалиётларда аста-секин оммалашшиб келиши боис, унга бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам атрофлича берилмокда. Мана улардан намуналар: „Педагогик технология таъ-

лимни системалаштириш ёки синфда ўқитишни системалаштириш фояларини педагогикага татбиқ этишдан иборат“ (Т. Сокмoto).

„Педагогик технология — психологик ва педагогик ўгитлар йигиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуслар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг маҳсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради“ (Б. Лихачев).

„Педагогик технология — режалаштирилган ўқитиш натижала-рига эришиш жараёни тавсифи“ (И.П. Волков).

„Педагогик технология — ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йигиндиси“ (В.М. Шепель).

„Педагогик технология — талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ё ўкув жараёнини лойиҳалаштириш, таш-кил этиш ва ўтказиш бўйича педагогик фаолиятининг ҳар томон-лама ўйланган моделидир“ (В.М. Монахов).

„Педагогик технология — бу таълим шаклларини оптималлаштириш вазифаларини ўз олдига қўйган техник ва инсон омилла-рида, уларнинг биргадикдаги ҳаракатлари воситасида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, татбиқ этиш ва бел-гилашнинг тизими усуllibаридир“ (ЮНЕСКО).

„Педагогик технология — педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йигиндиси ва тартибини билдиради“ (М.В. Кларин).

„Педагогик технология — ўзида турли муаллифлар (манбала-р)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади“ (Г.К. Селевко).

„Педагогик технология — бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган педагогик муваффақиятларини кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнини ифодалаш — лойиҳалашдир“ (В.П. Бесспалько).

„Педагогик технология — бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсулси сифатида уларда олдиндан берилган шахс сифатларини жадал шакллантиришни кафолатлайдиган жараёндир“ (Н. Сайидаҳмедов).

„Педагогик технология — ўкув мақсадларининг аниқ белгиланиши, якуний натижанинг кафолатланиши, ўкув жараёнининг тақоролнувчанигининг таҳминланиши ва тезкор қайтувчан алоқанинг мавжудлиги билан характерланади“ (Б.Л. Фарберман. У.Н. Нишоналиев).

„Педагогик технология таълим мақсадларига ва шахснинг

ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равиша ривожлантириш тизимини лойихалашдир“ (Н. Азизхўжаева).

19-савол: Педагогик технологияларга оид маҳсус журналлар чоп этиладими?

Жавоб: 1961 йилдан АҚШда „Педагогик технология“ журнали чоп этила бошланди. 1964 йилдан Англияда „Педагогик технология ва ўқув жараёни“, 1965 йилдан Японияда, 1971 йилдан Италияда „Педагогик технология“ журналлари чиқарила бошланди. ЮНЕСКО 1971 йилдан то ҳозирги кунгача таълим бўйича халқаро бюронинг „Педагогик технологиялар“ бюллетенини чиқариб келмоқда. Россия Федерацияси эса, 1997 йилдан бошлаб „Мактаб технологиялари“ журналини чоп этиб келмоқда.

20-савол: Таълимга технологик ёндашув қандай тарихга эга?

Жавоб: Таълим тарихидан маълумки, ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни шартли равишида З даврга ажратиш мумкин:

Биринчи даврда ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчигина олиб борган, инсоният тўплаган тажрибалар, билимлар талабага ўқитувчи орқалигина берилган. Иккинчи даврда дарслик ва қўлланмалар чоп этила бошланди. Учинчи даврда эса, ўқитиш усуллари мазмун жиҳатдан янада бойиди:

Ўқитувчи ва талаба учун техник воситалар, ўргатувчи машиналар ҳам қўшилди, дастурланган таълим тушунчаси пайдо бўлди. Таълим самарадорлигини кўтаришга кўмаклашувчи янги ёндашувлар кириб кела бошлади.

Таълимга технологик ёндашув XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлди, десак, хато бўлмас. Бу даврда „Педагогик техника“ тушунчаси маҳсус адабиётларда кўриниб қолди ва у ўқув машғулотларини аниқ ҳамда самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида ўтган асрнинг 40—50-йиллар бошларида ўқув жараёнига ўқитишнинг техник воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса, кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси педагогик технологияларга тенглаштирилди.

50—60-йилларда жаҳон педагогикасида ўқув жараёнини ўзига хос „технологик“ усулда ташкил этиш ҳаракати вужудга келди. 60—70-йилларда эса, ўқитиш методларининг ўта турли-туманлигидан улардан самарали фойдаланишда қийинчиликлар туғила бошлади ва бу методлар учун умумий бўлган илмий асос яратиш зарурияти вужудга келди. Натижада педагогик методлар технологияси, ўқитиш технологиясининг назарий асослари вужудга қела бошлади.

80—90-йилларга келиб, ўқув жиҳозларининг турли хилларини ва ўқитишнинг предметли воситаларини лойихалаш ва ишлаб

чиқаришни йўлга қўйиш зарурий шартлардан бирига айланди, уларсиз илғор методика ва ўқитиши шакллари самарасиз бўлиши, таълим сифатини таъминлаш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Бу зарурият XX аср охирига келиб, педагогик технологияларнинг назарий ва амалий жиҳатларини тизимли тадқиқ қилишни тақозо этди. Хусусан, Россиялик олимлар бу йўналишда бир қатор асарларни нашр қилдилар. Жумладан, 1989 йилда нашр қилинган В.П. Беспальконинг „Слагаемые педагогической технологии“, Г.К. Селевконинг „Современные образовательные технологии“ (1998) китоблари бу соҳадаги йирик тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади.

XXI асрнинг бошларига келиб, педагогик технологиялар фан сифатида шаклланди, унинг назарий ва амалий асослари яратиб келинмоқда.

21-савол: Педагогик технологияларнинг асосчилари кимлар?

Жавоб: АҚШнинг машхур олимлари Б.Блум, Л.Ларсен, Б.Скинер, Д.Финн, Д.Кратвал, Р.Ганье, Л.Бриглар „Педагогик технологиилар“нинг назарий масалаларини яратишга муносиб ҳисса қўшганлар, улар педтехнологияларнинг асосчилари ҳисобланадилар.

22-савол: Педагогик технологияларнинг пайдо бўлиш тарихини неча босқичга ажратиб ўрганиш мумкин?

Жавоб: Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асосларини яратиш тарихини шартли равишда 4-босқичга ажратиб ўрганиш мумкин:

I босқич—XX асрнинг 30-йиллари-амалиётда „Педагогик технология“ тушунчасининг пайдо бўлиши;

II босқич — XX асрнинг 40-60-йиллари — ўқитишининг техник воситаларининг пайдо бўлиши, улардан таълим жараёнида фойдаланиш;

III босқич — XX асрнинг 70-80-йиллари — ўқитиши технологиялар янги авлодининг яратилиши; технологиянинг илмий асосларининг вужудга келиши;

IV босқич — XX асрнинг 90-йиллари XXI аср бошлари — педагогик технологияларни назарий ва амалий жиҳатдан тизимли тадқиқот қилиш назарий ва амалий асосларининг яратилиши, илмий мактабларнинг шаклланиши.

23-савол: „Педагогик технологиялар“ тарихидан муҳим саналарни келтириш мумкини?

Жавоб: XX асрнинг 30-йиллари „Педагогик техника“ тушунчаси пайдо бўлди.

1946 йил — АҚШнинг Индиана штатидаги университетда аудиовизуал таълимга асос солинди (муаллифи Л.Ларсен).

1954 йил — Дастурли ўқитиш режаси яратилди (АҚШ, муаллифи проф. Б.Скиннер).

1961 йил — Жанубий Калифорния университетида „Ўқитиш технологиялари“ бўлими очилди (раҳбари Д.Финн).

1968 йил — Массачусетс технология институтида дастурлаштирилган таълимнинг компьютер тили (ЛОГО) ишлаб чиқилди (муаллифи С.Пейперт).

1971 йил — Италияда „Педагогик технология“ журнали чоп этила бошлади.

1976 йил — биринчи шахсий компьютер „ЭППА“ яратилди (муаллифи С.Жобс, С.Уозник).

1980 йиллар — Экспериментал мактабларда ўкув мақсадлари маҳсус дисплей синфларда синаб кўрилди. Педагогик технологияларнинг амалий асослари шаклланба бошлади.

1990—2000-йиллар — Таълим муассасаларида ўқитишнинг интерфаол усусларидан кенг фойдаланиш даври бошланди. Педагогик технологиялар бўйича маҳсус илмий-тадқиқотлар олиб борилди. Ҳозирги кунда педтехнологияларнинг назарий ва амалий асослари яратилмоқда, ўкув юртларида фан сифатида ўқитилмоқда.

24-савол: Нима сабабдан Педагогик технологиянинг асослари мамлакатимизда энди ўрганилмоқда?

Жавоб: Бунинг бош сабаби педагогик технологиянинг назарий ва амалий асослари бевосита „бихевиоризм“ (инглизча хатти-ҳарарат) гоялари билан боғлиқ. Тарихдан маълумки, „бихевиоризм“ гоялари совет педагогикасига ёт бўлган, буржууча йўналиш деб қаттиқ қоралаб келинган, унинг гояларидан фойдаланиш антикоммунистик сиёсат деб шарҳланаб келинди. Вакт ўтиши ва коммунистик режимнинг барҳам топиши билан „бихевиоризм“ асосчилари Ж. Устсон, Э. Торнрайк, С. Пресси, Б. Скиннер, Э. Родкорф гояларига муносабат ижобий томонга ўзгарди.

Бихевиористларнинг тестология бўйича ишлари ҳам совет даврида „буржуазия“ йўналиш қаторига киритилиб, умуман инкор қилинди. Мустақил Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичida биринчи бўлиб ижодий педагогика фанига йўл очди ва чет элнинг бу соҳадаги энг илғор, кўлласа бўладиган ва юқори натижага берадиган гояларни амалиётта татбиқ этиш, бу йўлда ўзимизнинг анъана ва тажрибаларимиздан кенг фойдаланишга имкон яратиб берди.

Президентимизнинг 1992 йил март ойида қабул қилган Фармонига мувофиқ республикамиз олий ўкув юртларигаabituriyentlarни тест ёрдамида танлаб олиш ва таълим тизимига педагогик тестларни жорий этишга биринчи бўлиб асос солинди.

25-савол: Мустақил Ўзбекистонда педтехнологиялар муаммоларини ўрганиш ҳолати қандай?

Жавоб: Мустақил Ўзбекистонда педагогик технологияларнинг назарий, амалий асосларини, уларнинг мукамамаллигини ўрганиш ва ўқув-тарбиявий жараёнга татбиқ этиш давлат аҳамиятига эга бўлган тадбир деб қаралмокда.

Мутахассислар тайёрловчи барча ўқув юртларида педагогик технологиялар фан сифатида ўқитилмоқда. Ўтган аср охирларида олий ва ўрта маҳсус мактаб муаммолари институтида „Педагогик технология ва таълим сифати“ бўлими очилди. Ҳозирги кунда Тошкент давлат педагогика университетида „Инновацион технологиялар Маркази“ фаолият кўрсатмокда.

Педагогик технология муаммолари билан маҳсус тадқиқотлар ўтказишга киришилди. Педагогик технологиянинг моҳияти, унинг таърифи ва педагогик таълим доирасидаги ўрни ҳақида биринчি бор 1993 йили „Халқ таълими“ журналида Н. Саидаҳмедов томонидан талқин қилинди. (Н. Саидаҳмедов, Ўқитувчининг педагогик тизимидағи фаолияти, „Халқ таълими“, 1993 й., 6-7б.). Ҳозирги кунда педагогик технологияларнинг назарий асослари ва уларни амалиётта татбиқ этиш бўйича бир қатор олимлар самарали излашишлар олиб бормокдалар.

26-савол: Педагогик технологияларнинг муаммолари билан шугууланаётган ўзбекистонлик олимлар кимлар?

Жавоб: Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асосларини яратиш бўйича бир қатор ўзбекистонлик олимлар самарали илмий фаолият кўрсатмокдалар.

Жумладан, Р.Х.Жўраев, У.Н.Нишоналиев, Н.С.Саидаҳмедов, Ж.Йўлдашев, Б.Л.Фарберман , Н.Азизхўжаева, К.Ишматов ва бошқаларнинг тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Олимлардан Б. Фарберманнинг „Илгор педагогик технологиялар“ (2000 й.), Н. Саидаҳмедовнинг „Янги педагогик технологиялар“ (2003 й.), Н. Азизхўжаевнинг „Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат“ (2006 й.) кўлланмалари нашр қилинди.

27-савол: „Ўқитиш технологияси“ атамаси биринчи бор ким томонидан амалиётта киритилган?

Жавоб: „Ўқитиш технологияси“ атамаси биринчи бор амалиётта Жанубий Калифорния университетининг „Ўқитиш технологиялари“ бўлими мудири, профессор Д. Финн томонидан киритилган.

28-савол: „Ўқиши мотивацияси“ тушунчаси қандай маънони англатади?

Жавоб: Мотив — лотинча „Moteo“ сўзидан олинган бўлиб, „ҳаракат“ деган маънони англатади.

Мотив — эҳтиёж, истак, майл, қизиқиш, интилиш тушунчада.

ларини ўз ичига олади. МОТИВАЦИЯ — муайян майл билан ҳаракат қилишга қаратилган истакдир.

Ўқиши мотивацияси — билим олиш, фан асослари, қонуниятларини ўрганиш, эгаллаш бўйича ўкувчининг аниқ дастуруламали, мақсади, ички эҳтиёжи, истаги, хоҳиши, ҳаракатлантирувчи кучи, манбаси.

29-савол: Ўқитишни технологиялаштириш жараёни қандай таркибда тузилган?

Жавоб: Ўқитишни технологиялаштириш жараёни қуйидаги таркибни ўз ичига олади:

- ўкув мақсадларини лойиҳалаш;
- ўкув мақсадларини аниқлаштириш;
- ўкув мақсадлари қатори (таксономияси)ни тузиш;
- ўкув мақсадларини топшириқларга айлантириш;
- мақсадга эришиш йўлларини қўллаш;
- эришилган мақсадларни тузатиш ишлари;
- натижани баҳолаш;
- натижани қўллаш.

30-савол: Ўкув мақсадлари қандай белгиланади?

Жавоб: Мақсад — ўқитиш ва ўқиши жараёнларининг энг муҳим омили. Таълим жараёни айнан шундан бошланади. У маълум предметни ўрганиш мақсади ва мазмунидан келиб чиқкан ҳолда шаклланади ҳамда ушбу таълим шаклининг асосий мақсадига мос келади.

Мақсад таълим берувчи ва таълим олувчини уларнинг умумий натижаларига қараб ҳаракатланишини белгилайди.

Шунга кўра, биз, уни ташхисли ифодалашимиз керак, яъни шунчалик аниқ ва маълум бўлиши керакки, унда қуйидагиларга эришиш:

- шундай дидактик жараённи қуриш керакки, у ушбу мақсадни маълум шароитларда ва белгилантган вақт ичida эришишни таъминлашни кафолатлаши;
- ўқитиш жараёнининг якуни бўйича, мақсадни амалга ошириш даражаси тўғрисида конкрет хulosса қилиш мумкин бўлсин.

Ўқитиш мақсадлари таълим олувчилар ҳаракатларида белгилантган таълим натижалари орқали ифодаланади.

31-савол: Педагогик мақсадлар таксономиясини қандай тушуниш мумкин?

Жавоб: Педагогик технологиялар тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири педагогик мақсадларнинг таксономиясини тузуб чиқишидир. Таксономия, биология фанида обьектларни, уларнинг табиий ўзаро боғлиқлигига асосланиб ва тоифалари мураккаблашиб

борадиган кетма-кетликда жойлаштириб туркумлаш ва системалаштириш, деб таърифланади. Худди шу мазмун педагогик мақсадларни туркумлаб, тартиблаштириб, уларнинг кетма-кетлик қаторини ишлаб чиқишига мослаштирилган.

32-савол: Б. Блумнинг „Таксономия“ китоби қачон нашр қилинганди?

Жавоб: АҚШ олимлари биринчи марта педагогик мақсадларни тартиблаштириш масаласига эътибор бердилар. Психолог Б. Блум 1956 йили ўзининг машхур „Таксономия“ китобини нашр қилди. Унда ўқув мақсадларининг конгнитив (билиш) соҳасини тартиблаштириш тизими ишлаб чиқилди ва бу тизим халқаро миқёсда тан олинди. 1996 йилда ЮНЕСКО Б. Блум таксономиясининг 40 йиллигини тантанали нишонлади.

33-савол: Ўқув мақсадларининг таксономияси қандай соҳаларни ўз ичига олади?

Жавоб: Ўқув мақсадларининг таксономияси 3 соҳани ўз ичига олади.

когнитив (билиш) соҳаси;
аффектов (ҳиссиётли-қадриятли) соҳа;
психомотор (харакатга оид) соҳа.

34-савол: Ўқув мақсадларининг конгнитив соҳаси қандай мазмунга эга?

Жавоб: Когнитив (билишга оид) соҳа. Бу ўқилган материални эслаб қолиш ва уни тақороран айтиб беришдан бошлаб, то ўзлаштирилган билимларни тўла англаб, уларни олдин ўрганилган гоя, метод ва ҳаракат усуслари билан уйғунлаштириб тасаввур этиши ҳамда билимларни эгаллашгача бўлган муаммоларни ҳал этишни ўз ичига олади. Ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўров натижасида ДТС, дастурлар, дарслерлар, дарс бериш амалиётидаги ўқув мақсадларининг аксарияти когнитив соҳага тегишли бўлиши аникданган.

35-савол: Ўқув мақсадларининг аффектив соҳаси қандай мазмунга эга?

Жавоб: Аффектив (ҳиссиётли-қадриятли) соҳа. Унга оддий идрок қилиш, қизиқиш, қадриятлар йўналишлари ва муносабатларни ўзлаштиришга тайёр бўлишдан бошлаб, то ўқувчини атрофдунёга нисбатан ҳиссий-шахсий муносабатда бўлишни шакллантирувчи мақсадлар киради. Қизиқиш ва мойиллик, у ёки бу кечин-маларга ҳамдард бўла олиш, воқеаларга бўлган муносабат, уни англаш ва фаолиятида намоён бўлишини шакллантириш мақсадлари ана шулар жумласидандир.

36-савол: Ўқув мақсадларининг психомотор соҳаси қандай мазмунга эга?

Жавоб: Психомотор (ҳаракатга оид) соҳа. Бу соҳага у ёки бу ҳаракат (моторли) фаолиятида манипуляция (ҳаракат йўналишиларини тез ва чақон ўзлаштириш), асаб мускулларини мувофиқлаштириб бошқариш (координация)ни шакллантиришга оид мақсадлар киради. Ёзув, оғзаки нутқ малакалари ҳамда жисмоний тарбия ва меҳнат (касб) таълими доирасидаги малакалар ана шулар жумласидандир. Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга касб ўргатиш жараёнининг мақсадлари ҳам шу мақсадларга киради.

37-савол: Ўқув мақсадларини топшириқларга айлантиришнинг осон, қулай шакли тест топшириклари ҳисобланади. Тестлар қачондан буён қўлланилиб келинмоқда?

Жавоб: Тест (инглизча — синов) биринчи бор 1864 йилда Буюк Британияда Ж. Фишер томонидан ўқувчиларнинг билим даражасини текшириш учун қўлланилган. Тест синовларининг назарий асосларини кейинчалик инглиз психологи Ф. Гамелтон ишлаб чиқди. Тест синовлари дастлабки психология, педагогика фанлари доирасида ривожланди. Психологик тест синовлари биринчи марта американлик психолог Э. Торндайк томонидан ишлаб чиқилди. Психология ва педагогикада тест синовларининг ривожланиши билан математик методлар ҳам қўлланила бошлади. Бундай методлар, ўз навбатида, тестлар ишлаб чиқишига ижобий таъсир кўрсатди.

XIX аср охири XX аср бошларида тест синовларига ўқувчиларнинг ўқув қобилиятларини баҳолаш воситаси сифатида қараш анча кучайди. Айнан шу даврдан бошлаб тест синовлари икки асосий иўналиш: ақлий (интеллектуал) ривожланиш даражасини аниқлаш тестларини яратиш ва қўллаш ҳамда ўқувчиларнинг ўқиш қобилиятларини ва билимларини баҳолашга мўлжалланган педагогик тестларни яратиш ва қўллаш соҳалари ривожлана бошлади.

38-савол: Тест топшириқларининг қандай хилларидан фойдаланиш мумкин?

Жавоб: Амалиётда тестларнинг очиқ топшириқлар, ёпиқ топшириқлар каби хилларидан кўпроқ фойдаланилади.

Очиқ топшириқлар: Агар ўқувчи эркин жавоб бера оладиган бўлса, тест топшириги очиқ тест ҳисобланади. Ўқувчиларнинг битта, иккита сўздан иборат қисқа ва аниқ жавоб беришлари тахмин қилинади. Бу ҳақда тестга илова килинган йўлланмада баён этиш керак. Бланканинг бўш жойида жавоб учун зарур бўлган жой қолдирилади. Масалан, „Тест тушунчаси“ _____ йилда _____ томонидан биринчи марта ишлатилган“.

Ёпиқ топшириқлар: Бундай топшириқ тасдиқлашдан ва бир неча жавоблардан иборат бўлади, бу жавоблардан бири тўғри, қолганлари тўғрига ўхшаётган, бироқ нотўғри бўлади.

Таклиф қилинадиган жавоблар сони иккитадан бештагача ва бундан кўпроқ бўлиши мумкин.

Амалиётда 4-5 та жавоби бўлган тест топшириқлари етарли ҳисобланади.

39-савол: Педагогик тест турларининг қандай шакллари бор?

Жавоб: Фаннинг мазмунидан келиб чиқиб, қуйидаги тест топшириқларининг шаклларидан фойдаланиш мумкин:

- бирдан-бир тўғри жавоби бўлган ёпиқ топшириқлар;
- бир неча тўғри жавоблари назарда тутилган ёпиқ топшириқлар;
- бигга сўз (ёки сўзлар) тушириб қолдирилган гапдан ташкил топган очиқ топшириқлар;
- тўғри кетма-кетликни аниқлаш учун топшириқлар (уларни бажаришда бетартиб ҳолдаги сўзлардан гап тузиш зарур);
- ўзаро боғланишни (мувофиқликни) аниқлаш учун топшириқлар;
- айрим фанлар бўйича билимларнинг чуқурлигини аниқлаш бўйича топшириқлар;
- сонни тўлдиришга мўлжалланган топшириқлар, бунда сонлар сериясини топиш усулини аниқлаш тестлари;
- масалалар ечишга қаратилган (математик, физик ва б.) топшириқлар;
- чизмалар ва схемаларни тушунишга қаратилган топшириқлар;
- олингган ахборотни ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун топшириқлар;
- синонимлар ва антонимларни фарқлашга топшириқлар;
- аналогия (айнан ўхашлик)га оид топшириқлар;
- ўқилган матнни тушунишга оид топшириқлар;
- кўрсатмаларни бажаришга оид топшириқлар;
- билимдонликни аниқлашга оид топшириқлар;
- тафаккурни аниқловчи тестлар;
- орфографик тестлар;
- тил масалаларига доир топшириқлар ва бошқалар.

40-савол: Фарқларни аниқлаш бўйича ёпиқ тест топшириги қандай бўлиши мумкин?

Жавоб: Бешта сўз берилган. Улардан тўрттаси умумий белгиси билан бирлашган. Бешинчи сўз уларга мос келмайди, уни аниқлаш керак.Faқат битта сўз ортиқча бўлиши мумкин. Бунга мисол келтирамиз:

- | | | |
|------------|------------|------------------|
| а) бориш; | б) сакраш; | в) рақсга тушиш; |
| г) ўтириш; | д) югуриш. | |

Тўртта сўз ҳаракат ҳолатини билдиради, „ўтириш“ сўзи эса анча тинч ҳолатни ифодалаб бу қатордан тушиб қолади. Ёки:

- | | | |
|----------------|----------------|------------------|
| 1. а) тарих; | 2. а) зилзила; | 3. а) айланা; |
| б) астрология; | б) тўлқин; | б) учбурчак; |
| в) биология; | в) офат; | в) терапеция; |
| г) астрономия; | г) довул; | г) квадрат; |
| д) тиббиёт. | д) ўлим. | д) тўғри бурчак. |

41-савол: Тўғри кетма-кетликни аниқлаш бўйича тест топширигини қандай кўринишда тузиш мумкин?

Жавоб: Тўғри кетма-кетлик аниқлансин: „Занжирнинг бир қисми учун Ом қонунини таърифланг“.

- а) Тўғри пропорционал;
- б) Тескари пропорционал;
- в) Қаршилик;
- г) Кучланиш;
- д) Ток кучи.

Тўғри жавоб: 1-д, 2-г, 3-а, 4-в, 5-б

42-савол: Ҳозирги узлуксиз таълим тизимида ўқув натижалари ни баҳолаш қандай тартибда амалга оширилади?

Жавоб: Ҳозирги даврда узлуксиз таълимнинг турли босқичларида ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизими жорий этилган. „Рейтинг“ сўзи (инглизча) баҳо, индивидуал коэффициент деган маънени англатади. Рейтинг тизими таркибида, одатда, қуидагилар ифодаланади:

- назорат турлари (масалан, жорий, оралиқ, мустақил таълим, яқуний);
- назорат усуллари (офзаки, ёзма, педагогик тест ўтказиши, маълум амалларни бажариш);
- баҳолар мезони, масалан: 1-даражада 100—86, 2-даражада 85—71, 3-даражада 70—55, 4-даражали 55 дан кам;
- натижаларни расмийлаштириш қоидаси;
- бошқа кўрсатмалар.

43-савол: Давлат таълим стандартлари (ДТС) нима?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиининг 1998 йил 5 январдаги 5-қарори билан „Давлат таълим стандартлари тўғрисида Низом“ тасдиқланган, унга мувофиқ республикада идоравий бўйсуниш ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар, таълим муассасаларининг барча турлари учун мажбурий бўлган давлат таълим стандартлари (ДТС) белгиланган.

ДТС — кадрлар' тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни; таълим олувчилар тайёргарлигининг

зарур ва етарлича даражасини ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талабларини; ўкув юкламасининг зарур ҳажмини; таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмини белгилайди.

Бошқача айтганда, Давлат таълим стандарти — тарбияланувчи ёки таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, қўнишка малакаларнинг энг қўйи миқдори, илмий асосларда белгилаб берилган расмий педагогик хужжатдир.

44-савол: Таълимнинг қайси турлари учун ДТС белгиланади?

Жавоб: ДТС — таълимнинг қўйидаги турлари учун белгиланади:

- умумий ўрта таълим, шу жумладан, бошланғич таълим;
- ўрта маҳсус қасб-хунар таълими (академик лицейлар, қасб-хунар коллежлари);
- олий таълим (бакалавриат, магистратура). Мактабгача, мактабдан ташқари, олий ўкув юритидан кейинги таълим, кадрлар масаласини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат талаблари белгиланади.

45-савол: Таълимни стандартлаштиришнинг объектлари қайслар?

Жавоб: Кўйидагилар таълимнинг стандартлаштириш объектлари ҳисобланади:

- таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўкув юкламаси ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифати:
 - талаблар, меъёрлар ва қоидалар, педагогик ва ахборот технологиялари, таълим усуллари ва воситалари, шунингдек, таълим тизимида фойдаланиладиган атамалар, тушунчалар ва категориялар;
 - таълим олувчилар билим даражасига ва қасбий малакасига ташхис қўйиш тартиби, битирувчилар сифатини, таълим фаолияти, педагог ва илмий-педагог ходимлар сифатини баҳолаш.

46-савол: Педагогик технологияларни қандай йўналишлари бўйича туркумлаш мумкин?

Жавоб: Педагогик технологияларни қўйидаги 12 та йўналишлари бўйича туркумлаш тавсия этилади:

1. Қўлланиш даражаси бўйича (умумпедагогик; хусусий предметли; локалли, модулли, тор педагогик).
2. Фалсафий асос бўйича (материализм, идеализм, диалектик, метафизик, инсонпарвар, ноинсонпарвар, анропософия, теософия, прагматизм, экзистенциализм, сионизм).

3. Рұхий ривожланишнинг етакчи омиллари бўйича (биогенли, социогенли, психогенли, идеалистик).
4. Ўзлаштириш концепцияси бўйича (ассоцiativ-рефлекторли, ривожлантирувчи, бихевиористик, гештальттехнология, суггестив, нейролингвистик).
5. Шахс тузилмасига йўналтирганлик бўйича (информацион, операцион, ҳаяжонли-ахлоқий, ўз-ўзини ривожлантирувчи, эвристик ва амалий).
6. Мазмунни ва тузилиши характери бўйича (таълимий ва тарбиявий, дунёвий ва диний, умумтаълим ва касбга йўналтирилган, гуманитар ва технократик, турлича соҳавий технологиялар, хусусий предметли ҳамда монотехнологиялар ва политехнологиялар).
7. Ташкилий шакллар бўйича (синф-дарс, муқобилли, академик, якка тартибли, гуруҳли, жамоа бўлиб ўқиши усуслари, табакалаштирилган таълим).
8. Билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тури бўйича (маърузали классик ўқитиш; аудиовизуалли техник воситалар ёрдамида ўқиши; „маслаҳатчи тизим“; китоб ёрдамида ўқитиш; „репититор“ тизими; „дастурли таълим“).
9. Болага ёндошиш бўйича (авторитар, дидактоцентрлик, шахсга йўналган технологиялар, ҳамкорлик технологияси, эркин тарбиялаш технологияси, эзотерик технологиялар).
10. Устивор методлар бўйича (репродуктив, тушунтириш-кўрсашиб, ривожлантирувчи таълим, муаммоли таълим, ижодий; диалогли, ўйинли таълим, ўз-ўзини ўқитиш таълими, информацион таълим).
11. Мавжуд анъанавий тизимларни янглиш йўналишлари бўйича (муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосида; болалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосида; ташкиллаштириш ва бошқариш самарадорлиги асосида; ўқув материалларни методик ва дидактик реконструкциялаш асосида; табиатан монандлик, муқобиллик технологиялари; муаллифлик мактабининг ягона технологияси).
12. Таҳсил олувчилар тоифаси бўйича (оммавий технология, олға одимловчи таълим, тўлдирувчи; ўзлаштировчилар билан ишлаш технологиялари, иқтидорлилар билан ишлаш технологиялари).

(Қаранг: Г.К. Селевко. Современные образовательные технологии. М., 1998 й).

47-савол: Ҳозирги кунда самара берәётган педагогик технологияларни санаб ўтиш мумкинми?

Жавоб: Таълим-тарбия амалиётида педагогик технологияларнинг хилма-хил, жуда кўплаб турларидан фойдаланиб келинмокда. Самара берәётган технологиялардан баъзиларини келтириш мумкин:

- компьютерли-аҳборот технологияси;
- модул технологияси;
- диагностик технология;
- мультимедиали технология;
- интерфаол усулли технология;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- дифференциаллаш технологияси;
- дастурли таълим технологияси;
- масофадан ўқитиш технологияси;
- мустақил таълим технологияси;
- билимни баҳолаш технологияси;
- тарбияланганлик даражасини аниқлаш технологияси;
- педагогик ҳамкорлик технологияси;
- педагогик ўйин технологияси;
- муаллифлик технологияси;
- бошқарув технологияси ва бошқалар.

48-савол: Амалиётда қўлланилаётган педагогик технологияларни қандай гурухларга бирлаштириб таснифлаш мумкин?

Жавоб: — Инсонпарварлик ва демократик педагогик муносабатга асосланган педагогик технологиялар (шахсий муносабатни щакллантириш, якка ҳолдаги ёндашув, демократик бошқарув, инсонпарварликка йўналтирилган технологиялар).

Таълим олувчиларни фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технологиялар (ўйинли технологиялар, муаммоли ўқитиш, коммуникатив ўқитиш технологиялари каби).

Ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга асосланган педагогик технология (дастурли ўқитиш, дифференциали ўқитиш технологияси, якка ҳолда ўқиши, истиқболли ўқитиш, гурухли ва жамоавий ўқитиш технологияси, аҳборотли технология).

Ўқув материалини методик тақомиллаштириш ва дидактик реконструкция қилишдаги педагогик технологиялар. (ақлий ҳаратни щакллантиришнинг тартибли технологияси, дидактик бирлики мустаҳкамлаш технологияси ва бошқалар.

Халқ педагогикасига асосланган технологиялар.

49-савол: Таълим жараёнида компьютерлардан фойдаланилади. Бу ҳам технологиями?

Жавоб: Амалиётда, аҳборот таълим технологиялари деб, маҳсус техник аҳборот воситаларини (ЭҲМ, аудио, кино, видео) қўллай-диган барча технологиялар номланади. Таълим тизимида компьютерлардан кенг фойдаланиш билан бирга „янги аҳборот таълим технологияси“ атамаси пайдо бўлди. Бизнинг фикримизча, таълим

технологияси учун күпроқ түгри келадиган атама — компьютер технологияси атамасидир.

Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиши фояларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекоммуникацияларнинг ноёб имкониятлари билан боғлиқ таълимнинг янги технологик вариантиларини очади. Таълимнинг компьютерли технологиялари — бу, таълим олувчига ахборотни тайёрлаш ва узатиш жараёни бўлиб, уни амалга ошириш воситаси компьютердир.

50-савол: Компьютер саводхонлиги деганда нимани тушуниш мумкин?

Жавоб: Компьютер саводхонлиги деганда ўқувчи, энг аввало, қуидагиларни билиши, бажара олиши керак:

- информатика ва ҳисоблаш техникасининг асосий тушунчаларини билиши;
- компьютер техникасининг принципиал тузилишини ва функционал имкониятларини билиши;
- замонавий операцион тизимлар ва уларнинг асосий командаларини эгаллашни билиши;
- замонавий дастурли қобиқ ва умумий қўлланувчи операцион воситаларни (Norton commander, Windows, уларнинг кенгайтирилиши) билиш ва уларнинг функцияларини эгаллаши;
- камида битта матнли таҳирини эгаллаши;
- алгоритмлар, тиллар ва дастурлаш пакетлари тўғрисида бирламчи тушунчага эга бўлиши;
- умумжаҳон компьютер тармоғи бўлмиш — Internet дан фойдалана олиши;
- жаҳоннинг барча минтақаларидаги тентдошлари билан ёзишмалар орқали гаплаша олиши;
- дунёдаги барча банклар, музейлар, расадхоналардан илмий ва маданий ахборотни жалб қила олиши;
- Халқаро серверлар орқали интерфаол мулоқот қилиш, ҳодисаларни кузатиш кўниқмаларига эга бўлиши керак.

51-савол: Таълим-тарбия тизими қандай таркибдан ташкил топади?

Жавоб: Педагогик-психологик адабиётлардан маълумки, таълим-тарбия тизими бир-бири билан узвий боғланган бир нечта таркибдан ташкил топади.

1. Шахс (ўқувчи).
2. Таълим (тарбия) мақсадлари.
3. Таълим (тарбия) мазмуни.
4. Дидактик (тарбиявий) жараён.
5. Ташкил этиш шакллари.
6. Педагогик услублар ёки технология.
7. Ўқитувчи (тарбиячи).

Ҳар қандай назарията хос бўлгани каби юқоридаги тизим ҳам қонуний икки йўналишни ифодалайди ва ҳал килади: Дидактик (тарбиявий) масалалар ва бу масалаларни амалга ошириш йўллари. Шартли равишда дидактик (тарбиявий) масалаларга мақсад, мазмун киритилса, амалга ошириш йўлларига шакл, восита, услубларини киритиш мумкин.

52-савол: Шахснинг билиш жараёни категориялари қайсилар?

Жавоб: Шахснинг билиш жараёни категорияларига қўйидаги-ларни киритиш мумкин:

- билиш;
- тушуниш;
- англаш;
- муносабат;
- тахлил;
- умумлаштириш;
- мустаҳкамлаш;
- баҳолаш;
- қўллаш;
- ўзлаштириш каби.

53-савол: „Дидактика“ сўзининг маъноси нима?

Жавоб: „Дидактика“ атамаси грекча „didaktikos“ сўзидан олинган бўлиб, „ўқитиш“, „ўргатиш“ маъноларини англатади. У педагогика фанининг маҳсус бўлими бўлиб, ўқитиш жараёнининг моҳияти, мазмуни, шакли, усусларини ўрганади. Дидактиканинг асосчилари: Я.О.Коменский, И.Г.Песталоцци, А.Дистерверг, Дж.Дьюин ҳисобланадилар.

54-савол: Таълим жараёни нима?

Жавоб: Таълим жараёни билимни маълум мазмун, шакл, услубда бериш ва уни олиш жараёнидир, ўқитувчи ва ўқувчи, устоз ва шогирднинг ҳамкорликдаги фаолияти, муносабатлар тизими ҳисобланади.

55-савол: Таълим мазмуни қандай меъёрий ҳужжатларда белгиланади?

Жавоб: Таълим мазмуни Давлат таълим стандартлари, ўкув режа, дастурлар, дарсликларда белгиланади.

56-савол: Таълим жараёнида қандай усуслардан фойдаланилади?

Жавоб: Таълим усуслари нисбатан яхлит ҳолатни ташкил этади. Лекин уларни гурухлаштириш мумкин:

- оғзаки, сўз орқали баён қилиш усуслари (тушунтириш, сұхбат, маъруза, ҳикоя каби);

- күргазмали усуллар (илюстрация ва намойиш қилиш усуллари, техник қурилмалардан фойдаланиш каби);
- амалий усуллар (машқ, ёзма ишлар, тажрибалар);
- ўз-ўзини назорат қилиш усуллари (офзаки, ёзма назорат, тест назорати усуллари);
- таълимни рағбатлантирувчи усуллар (қизиқиши орттиришга қаратилган усуллар, таълимни мотивлаш каби).

57-савол: Таълимнинг ташкилий шакли нима?

Жавоб: Таълим жараёнининг ташкилий шакли дарс ҳисобланади. Синф-дарс тизимини назарий жиҳатдан асослаб берган XVI аерда яшаган славян педагоги Я.О. Коменский ҳисобланади. Педагогика тарихида синф-дарс тизимини такомиллаштириш, модернизация қилишга ҳаракатлар бўлди. Жумладан, Англияда XIX аерда А. Белла ва Д. Ланкастер муаллифларидаги „Белланкастер“ тизими, кейинроқ XX аср бошида АҚШда „Дальтон-план“ тизими, Россияда „Бригадали ўқитиши тизими“лари синаб кўрилди. Ҳозирги кунда „Ноанъанавий дарс“, „Муаммоли ўқитиши“, „Дастурли таълим“ каби шакллардан фойдаланиб келинмоқда. Умуман, дарс-ўқув жараённида таҳсил мақсадларини амалга оширишда асосий таълим шакли бўлиб келмоқда. Бир неча асрлар давомида таълимнинг дарс шаклидан бошқа бир янги мукаммал шаклини педагогика назаријаси ҳам, амалиёти ҳам ҳозирча таклиф этганича йўқ.

58-савол: Тарбия жараёни нима?

Жавоб: Тарбия — кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг 3 хил талқини мавжуд:

1. Болани боқиб вояга етказиши.
2. Парвариш — қараб ўстириш.
3. Инсонни олган билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатиш.

Педагогика дарслиги (Р Мавлонова, Педагогика. Т.2001 й.306-бет)да тарбияга куйидагича таъриф берилади:

„Тарбия — тарбияланувчининг руҳиятига тарбиячига маъқул бўлган сифатларни сингдириш учун мақсадга мувофиқ суратда ва мунтазам равишида таъсир этишдир“.

Тарбия — ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшаши даврида орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларининг ижобий кўнимкласини ўзгаларга бериш жараёнидир.

59-савол: Тарбия жараёни қандай мазмунга эга?

Жавоб: Тарбия мазмунига куйидагиларни киритиш мумкин:

- ақл тарбияси;
- аҳлоқий тарбия;

- меҳнат ва касбий тарбия;
- миллий ғоя тарбияси;
- байналмилал тарбия;
- инсонпарварлик тарбияси;
- виждан тарбияси;
- нафосат тарбияси;
- хуқуқий тарбия;
- иктисадий тарбия;
- экологик тарбия;
- жисмоний тарбия ва бошқалар.

60-савол: Тарбия жараёнининг усуслари қайсилар?

Жавоб: Амалиётда тарбия жараёнининг қўйидаги усусларидан фойдаланилади:

- ишонтириш, эътиқод усуслари;
- шахс фаолиятини ташкил этиш усуслари;
- ибрат, намуна усуслари;
- рафбатлантириш ва жазолаш усуслари;
- ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш усуслари.

61-савол: Педагогик технологияларнинг ўқитиш методикасидан фарқи борми?

Жавоб: Педагогик технологиялар ўқитиш методикасидан воқеаликка мажмуали ёндашув қонуниятларидан келиб чиқиш, бутун педагогик жараён элементларини ўзаро узвий алоқадорликда жараёнининг лойиҳасини тузиш билан фарқ қиласди ёки бошқача қилиб айтганда, педагогик технологиялар педагогик жараён тизими сифатида ўқувчининг билими олдиндан лойиҳаланади, якуний натижা — билимни ўзлаштириши кафолатланади.

Ўзбекистонлик олим Н. Саидаҳмедовнинг таъкидлашича, „ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиялардан ажрата олмаятилар. Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат. Методикадан кўзланган мақсад предмет мавзуларига оид назарияларни аниқ ҳодисалар текислигига кўчиришдир... Педагогик технология ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларини қуриш, уларни жорий этиш, шартларни аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсаддага эришишни таъминлайди. Ёхуд ПТ ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган муолажалар йиғиндисидир. Технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларнинг тўғрилиги, самарадорлиги, олдиндан лойиҳаланиш зарурияти билан методикадан фарқланиб туради“ (Қаранг Н. Саидаҳмедов, Янги педагогик технологиялар, Т., 2003 й, 7-бет).

62-савол: Интерфаол атамаси қандай маънни англатади?

Жавоб: Интерфаол атамаси инглизча interact — ўзаро тал-сиirlаниш (ёки interaction — ўзаро таъсир) сўзидан олинган бўлиб, бирор фаолият ёки муаммони ўзаро муроқотда, ўзаро муомалада, ўзаро баҳс-мунозара, фарқлаш асносида, ҳамжиҳатлик билан ҳал қилиш маъносини англатади.

63-савол: „Ақл ҳужуми“ интерфаол усули нима?

Жавоб: „Ақл ҳужуми“ интерфаол усулининг қуийдаги турларидан самарали фойдаланиб келинмокда:

1. Бевосита жамоа бўлиб „Ақл ҳужуми“ (“Мозгавая атака”) олиб бориш. Мақсад мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йигиш, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишdir. Бу усулнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиқсан ғоялар танқидини мутлақо таъқидаш, ҳар қандай луқма ҳазил-мутойибани рағбатлантиришdir. Усулдан фойдаланишининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи — машғулот раҳбарига боғлиқ. „Ақл ҳужуми“ иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

2. Ялпи „Ақл ҳужуми“, бу усул Ж. Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган. У катта гурухларда (20 дан 30 тагача бўлган) янги ғоялар ишлаб чиқиши самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайди. Барча иштирокчилар кичик-кичик 5—6 кишидан иборат гурухларга бўлинади ва ҳар бир кичик гурух билан ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 дақиқа давомида мустақил равишда ўзаро „Ақл ҳужуми“ ўтказилади. Шундан сўнг ҳар бир кичик гурух вакили ўз гурухларида ишлаб чиқилган ғоя ҳақида ахборот берадилар ва ўқитувчи раҳбарлигига унга баҳо берадилар ва улардан энг яхшилари, бетакори танлаб олинади.

3. „Фикрларнинг шиддатди ҳужуми“. Бу усул Е.А. Александров томонидан таклиф қилинган. Г.Я. Буш томонидан ўзгартирилиб йўлга қўйилган. Диалогнинг моҳияти шундаки, коллектив бўлиб ғоялар ишлаб чиқишида иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва унга зид ғоялар қўйилади.

Машғулот босқичма-босқич қуийдаги тарзда ўтказилади:

1-босқич. Миқдор ва психологияк муроқот жиҳатидан мақбул кичик гурухларни шакллантириш.

2-босқич. Вазифа, муаммодан келиб чиқадиган мақсадларни ифодалаш.

3-босқич. Тўғридан-тўғри „Ақл ҳужуми“ қоидасига асосан ҳар бир гуруҳда ғоялар ишлаб чиқиши.

4-босқич. Фояларни тартибга солиш ва таснифлаш.

5-босқич. Фояларни деструктивлаш, яғни амалға ошиши имконияттың қараб бақолаш.

6-босқич. Аввалғи босқичларда билдирилған тәнқидий муроҳа-заларап бақо беріш.

64-савол: Мультимедиали технологиялар қандай имконияттарға эзға?

Жағоб: Мультимедиали технологиялар аппаратлы воситалар ёрдамида билимлар базаси ахборотлар билан танишув мантигини эркін танлашта, ахборотни овоз, видео ва кинофрагментлар, мультипликация билан барлаштириш имконияттун жаратади. Шу билан бирға компьютерли имитацияларни, микродунёларни ва уларнинг манбасини ўқувчидан алоҳида қызықиши чакириувчи дидактикалық ва ривожлантирувчи ўйинларни яратыш имконини ҳам беради.

65-савол: Модул технологияси нима?

Жағоб: Модул ўқитиши технологияси дейилгандан фан, ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, таълим самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув материалини йирик түркүмларга ажратиб ўргатиши, унинг маҳсус бўлимларига педагогик технологияларни татбиқ қилиши тушунилади.

66-савол: „Ажурли арра“ усули қандай босқичларни ўз ичига олади?

Жағоб: „Ажурли арра“ усули тузилиши жиҳатидан ўзида куйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Топшириқни бўлиш: Топшириқ ва матнли материаллар бир неча асосий қисмларга (ёки мавзуларга) қирқилади.

2. Бирламчи гурухлар. Ҳар бир гурух аҳзолари қирқилган мавзуни олишади ва экспертга айланадилар.

3. Эксперт гурухлар. Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлған ўқувчилар мавзуни муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиши режасини эгаллаш учун эксперт гурухга бирлашадилар.

4. Бирламчи гурухлар. Ўқувчилар ўзларининг бирламчи гурухларига қайтадилар ва эксперт гурухларда ўрганганларини ўқитишиади.

67-савол: Сниквейн усули нима?

Жағоб: Сниквейн усули — ахборотларни лўнда, қисқа баён қилиш, воқеа, ҳодиса, жараённи бир неча сўзлар воситасида ифодалашдир. Сниквейн французча 5 деган таржимани беради. У куйидаги тартибда амалға оширилади:

1. Биринчи каторда бир сўз билан мавзу ёзилади.

2. Иккинчи каторда 2 сўз билан мавзу тавсиф қилинади.

3. Учинчи қаторда 3 сўз билан мавзу ифодаланади.
4. Тўртинчи қаторда мавзу 4 сўзли ибора билан ифодаланади.
5. Бешинчи қаторда мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоними берилади.

Сниквейн тушунчалар, ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш, умумлаштиришда тезкор, самарали усул ҳисобланади.

68-савол: Кластер усули нима?

Жавоб: Кластер — фикрларни тармоқлаш, кенгайтириш усулидир. Фикрларни тармоқлаш — бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларнинг бирон бир мавзуни чўқур ўрганишларига ёрдам бериб, мавзуга таалукди тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Бу усул мавзуни ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундейди.

Фикрларни тармоқлаш қўйидагича ташкил этилади:

1. Мавзуни аниклаш.
2. Мавзу бўйича хаёлга келган ҳар қандай фикр кетма-кет ёзилади.
3. Фикрлар тугамагунча ёзишда давом эттириш керак.
4. Фикрларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғликларини кўпайтиришга ҳаракат қилиш зарур.

69-савол: „Инсерт“ усули нима?

Жавоб: Инсерт — шартли белгилар, таянч кўрсаткичлар ёрдамида билимларни мустаҳкамлаш, муаммоли нуқталарни аниқлаштириш, уларни бир тартибга солиш усулидир.

Масалан: Инсерт усули ёрдамида ўқишини қўйидагича ифодалаш мумкин:

Мавзу таянч иборалар асосида ўрганилгач, ўша таянч иборалар ёнига қўйидаги белгилар қўйиб чиқиши вазифаси топшириллади.

„V“ — билардим, „+“ — билиб олдим, „?“ — тушунмадим, „-“ — фикримга зид.

| Масалан, она тили дарсида: | |
|--|---|
| 1 Эргашган қўшма гаплар | + |
| 2 Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар | + |
| 3 Бош ва эргаш гап. Уларнинг ўрни | V |
| 4 Эргаш гапнинг турлари | V |
| 5 Боғловчисиз боғланган эргаш гапли қўшма гаплар | + |
| 6 Кўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши | ? |

Инсерт усулини матн устида ишлаш жараёнида ҳам қўллаш мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга ўрганилаётган мавзу асосида матнни тарқатиб, ҳар бир хат бошига шартли белгиларни қўйиб, инсерт усулида ўқиб чиқишни топширади. Бу усул ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш, тушунилмаган ўринларни ўзлаштириш имконини беради.

70-савол: „Бумеранг“ технологияси нима?

Жавоб: Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характеристика (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга ярокли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллни тўплашига имконият беради.

„Бумеранг“ технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади; хотирани, фояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Таълим билан бир қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомалалик;
- хушфеъллик;
- кўникувчанлик;
- ўзгалар фикрига ҳурмат;
- фаоллик;
- раҳбарлик сифатларини шакллантириш;
- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини холис баҳолаш.

Асосий йўналишлар қўйидагилар:

Очиқ саволлар — бу саволлар муомала, сўзлашувни давом эттиришга имкон беради. Уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

Ёлиқ саволлар — бу саволлар олдиндан „ҳа“ ёки „йўқ“ ти-пидаги тўғри, очиқ жавобларни беришни кўзда тутади.

Кўндаланг сўроқ — бир-бирига гуруҳлаб берувчи қисқа саволлар қатори бўлиб, бу ўзига хос ахборотларни излаш ҳамда далилларни, оппонентлар позициясини аниқлаш ва муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Кўндаланг сўроқ пайтида мунозарага киришиш мумкин эмас. Бу вақтда фақат саволлар берилади.

71-савол: „Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим“ (БББ) усули нима?

Жавоб: Бу усул ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундейди. Бунинг учун ўқитувчи доскани 3 қисмга бўлади. 1-қисмга „Биламан“, 2-қисмга „Билишни хоҳлайман“, 3-қисмга „Билиб олдим“ деб ёзади. Кейин ўқувчиларга мурожаат қилиб, масалан, ботаника фанини ўқитиш жараёнида ким хужайра ҳақида нималар билишини сўрайди ва ўқувчилар фикрларини „Биламан“ устунига ёзади. Синфда фикрлар тутагандан кейин ўқувчиларга яна мурожаат қилиб, хужайра ҳақида яна нималар билишини хоҳлашларини сўрайди. Ўқувчилар берган саволларини досканинг „Билишни хоҳлайман“ қисмiga ёзади. Ўқувчиларнинг саволлари тутаганидан кейин ўқитувчи хужайра ҳақида маълумотлар ёзилган, олдиндан тайёрланган матнларни синфга тарқатиб чиқади.

Ўқувчилар матн билан танишиб чиққанларидан кейин фикрлашга ўтадилар, янги маълумотларни бир-бирлари билан ўртоқлашадилар. Ўқитувчи ўқувчилардан хужайра ҳақида яна қандай янги маълумотларга эга бўлганликларини сўрайди ва „Билиб олдим“ устунига ёзади. Кейин учала устунни умумлаштириб, биргаликда хулоса қилинади.

72-савол: Ўйинли педагогик технологияларнинг моҳияти нимада?

Жавоб: Ўйинли педагогик технологиялардан фойдаланишининг асосий талабларини фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолият ташкил этади:

- ўйин меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади;
- ўйинли фаолиятнинг психологик механизmlари шахснинг ўзини намоён қилиш: ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларига таянади;
- ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишига йўналган вазиятларда фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

73-савол: Педагогик ўйинлардан намуналар келтириш мумкинми?

Жавоб: Дарсда ўқувчиларнинг ўқув меҳнати фаолиятини тиклаш, чарчогини ёзиш, кайфиятини кўтариш, дам олдириш учун турли педагогик ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

„БАЛИҚ ОВИ“

Ўқувчиларнинг ҳар бири кичик варақчаларга ўзларига қизиқарли бўлган биттадан савол ёзадилар. Уни бу клаб скрепка билан маҳкамлайдилар, ўқитувчи уни маҳсус қутига йигиб олади ҳамда саволларни алмаштириб юборади. Ўқувчилар магнит-қармоқ билан биттадан саволни тортиб, унга жавоб берадилар. Қармоқ — ипга боғланган магнит бўлиб, қоғозга қистирилган скрепка магнитга ёпишиб чиқади.

Шу тариқа гуруҳнинг барча аъзоларидан галма-гал ўзлари „Овлаган балиқ“ саволларга жавоб бериш талаб этилади. Савол-жавобнинг бу усули ўқувчилардаги қизиқишни оширади, тезкорликка ўргатади.

„МЕН КИММАН?“

Ўқувчининг ўзига кўрсатмай, машхур ижодкор, таниқли шахс ёки ўрганилаётган бирор орфограмманинг номи ёзилган қофоз қалпоқ бошига кийгизилади ва ўзининг кимлигини ёки нималигини топиш вазифаси топширилади. Ўқувчиларга 13 тагача савол бериш мумкин бўлган ҳолда бошида нима ёзилганини (яъни, ким эканлигини) топиши шарт ҳисобланади. Масалан, „От сўз туркуми“ ёзилган қофоз қалпоқ ўқувчига кўрсатилмай кийдирилади. У куйидаги саволларни беради, унинг ўртоқлари фақат „ҳа“ ёки „йўқ“ деб жавоб берадилар.

Ўқувчи:

1. Шахманми?
2. Фанга оидманми?
3. Тилшуносликка оидманми?
4. Лексикология бўлимига оидманми?
5. Морфология доирманми?
6. Мустақил сўз туркумиманми?
7. От сўз туркумиманми?

Ўқувчилар:

- | |
|-----|
| Йўқ |
| Ҳа |
| Ҳа |
| Йўқ |
| Ҳа |
| Ҳа |
| Ҳа |

Ўзининг кимлигини ёки нималигини топган ўқувчи голиб ҳисобланади.

„СЕН МЕНГА, МЕН СЕНГА“

Бу ўинин ўқувчидан зукколик, хушёрлик ва билимдонликни талаб қиласи ҳар бир тўртта ўқувчидан иборат бўлган гуруҳлар тузилади. Ўтилган дарс мавзуси бўйича биринчи гуруҳдаги ўқувчи иккинчи гуруҳдаги ўқувчига савол беради. Жавоб берилгач, савол бериш навбати иккинчи гуруҳдаги ўқувчида бўлади. Хаттахтада тўғри жавоблар балл билан белгилаб борилади.

74-савол: „Үқитиш технологиялари“ атамаси билан „Педагогик технологиялар“ атамасининг фарқи борми?

Жавоб: Ўқитиш технологиялари торроқ тушунча бўлиб, у кўпроқ таълим жараёни мақсадларини ўзида ифода этади. Биламизки, шахс, ўқувчи фаолияти фақат таълимий йўналишлардагина эмас, тарбиявий мақсадларни ҳам ўз ичига олади. Таълим-тарбия жараёни узвий ҳолатда намоён бўлади. Уларни бир-биридан ажратиб амалга ошириб бўлмайди. Таълим-тарбия — ягона яхлит педагогик жараён. Шахсни шакллантиришда фақатгина ўқитиш технологиялариданги на эмас, тарбия технологияларидан ҳам фойдаланилади, шу нуктаи назардан комил инсон, баркамол авлод шахсини шакллантиришта йўналтирилган технологияларни кенгроқ маънода „Педагогик технологиялар“ атамаси билан ифодалаш мақсадга мувофиқ.

75-савол: Педагогик технология, „бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик мудаффақиятларни кафолатлай оладиган... жараён“ (В.П. Беспалъко) деб таърифланади. Наҳотки, таълим жараёнида ўқитувчи маҳоратининг ўрни бўлмаса?

Жавоб: Таълимга технологик ёндашув тарафдорларининг фикрича, Инновацион таълим технологиясининг ўзига хос томонларидан бири — педагогик жараёнда таълим олувчилар фаоллигининг кескин ортиши, ва аксинча, таълим берувчи фаоллигининг сусайиши билан характерланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, ўқитишининг якуний натижаси дарс берувчининг педагогик маҳоратига унча боғлиқ бўлавермайди. Илмий жиҳатдан асосланган, мукаммал лойиҳаланган таълим технологиялари бўйича ҳар бир ўқитувчи „аъло“ бўлмаса-да, „яхши“ дарс бера олади, бир хил натижага эришаверади.

Юқоридаги фикрни эътиборга олган ҳолда, бутун педагогик жараённинг бошқарувчиси, ўқувчи билиш фаолиятининг ташкилотчиси, беминнат маслаҳатчиси, якуний ўқув натижасига эришишнинг йўлловчиси — ўқитувчи-устознинг педагогик фаолиятини Инновацион таълим технологиялари тизимида оддий кузатувчи сифатида қараш тўғри бўлармикан? Ўқитувчининг ижодий педагогик фаолияти инсон онги, хулқини шакллантиришга пировард натижа — баркамол инсонлар авлодини яратишга бўйсундирилган вазифаларни ижобий ҳал қилиш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай педагогик тизимда, хусусан, инновацион таълим технологиялари тизимида ўқитувчи-устоз педагогик фаолиятига эътиборсизлик, чеклаш, сусайтириш самарага олиб келмайди. Аксинча, ўқитувчи фаолияти қанчалик фаоллашса, таълим олувчиларнинг хатти-ҳаракатлари қанчалик ижодий, қизиқарли, истиқболли ташкил эта олинса, албатта, кўлланилаётган таълим технологияларининг самарадорлиги ортади, лойиҳалаштирилган ўқув мақсадлари

осонроқ амалга ошади, кутилаётган натижага тезроқ эришилади. Бу фикрдан келиб чиқиб:

- Инновацион таълим технологияси тизимида ўқитувчининг ўрни ва вазифалари аниқ белгиланиши зарур;
- таълим жараёнини технологиялаштирувчиси, ўкув мақсадларининг лойиҳаси, муллифи;
- ўқитувчи янги касбий лавозим — „ўқитувчи-технолог“, „педагог-технолог“ даражасига қўтарилиши керак;
- „ўқитувчи-технолог“ маҳсус билим, кўникма, малакаларга эга бўлиши керак;
- „ўқитувчи-технолог“нинг педагогик жамоа ўртасидаги нуфузи, салоҳияти ортирилиши, маънавий, моддий манфаатдорлигининг таъминланиши бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилган бўлиши зарур.

76-савол: „Ўқитувчи-технолог“ қандай билим, кўникма, малакаларга эга бўлиши керак?

Жавоб: Ўқитувчи-технолог:

- инновацион таълим технологияларини ўқитиш жараёнидаги ўрнини тўғри баҳолай олиши;
- инновацион таълим технологиялари ва унинг ривожланиши тарихи ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- таълим технологияларининг жараён сифатида босқичлари, унинг мазмуни, асосий элементлари, функционал структураси (тузилмаси)ни билиши;
- инновацион таълим технологияларининг турлари, қоидалари, принциплари ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- ўкув мақсадларини илмий, тўғри белгилай олиши, лойиҳалай олиши, ўқитишнинг технологик харитасини туза олиши;
- инновацион таълим технологияларини топшириқларга айлантира олиши, рейтинг тизимида баҳолай олиши;
- таълим олувчининг фаоллигини ошириш, унинг мустақил фаолиятини тўғри бошқара олиши;
- Инновацион таълим технологияларининг турларидан ўринли фойдалана олиши, уларни амалиётта бемалол қўллай олиши;
- ўқитиш жараёнининг мазмунли, қизиқарли, ижодий, самарали бўлиши учун таълимнинг интерфаол усуllibарини, ишчанлик йўналишидаги дидактик ўйинларни ўтказиш услубларини билиши;
- таълимнинг техник воситалари (компьютер, кодаскоп, видео, аудио курилмалари ва бошқа кўргазмали воситалар) дан бемалол фойдалана олиши;
- таълим олувчи билан самимий, ижодий, изланувчан, ўзаро хурмат мулоқотини ташкил эта олиши;

- таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасида вужудга келиб қолган „фавқулодда муаммоли вазият“дан „чиқиб кета олиш“ йўлларини билиши, унинг тўғри, қулай ечимини топа олиши;
- педагогик маҳорат қоидалари, тамойиллари, элементлари (педагогик такт, педагогик техника, педагогик интуиция, педагогик ижодкорлик, педагогик қобилият каби) ҳақида билим, мала-ка, қўникмалар шаклланган бўлиши;
- ўз фанининг илгор тарғиботчиси, фидойиси бўлиши, унинг асосларини чуқур эгаллаши, илмий салоҳиятга, маънавий барка-молликка эга бўлиши керак.

77-савол: Ўқувчининг ўқищдаги муваффақиятлари нималарга боғлиқ?

Жавоб: Педагог, психологларнинг ҳисоблашларича, ўқувчининг ўқищдаги муваффақияти шартли равишда қўйидагиларга боғлиқ бўлади:

1. 50% муваффақият ақл-идрок, хотира, диққат каби ўқувчининг барқарор индивидуал хусусиятларига.
2. 25% муваффақият ўқувчининг ўқиш мотивациясига (интилиш, истак, хоҳиш, мақсадига).
- 3.25% ўқитиш сифатига.

78-савол: „Жамиятни педагоглаштириш“ тушунчаси мавжуд. Унинг зарурияти борми?

Жавоб: Жамият ҳар бир фуқаросининг шахс таълим-тарбияси билан шугуланиши объектив заруриятдир. Қандай касб эгаси бўлишдан қатъий назар, у ўзи, ота-онаси, фарзандлари, боласи жамоасининг тарбияси учун масъулдир. Бу дегани таълим-тарбия билан шугулланмайдиган жамият аъзосининг ўзи йўқ. Таълим-тарбиянинг самарадорлигидан ҳар бир фуқаро манфаатдор. Шундай экан, жамиятни педагоглаштириш жараёни эҳтиёж сифатида майдонга чиқаверади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда жамиятни педагоглаштириш ижтимоий буюртма сифатида жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

79-савол: Педагогик технологияларнинг методологик асосларидан булган „Таълим тўғрисида“ги Қонун ва „Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури“ қачон қабул қилинди?

Жавоб: Ўзбекистан Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги Қонуни, „Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури“ республика Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида қабул қилинди. Дунё ҳамжамиятияда кадрлар тайёрлашнинг ўзбек Модели, деб тан олинган бу хужжатлар мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилишга асос солди.

80-савол: Республикада кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилишга қандай объектив зарурият туғилди?

Жавоб: Ўзбекистан ўз мустақиллигига эришгач, кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини илоҳ қилишга зарурият туғилди. Жамиятда янги объектив қонуниятлар майдонга чиқди, янгиланган муҳит, тарихий шарт-шароитлар, омиллар вужудга келди.

Бу омиллар қуйидагилардан иборат эди:

- республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

- мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаяётганлиги;

- давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шакланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканизнинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги. Шу билан бир каторда, кадрлар тайёрлашда, таълим амалиётида жиддий камчиликлар сезилиб қолди ва муаммолар вужудга келди. Жумладан, мазкур йўналишнинг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ҳамда ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги каби муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун ҳам таълим тизимини, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан илоҳ қилиш зарурияти туғилди.

81-савол: Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги Конуни (1997 йил) нечта бўлим ва моддадан иборат?

Жавоб: „Таълим тўғрисида“ги Конун (1997 йил) 5 та бўлим ва 34 та моддадан иборат.

82-савол: Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қайслар?

Жавоб: Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчилиги;
- умумий ўрга, шунингдек, ўрта маҳсус қасб-хунар таълиминг мажбурийлиги;
- ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки қасб-хунар коллежида ўқиши танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ва тадбиқ этишга табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириши.

83-савол: Ўзбекистонда таълим тизими нималарни ўз ичига олади?

Жавоб: Ўзбекистан Республикасининг таълим тизими қуидагиларни ўз ичига олади::

- Давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

84-савол: Республикада таълим қайси турларда амалга оширилади?

Жавоб: Республикада таълим қуидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрга таълим;
- ўрта маҳсус қасб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

85-савол: Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими тўғрисидаги Низом қачон қабул қилинган?

Жавоб: Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-қарори билан „Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими тўғрисида“ги Низоми қабул қилинган.

86-савол: Касб-хунар таълимининг мақсади нимани назарда туади?

Жавоб: Касб-хунар бўйича чукурлаштирилган, табақалаштирилган таълим бериш, ўкувчиларнинг интеллектуал ривожланиши ва уларнинг ўз қобилиятлари ва майилликларига мувофиқ танланган касб-хунар бўйича мутахассисликларни эгаллашини таъминлаш ўрта маҳсус касб-хунар таълимининг мақсади ҳисобланади.

87-савол: Касб-хунар таълимининг вазифаларига нималар киради?

Жавоб: Касб-хунар таълими вазифаларига қўйидагилар киради:

- Давлат таълим стандартлари доирасида умумтаълим ва касб-хунар дастурларини бажариш;
- ўкувчиларнинг узлуксиз таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириши, танланган мутахассисликлар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун зарур ва етарли бўлган билимлар ҳамда касб тайёргарлиги даражасини чукурлаштириш;
- республика иқтисодиётининг малакали кичик мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш.

88-савол: Академик лицейлар қандай маълумот беради?

Жавоб: Академик лицей — ўқитиш муддати уч йил, давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус маълумот беради, ўкувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда уларни жадал ўқитишни таъминлайди.

Академик лицейларда ўкувчилар ўқишни олий таълим муассасида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқариш мақсадида билимлар даражасини оширишни ва маҳсус, касб-хунар кўникмаларини шакллантиришни таъминлайдиган ўқиш йўналишини (таълим фанлари ва курсларини пухта ўзлаштириш соҳаси: гуманитар, табиий илмий) ихтиёрий равища танлайдилар.

Академик лицейлар, қоидага кўра, олий таълим муассасалари хузурида ташкил этилади, уларнинг ўзаро муносабатлари уларнинг уставлари ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар билан тартибга солиб борилади.

89-савол: Касб-хунар коллежи қандай маълумот беради?

Жавоб: Касб-хунар коллежи — ўқитиш муддати уч йил, давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунар маълумоти беради, ўкувчиларнинг касб-хунар лаёқатини, кўникма ва ўкувчиларни ривожлантиришни, уларнинг танланган касб-хунар бўйича бир ёки бир нечта мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди.

Касб-хунар коллежларида касбга ўқитиш йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ўрта маҳсус касб-хунар таълими йўналишлари ва мутахассислик-

лари классификацияси қаторига мувофиқ, республика ҳудудлари-ни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, шунингдек, меҳнат бозорининг кичик мутахассисларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Касб-хунар коллежини тутатганлик тўғрисидаги диплом олинган мутахассисликка мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳамда олий таълим муассасига ўқишга кириш хуқуқини беради.

90-савол: Ўзбекистонда „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“-нинг мақсади нима?

Жавоб: „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“нинг бош мақсади — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкураий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишdir.

91-савол: Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий вазифалари қайслар?

Жавоб: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қўйидаги вазифаларни ҳал этишини кўзда тутади:

1. „Таълим тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўкув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш.

2. Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик хуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш.

3. Кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш.

4. Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иктиносий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқдаридан келиб чиққан ҳолда қайта куриш.

5. Таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубарини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

6. Таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш.

7. Янги ижтимоий-иктиносий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг

амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш.

8. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиши.

9. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиши ва амалиётта жорий этиши.

10. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

92-савол: Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг таркибий қисмлари қайслар?

Жавоб: Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг асосий таркибий қисмлари кўйидагилардан иборат:

- шахс;
- давлат ва жамият;
- узлуксиз таълим;
- фан;
- ишлаб чиқариш.

93-савол: Кадрлар тайёрлашнинг Миллий моделида шахс қандай ўрин тутади?

Жавоб: Шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида ўринга эга.

94-савол: Кадрлар тайёрлаш тизимида давлат ва жамиятнинг роли қандай?

Жавоб: Давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаши ҳамда уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари ҳисобланади.

95-савол: Узлуксиз таълим нималарни ўз ичига олади?

Жавоб: Узлуксиз таълим — малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиши муҳитини ўз ичига олади.

96-савол: Малакали мутахассислар тайёрлашда фанинг роли қандай?

Жавоб: Фан — юқори малакали мутахассислар тайёрловчى ва улардан фойдаланувчи, илфор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чикувчи сифатида хизмат күрсатади.

97-савол: Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш қандай ўрин тутади?

Жавоб: Ишлаб чиқариш — кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифатида ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси сифатида ўрин тутади.

98-савол: Кадрлар тайёрлаш тизими қандай йўналишларда амалга оширилайти?

Жавоб: Республикада кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш қуйидаги 15 та устувор йўналишларда амалга оширилайти:

- таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- педагогик ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;
- маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар;
- иқтидорли болалар ва истеъододли ёшларни тарбиялаш;
- таълим тизимини бошқариш;
- касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш;
- таълим тизимини молиялаш;
- моддий-техника таъминоти;
- таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш;
- таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш;
- таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-кувватлаш;
- фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

99-савол: Кўп ўринларда „Комил инсонни тарбиялаймиз“ деймиз-у, унинг мазмунини ифода этишда қийналамиз. „Комил инсон“ тушунчаси қандай тушунча?

Жавоб: Кишилик жамияти яралибдики, комил инсон орзузи вужудга келган, унинг шахсини шакллантиришта ҳаракат қилинган, жамиятнинг устувор йўналиши олий мақсадгә айланган. Шарқда комил инсон — жамики руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган инсон тимсоли, айни

замонда жамият тараққиётида юксак чўқкиларга интилиб, муайян мартабаларга эришган, шафқат ва мурувват, олий инсоний туйгулар соҳиби бўлган фозил киши ҳисобланган.

Ўзбек халқи ўз маданияти ва маънавиятида комил инсонларни вояга етказишга катта эътибор берган. Ақл-заковатда, қомусий билимда ва қобилиятда мукаммал камолотга эришган Аз-Замахшарий, Абу Райхон Беруний, Ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий каби комил инсонлар етишиб чиқди ва бутун оламга танилдилар.

Комил инсон тимсоли фақат Шарқдагана эмас, Фарбда ҳам орзуланади. Фарбда Комил инсонни „Супермен“, яъни аъло қудратли, буюк одам деб атайдилар.

Жамият тараққий этиб бориши билан унинг мақсадларига муштарак ҳолда Комил инсоннинг нишонлари, тимсоллари бойиб, такомиллашиб, чархланиб бораверади. Бугун биз, Комил инсон деганда мустахкам билим, яхши ахлоқ, маънавий етуклик билан бирга, фуқаролик жамиятида яшаш талаблари, мустақиликни англаш ва уни ҳимоя қила олиш қобилиятларини эгаллаган инсонни англаймиз. Комил инсон тушунчаси олдимизда турган вазифалар, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш, озод ва обод Ватан учун фидоий фарзанд бўлиш тушунчаси билан боғланиб кетади.

Комил инсон тушунчаси кенг қамровли, серқирра, мураккаб, уни бир сўз билан ифодалаш анча мушкул.

Комил инсон тушунчасига қисқа, лўнда, аниқ ва тушунарли жавобни Президентимиз асарларидан топишимиз мумкин: „Комил инсон деганда, биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз“ (И.А. Каримов, Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, Т., 2000 й., „Ўзбекистон“, 7-том, 134-бет).

100-савол: Комил инсон шахсида қандай сифатлар, хислатлар шаклланган бўлиши керак?

Жавоб: Инсон комилликка интилиб яшайди. Муттасил камолотга интилиш — тараққиёт боисидир. Бу жараёнда нуқсон, хатолик, камчиликларга ҳам йўл қўйиш мумкин, аммо уларни тушуниб, ўз вақтида тузатиб, такрор этмасликка ҳаракат қилган киши баркамол инсондир. Комил инсон шахсида шаклланиши керак бўлган сифатлар, хислатларни бирма-бир санаб кўрсатиш ўта мушкул иш. Шу даражада кўп қирралики, улар инсоният орзулари, умидлари, идеаллари, истиқболлари билан боғлиқ. Лекин мазкур сифат ва хислатларнинг баъзиларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Комил инсон шахсида, энг аввало, ақлий зукколик, ҳуқуқий комиллик, ахлоқий етуклик, сиёсий теранлик, меҳнатга ҳалол

муносабат, юқори маданият, маънавий савия, юксак ифтихор, миллий ва умуминсоний фурур шаклланган бўлиши керак.

Жамиятда, жамоада, оиласда ўз ўрнини топган, унинг ривожида фаол иштирок этадиган, ижтимоий сиёсий қонуниятларни яхши билган, миллий ўзликни англаган, ўзбекона қадриятлар, урфодатларни эъзозлайдиган, касби бўйича замонавий технологиялардан хабардор, тадбиркор, билимдон бўлиши керак.

Ўзбек педагог олимларимиз комил инсоннинг шарқона хислатларини туркумлаб, фаолиятининг зарурий йўналишлари бўйича белгилашга ҳаракат килгандар. Жумладан:

1. Умумий хислатлари:

— ёқимлилик, жозибадорлик, дилбарлик, кўркамлик, мафтункорлик, фусункорлик, салобатлилик, ҳурматга сазоворлик, ойдинлик, очиқлик, етуклик, иқтидорлилик, салоҳиятлилик, кўтаринкилик, жўшқинлик, жиддийлик, мослашувланлик, зиёлилик, саводхонлилик, табиийлик, оддийлик каби;

2. Аҳлоқий сифатлари:

— одамийлик, қаноатлилик, жонкуярлик, меҳрибонлик, раҳмдиллик, ҳикматлилик, болажонлик, мулоимлик, хушмуомалалик, дўстлик, самимийлик, кечиримлилик, андишалик, меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўғрилик, диёнатлилик, покизалик каби;

3. Ишбилармонлик хислатлари:

— қунтлилик, тиришқоклик, жавобгарлик, масъулиятлилик, ракобатлилик, ишчанлик, малакалик, абжирлик, сарангжом-саришталик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, сабр-тоқатлилик, режалилик, тежамкорлик, ҳомийлик, инсофлилик каби;

4. Заковатлилик хислатлари:

— зеҳнлилик, зийраклик, заковатлилик, теран фикрлилик, асослилик, олдиндан айтиб бера олишилик, ижодкорлик, танқидийлик, омилкорлик, қизиқувчанлик, ишқибозлилик, синчковлик, топқурлик каби;

5. Иродалилик хислатлари:

— сергайратлилик, қатъиятлилик, эпчиллик, серзавқлик, интизомлилик, босиқлик, мебёрий чегарани билишилик, ўзини йўқотмаслик каби;

6. Эҳтирослилик хислатлари:

— шодмонлик, қувноклик, ўз ҳаётидан розилик, баҳтиёрлик, ҳазил-мутойибалик, кек сақламаслик, озодалик, нозик табиатлилик, эзгулик, келажакка ишонч, иффатлилик каби.

Комил инсонни тарбиялаш — оиласаримизнинг, таълим-тарбия муассасаларимизнинг, умуман, давлатимизнинг, жамиятимизнинг, мустақил Ўзбекистонимизнинг олий мақсадидир.

101-савол: Таълим ислоҳотларини амалга ошириш натижасида ҳаётимизда ижобий маънодаги „портлаш эффиқти“ содир бўлади, деб айтиляпти. Бу нима дегани?


Жавоб: „Ишончим комил: агар ислоҳотни мувваффақиятли равиша амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимиизда ижобий маънодаги „портлаш эфекти“га, яъни унинг самарасига эришамиз“ (И.А. Каримов, Жамиятимиз мафкураси ҳалқни ҳалқ, миллатни миллат қилишта хизмат этсин, „Тафаккур“ жур., 1998 й, 2-сон).

Бу дегани ислоҳотлар:

- ижтимоий-сиёсий иқклимга ижобий таъсир қиласиди ва натижада мамлакатдаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгариади;
- инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишга олиб келади;
- жамиятимизнинг потенциал кучларини рӯёбга чиқаришда жуда катта аҳамият қасб этади;
- фуқаролик жамияти қуришни таъминлайди;
- таълимнинг янги модели воситасида дунёдан муносаб ўрин олишга, ўзбек номини янада кент тараннум этишга эришилади.

**„ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АСОСЛАРИ“НИ ЎРГАНИШ БҮЙИЧА ЧИЗМАЛАР
ВА ЖАДВАЛЛАР**

**Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлашнинг Миллий модели
Ўзбекистон таълим турлари**




Шахс тузилмасининг таркибий қисмлари




Интер индивид — индивиднинг ички кичик тизими;
Интера индивид — шаслараро муносабатлар тизими;
Мета индивид — бошқа одамларни гаваланиш тизими;

Шахс билиш жараёнининг категориялари



Таълим-тарбия тизимининг таркиби



Технология — (грекча) — *texnos* — санъат, маҳорат, хунар, *logos* — имот, фан йўналиш маъноларини англатади.

Технология ишлаб чиқаришда янги сифат ва миқдор ўзгаришарига олиб келувчи самарали усуслар маъносида қўлланилади.

Инновацион технологиилар — Инновация — (юононча) — *Inos* — оид, тааалукли ва русча „новый“ — янги, янгича маъноларини англатади.

„Инновацион технологиялар“ атамасини ишлаб чиқаришга янги, янгича, янгитдан киритилатган усуллар деб тушунилади.


„Педагогик технологиялар“ (ёки қисқача ПТ)

ПТ — „Үқитувчи (тарбиячи) нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талабалар) га муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва акс таъсири маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатладиган жараёндир. (Н. Саидаҳмедов).

ПТ — „Таълим мақсадларига ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равишида ривожлантириш тизими лойиҳасидир“ (Н. Азизхўжаева).

ПТ — „Таълим шаклларини оптималлаштириш вазифаларини ўз одига қўйган техник ва инсон имкониятларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва билимларини ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш, аниқлашларининг тизимиий усулларидир“. (Юнеско)

Педагогик технологияларнинг ривожланиши тариҳининг босқичлари



Педтехнологиялар тарихида муҳим саналар

1930 йил — Илмий адабиётларда, ўқитиш амалиётида “Педагогик техника” тушунчаси қўлланила бошланди.

1946 йил — АҚШнинг Индиана штатидаги Университетида аудиовизуал таълим жорий этилди (муаллифи Л. Ларсон).

1954 йил — Дастурли ўқитиш режасига асос солинди (АҚШ, муаллиф Б. Скиннер).

1961 йил — Жанубий Калифорния Университетида „Ўқитушнинг технологик бўлими“ очилди (раҳбари Д.Фини).

1968 йил -Дастули таълимнинг компьютер тили (ЛОГО) яратилди, (АҚШ, Массачусетс технология институти, муаллифи С. Пейперт).

1976 йил — Биринчи шахсий компьютер „ЭППА“ яратилди (муаллифлари С. Жоббес, С.Уозник).

1981 йил — Дисплей синфларида ўкув мақсадлари дастурли техник воситалар ёрдамида ўқитишга кенг ҳаракатлар бошланди.

XX аср охири XXI аср бошлари — Педагогик технологиялар махсус тадқиқотлар йўли билан ўранила бошланди, уларнинг назарий ва амалий асослари яратилди.

Инновацион педагогик технологияларнинг назарий асослари



Инновацион педагогик технологиялар тузилмаси




**Тәрбиимни технологиялаштырип жарасыннинг
тарбийи кисмлари**

Технологик жарасын

Коррекцион ишлар


106



Инновацион педагогик технологияларнинг түрлари.


Педагогик
технологиялар

107



**Инновацион педагогик технологияларниң йұнанышларынн
түркүмләш (Г. Селевко бүйіч)**

**Инновацион педагогик технологияларниң сатхары
(даражалари).**



Инновацион педагогик технологияларниң аспекттери.


Илмий аспекттер — талым араёниның максады, мазмұны, усулдариниң илмий жиһадын лойкілап.

Тәсілдік аспекттер — нағызда араёниның мазмұны, усулдари тарыбениң ишлаб чыкыши, бу жағдайның тәсілдеріндең іпотекалашы;

Амалдық аспекттер — педагогик технологияларниң амалеттегі табиғаты.

108

**Инновацион педагогик технологияларниң
методологиялық аспослары**



109

**Инновацион педагогик технологияларнинг
педагогик асослари.**




Инновацион педагогик технологияларнинг психологик асослари.




Ўқув мақсадларининг таксономияси.



Инновацион педагогик технологияларнинг асосий принциплари.




Педагогик ўйинлар таснифи




«Кластер» усулининг намунаси

114



Ўзлаштирилиниг рейтинг тизими жосишли назорати ва баҳолани



一
五

Машгулот технологик картасининг намунаси

Фан: Биология

Мавзу: Ҳужайра

| Машгулотнинг босқичари | | Машгулотнинг мазмуни | Таълим технологияси элементлари | | |
|------------------------|----|--|---------------------------------|----------|-----------------------------------|
| | | | Усул | Шакл | Восита |
| Кириш | 5 | Ўқув хонасининг тозалигини назорат қилиш | Суҳбат | Жамоа | Доска, бўр |
| | 10 | „Биология фани ривожланишига ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг асосий тадқиқот методлари“ мавзусини „Бахти тасодиф“ усули асосида сўраш | Ақлий хужум | Индуктив | Саволли карточкалар |
| | 5 | Ўтилган мавзуни хуносалаш. Ўқитувчи ўқувчилар билан биралиқда ўтилган мавзу юзасидан хуноса чиқаради. | Суҳбат | Жамоа | |
| | 20 | „Ҳуайра хақида умумий тушунча. Унинг хилма хиллиги ва таркибий қисмлари“ мавзусини ўқитувчи плакат, расмлар, таблица, диафильмлардан фойдаланиб тушунтиради. | Маъруза | Жамоа | Доска, таблица, плакат, микроскоп |
| | 20 | Дарсни мустаҳкамлаш. „Биламан. Билишни ҳоҳлайман. Билиб олдим“ усул асосида дарсни ташкил этиш | Интерфаол | Жамоа | Доска, бўр |
| | 10 | Ўқувчилар билимини чархлаш. Бошқотирмана ва ақл чархи ўйинни усули. | Ўйинли | Индуктив | Доска, бошқотирмали плакат |

| | | | | | |
|-----------------|----|--|----------|-------|--|
| Якуний қисем | 10 | Үқитуучи бажарылған иншарни баҳолайтын ва умумлантирауди. Фаол үқүвчиларни рағбатлантирауди, үтилған машгулот бүйича үқувчиларни фикр мұлоҳазаларини тинглайди. Уйга топшириқ беради. | Мұхокама | Жамоа | |
|-----------------|----|--|----------|-------|--|

**„ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АСОСЛАРИ“ БҮЙИЧА ЎЗЛАШТИРИЛГАН БИЛИМЛАРИНИ
СИНАБ КЎРИШ УЧУН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИДАН
НАМУНАЛАР**

2- ИЛОВА

1. Инноватцион педагогик технологияларнинг илмий мактабларини яратган ўзбек олимлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. Ҳошимов, Р. Мавлонова.
- B. У. Нишоналиев, Н.Саидаҳмедов.
- C. К. Баратов, Э. Чориев.
- D. Р. Мавлонов. Р. Пулатова.
- E. С Долимов. З. Асқаров.

2. „Ўқитиши технологияси“ тушунчаси фанга биринчи бор ким гомонидан киритилган?

- A. Б.Блум
- B. Б.Скиннер.
- C. Д.Финч.
- D. Н.Кратвал.
- E. М.Кларин,

3. Таълимга технологик ёндашув қачон пайдо бўлгаи?

- A. XX аср бошларида.
- B. XX аср 30-йиларида.
- C. XX аср 40-йилларида.
- D. XX аср 50- йилларида.
- E. XX аср 90- йилларида.

4. Кадрлар тайёрлаш миллий молелиининг таркибий қисмлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. Шахс, жамият. иқтисодиёт.
- B. Узлуксиз таълим, шахс, тарбия.
- C. Ишлаб чиқариш, таълим. тарбия.
- D. Фан. жамияг, шахс.
- E. Шахс, таълим, тарбия.

5. „Таълим тўғрисида“ги Қонун (1997) нинг неchanчи бўлимида „Таълим турлари“ ифодаланган?

- A. 1-бўлимида.
- B. 2-бўлимида.
- C. 3-бўлимида.
- D. 4-бўлимида.
- E. 5-бўлимида.

6. Педагогик технологияларнинг тузилмасини белгиланин.

- A. Концептуал, мазмунли жириётли.
- B. Технологик жараёни, илмин, патрий.
- C. Яхлит мазмунли концептуал асосли, воситали.
- D. Воситали, техник қурилмали, мазмунли.
- E. Усулли, шаклли, воситали.

7. „Технология“ тушунчаси қайси тилдан олинган?

- A. Инглизчадан.
- B. Немисчадан.
- C. Арабчадан.
- D. Грекчадан.
- E. Русчадан.

8. Грекча „Технос“ сўзининг Лугавий маъноси ...

- A. Мадаиият.
- B. Санъат.
- C. Театр.
- D. Маориф.
- E. Ишлаб чиқариш.

9. „Дастурли ўқитиш“ режасига асос солган олимнинг номини белгиланг.

- A. Б. Блум.
- B. Н. Кратвал.
- C. Л. Бриг.
- D. Б. Скиннер.
- E. Р. Ганье.

10. Педагогик технологияларнинг ривожланиш тарихини неча босқичга бўлиб ўрганилади?

- A. 2 босқичга.
- B. 3 босқичга.
- C. 4 босқичга.
- D. 5 босқичга.
- E. 6 босқичга.

11. „Инсерт“ усулида ўқиш —

- A. Туркумлаб ўқиш.
- B. Белги қўйиб ўқиш.
- C. Бўлимларга бўлиб ўқиш.
- D. Бош фояни топиб ўқиш.
- E. Бобларга бўлиб ўқиш.

12. Сниквейн усулининг маъноси қандай тушунча?

- A. Французчадан, 2 қаторли тушунча.
- B. Французчадан, 3 қаторли тушунча.
- C. Французчадан, 4 қаторли тушунча.
- D. Французчадан, 5 қаторли тушунча.
- E. Французчадан, 6 қаторли тушунча.

13. Ўқувчи билими тест синови орқали ким томонидан биринчи маротаба текширилган?

- A. Ф.Гамельтон, 1870 йили.
- B. Г. Пестолоций, 1822 йили.
- C. Ч. Грин, 1920 йили.
- D. Ж. Фишер, 1864 йили.
- E. Б. Скиннер, 1958 йили.

14. „Кластер“ усули қандай мазмунни билдиради?

- A. Тушунчаларни тартиблашни.
- B. Тушунчаларни торайтиришни.
- C. Тушунчаларни изоҳлашни.
- D. Тушунчаларни ифодалашни.
- E. Тушунчаларни тармоқлашни.

15. „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ (1997) нечта бўлимдан иборат?

- A. 4 бўлимдан.
- B. 5 бўлимдан.
- C. 6 бўлимдан.
- D. 7 бўлимдан.
- E. 8 бўлимдан.

16. Педагогик технологияларнинг назарий асосларини кўрсатинг.

- A) Илмий, амалий, назарий.
- Б) Методик, дидактик, технологик.
- В) Методологик, педагогик, психологик.
- Г) Дидактик, методик, педагогик.
- Д) Фалсафий, амалий, назарий.

17. „Педагогик технологиялар тамойиллари“ деганда нимани тушунасиз?

- A. Ўқув мақсадларини амалга оширишнинг мазмуни, шакли, воситаларини.
- В. Меъёрлари, талаблари, қоидаларини.
- С. Шакли, тартиби, қоидасини.
- D. Мақсади, вазифалари, қонуниятларини.
- E. Усуллари, шакллари, воситаларини.

18. Дастурли таълимнинг компьютер тили (ЛОГО) қачон ва қайси мамлакатда ишлаб чиқилган?

- A. 1961 йил, Англияда.
- B. 1968 йил, АҚШда.
- C. 1976 йил, Россияда.
- D. 1985 йил, Италияда.
- E. 1990 йил, Японияда.

19. Г.К.Селевко „Таълимнинг замонавий технологиялари“ (М 1998 й.) китобида педагогик технологияларни нечта йуналишда туркумлашни тавсия этади?

- A. 10 йуналишда
- B. 12 йуналишда
- C. 14 йуналишда
- D. 16 йуналишда
- E. 18 йуналишда

20. ЮНЕСКО ташкилотининг „Педагогик технологиялар“ бюллетени нечанчи йилдан бўён чиқарилиб келинмоқда?

- A. 1961 йилдан
- B. 1971 йилдан
- C. 1981 йилдан
- D. 1991 йилдан
- E. 1996 йилдан

21. Педагогик технологияларнинг асосий принципларини белтиланг?

- A. Тушунарлилик, илмийлик
- B. Кўргазмалилик, онглилик
- C. Лойиҳалашлик, ўзлаштиришни белгилашлилик
- D. Лойиҳалашлик, кафолатлашлик
- E. Илмийлик, кўргазмалилик

22. „Инновацион техноологияр“ тушунчаси қандай маънони англатади?

- A. Замонавий усуllар
- B. Илгор тажрибалар
- C. Янгича усуllар
- D. Ноананавий усуllар

23. Педагогик технологияларнинг аспектларини қўрсатинг?

- A. Назарӣ усубий, модулли
- B. Амалий, назарӣ, сиёсий
- C. Илмий, амалий, тавсифий.

- D. Концептуал, услубий, ўйинли.
- E. Илмий, модулли, ўйинли.

24. Таълим амалиётига нисбатан педагогик технологияларнинг 3 сатҳи (даражаси) қайси?

- A. Умумпедагик, хусусий методик, локал(модул) технология.
- B. Локал(модул), интерактивли, ривожлантирувчи технология.
- C. Услубий, амалий, назарий технологиилар.
- D. Локал(модул), ахборотли, дастурли технологиилар.
- E. Компьютерли, дастурли, режали.

25. Таълим амалиётида умумпедагик технологиялар нимани ифода этади?

- A. Тарбия жараёнини ифодалайди.
- B. Яхлит таълим жараёнини ифодалайди.
- C. Дарс жараёнини ифодалайди.
- D. Ривожлантирувчи таълим жараёнини ифодалайди.
- E. Ўқитиш технологиясини ифодалайди.

26. Локал (модул) технологиялар нимани ифода этади?

- A. Фан бўйича технологияларни татбиқ қилинишни ифода этади.
- B. Яхлит ўқитиш жараёни бўйича технологияларни жорий этишни ифода этади.
- C. Махсус бўлимларга технологияларни татбиқ қилишни ифода этади.
- D. Фанлараро ўқишига технологияларни жорий этишни ифода этади.
- E. Бир мавзуга технологияларни жорий қилишни ифода этади.

27. Хусусий методик технологиялар нимани ифода этади?

- A. Бир фан доирасидаги таълим жараёнини ифодалайди.
- B. Бир неча фанлар доирасидаги ўқитиш жараёнини ифодалайди.
- C. Мавзу бўйича ўқитиш жараёнини ифодалайди.
- D. 1 соатлик машғулот бўйича ўтказилган жараённи ифодалайди.
- E. Ўқув йили бўйича ташкил этилган таълим жараёнини ифодалайди.

28. Б. Блумнинг 1956 йилда чоп этилган „Таксономия“ китобида ўқитиш мақсадларининг қайси соҳаси ифодаланган?

- A. Когнитив (билишга оид) соҳаси ифодаланган.
- B. Аффектив (ҳиссиятли) соҳаси ифодаланган.

- C. Психомотор (ҳаракатли) соҳаси ифодаланган.
 D. Ривожлантирувчи соҳаси ифодаланган.
 E. Ўзлаштириш соҳаси ифодаланган.

29. Педагогик мақсадлар таксономиясининг мазмуни таълим-тарбия мақсадларини...

- A. Соддадан мураккабга қараб туркумлашни белгилайди.
 B. Мураккабдан соддага қараб туркумлашни белгилайди.
 C. Кетма-кет жойлаб туркумлашни белгилайди.
 D. Аралаш ҳолда туркумлашни белгилайди.
 E. Мазмунига қараб туркумлашни белгилайди.

30. „Инновацион педагогик технологиялар“ қайси фанлар туркумига киради?

- A. Психологик фанлар туркумига киради.
 B. Педагогик фанлар туркумига киради.
 C. Ижтимоий фанлар туркумига киради.
 D. Техник фанлар туркумига киради.
 E. Муҳандислик фанлари туркумига киради.

ТҮФРИ ЖАВОБЛАР КАЛИТИ

| | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| C | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| Ж | B | C | B | D | B | A | D | B | D | C | B | D | D | E | B |
| C | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| Ж | C | B | B | B | B | D | C | C | A | B | C | A | A | C | B |

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов, „Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори“ Т. „Шарқ“ нашриёт-матбаа концерни, Тошкент, 1997 йил.
2. И.А.Каримов, „Ўзбекистоннинг Ўз истиқлол ва тараққиёт йўли“ Т. „Ўзбекистон“ 1992 йил.
3. И.А.Каримов, „Биз келажагимизни Ўз қўлимиз билан қурамиз“ 7-том, Т. „Ўзбекистон“ 1998 йил.
4. И.А.Каримов, „Жамиятимиз мағкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилин“ Тошкент. „Ўзбекистон“ 1998 йил.
5. И.А.Каримов, „Ўзбекистон XXI асарга интилмоқа“ Президентнинг Олий мажлис Биринчи Чақириқ 14- сессиясидаги маърузаси 1999 йил 14 апрель Тошкент, „Ўзбекистон“ — 1999 йил.
6. И.А.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг йигилишида 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳақида қилинган маъруза. Тошкент, февраль 2007 йил.
7. И.А.Каримов, „Юксак маънавият — енгилмас куч“, Тошкент, „Маънавият“ — 2008 йил.
8. 2004-2009 йиларидаги мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий дастури тўғрисидаги Президент Фармони. Тошкент 2004 йил, 21-май.
9. „Баркамол авлод орзузи“ Тошкент, „Шарқ“ — 1999 йил.
10. В.П.Беспалько, „Слагаемые педагогической технологии“ — Москва, „Педагогика“ — 1989 год.
11. В.П.Беспалько, „Педагогика и прогрессивные технологии обучения“ — Москва, 1995 год.
12. М.Вортчаймер, „Продуктивное мышление“, Москва, „Прогресс“ 1987 год.
13. В. Груздев, „От методик к образовательной технологии“, М., журнал „Народные образования“, 1998 год.
14. А.Н.Дахин, „Педагогический мониторинг — концепция и применение“ М., „Школьная технология“. №3\ 1997 год.
15. Ж. Ф. Йўлдошев, „Янги педагогик технология йўналишлари, муаммолари, ечимлари“. „Халқ таълими“ журнали, Т., №4 1999 йил.
16. М.В.Кларин, Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. Москва, „Знание“, 1998 год.
17. Р.К.Маркварт, „Развивающаяся система подготовки специалистов“, М. 1981 год.
18. Г.С.Назарова, Педагогические технологии — этап эволюции., Журнал „Педагогика“, №3 1997 год.

19. М.Кларк, Технология образования или педагогическая технология. М., Журнал „Перспективы“ №2 1983 год.
20. Н.В.Кузмина, Метод системного педагогического исследования: учебное пособие, Ленинград, издательство ЛГУ, 1980 год.
21. И.Я. Лернер, Внимание технологии обучения. М., журнал „Советская педагогика“ №3 1990 год.
22. В.М. Монахов, Аксиоматический подход к проектированию педагогической технологии. Журнал „Педагогика“ №6 1997 год.
23. В. Сластенин, Доминанта деятельности. Журнал „Педагогика“ №9 1997 год.
24. Н. Саидаҳмедов, „Янги педагогик технологиялар“ Тошкент. 2003 йил.
25. Г.К.Селевко, „Современные образовательные технологии“ Москва, 1998 год.
26. Б.Л.Фарбермен, „Илғор педагогик технологиялар“ Т. 2000 йил.
27. Н.Ф.Тализина, „Технология обучения и её места в педагогической теории“ журнал „Современная высшая школа“, Варшава, №1 1977 год.
28. К. Ишматов, „Илғор педагогик технологиялар“, Наманган, 2000 йил.
29. Р. Мавлонова, „Педагогика“ Тошкент, 2000 йил.
30. К. Хошимов, „Педагогика тарихи“ Т, 2005 йил.
31. М. Камолдинов, Б.Вахобжонов „Инновацион педагогик технологиялар“, Тошкент, 2006 йил.
32. М. Камолдинов, Б.Вахобжонов „Инновацион педагогик технологиялар асослари, 101 саволга 101 жавоб“, Тошкент, 2007 йил.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I БОБ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

| | |
|---|----|
| 1- §. Педагогик технология тушунчаси | 6 |
| 2- §. Инновацион педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш тарихидан | 11 |
| 3- §. Инновацион педагогик технологияларнинг асосий принцип ва қоидалари | 14 |

II БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ

| | |
|--|-----|
| 1- §. Дидактик жараён тузилмаси ҳақида тушунча | 19 |
| 2- §. Ўқув мақсадларни технологик усулда лойиҳалаш | 24 |
| 3- §. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини топшириқларга айлантириш | 35 |
| 4- §. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларига эришганликни баҳолаш | 43 |
| 5- §. Ўқитиш жараёнида таълим технологияларидан фойдаланиш | 46 |
| Инновацион педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари | 61 |
| „Инновацион педагогик технологиялар асослари“ни ўрганиш бўйича чизмалар ва жадваллар | 101 |
| „Инновацион педагогик технологиялар асослари“ бўйича ўзлаштирилган билимларини синаб кўриш учун тест топшириқларидан намуналар | 118 |
| Тўғри жавоблар қалити | 123 |
| Фойдаланилган адабиётлар | 124 |

*Маҳмуджон Камолдинов,
Болтабой Вахобжонов*

**ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯ АСОСЛАРИ,
САВОЛЛАР, ЖАВОБЛАР**

*Олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-хунар
колледжлари, умумтаълим мактабларининг
ўқитувчилари учун услубий қўлланма*

Етакчи муҳаррир *M. Саъдиллаев*
Муҳаррир *Ф. Орипова*
Мусаҳҳиҳ *P. Аззамова*
Техник муҳаррир *M. Грешиков*
Саҳифаловчи ва дизайнер *A. Фуломов*

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 20.07.2010. Бичими 60x90¹/16.
Кегли 10 шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди.
Шартли б.т. 8,0. Нашр т. 8,0. 500 нусхада босилди.
Буюртма № 430.

«Toshkent Tezkor Bosmaxonasi» МЧЖ да чоп этилди.
100200, Ташкент, Радиал тор кўчаси 10-уй.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I БОБ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

| | |
|---|----|
| 1- §. Педагогик технология тушунчаси | 6 |
| 2- §. Инновацион педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнида қўллаш тарихидан | 11 |
| 3- §. Инновацион педагогик технологияларнинг асосий принцип ва қоидалари | 14 |

II БОБ. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ

| | |
|--|----|
| 1- §. Дидактик жараён тузилмаси ҳақида тушунча | 19 |
| 2- §. Ўқув мақсадларни технологик усулда лойиҳалаш | 24 |
| 3- §. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини топшириқларга айлантириш | 35 |
| 4- §. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларига эришганликни баҳолаш | 43 |
| 5- §. Ўқитиш жараёнида таълим технологияларидан фойдаланиш | 46 |

Инновацион педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари

61

„Инновацион педагогик технологиялар асослари“ни ўрганиш бўйича чизмалар ва жадваллар

101

„Инновацион педагогик технологиялар асослари“ бўйича ўзлаштирилган билимларини синааб кўриш учун тест топшириқларидан намуналар

118

Тўғри жавоблар қалити

123

Фойдаланилган адабиётлар

124

*Маҳмуджон Камолдинов,
Болтабой Вахобжонов*

**ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯ АСОСЛАРИ,
САВОЛЛАР, ЖАВОБЛАР**

*Олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-хунар
коллеҗлари, умумтаълим мактабларининг
ўқитувчилари учун услубий қўлланма*

Етакчи муҳаррир *M. Саъдиллаев*
Муҳаррир *Ф. Орирова*
Мусаҳҳиҳ *P. Аъзамова*
Техник муҳаррир *M. Грешников*
Саҳифаловчи ва дизайнер *A. Фуломов*

Оригинал-макетдан босишига руҳсат этилди 20.07.2010. Бичими 60x90¹/16.
Кегли 10 шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди.
Шартли б.т. 8,0. Нашр т. 8,0. 500 нусхада босилди.
Буюртма № 430.

«Toshkent Tezkor Bosmaxonasi» МЧЖ да чоп этилди.
100200, Ташкент, Радиал тор кўчаси 10-уй.

32.293

K15

М. Камолдинов, Б. Вахобжонов

Инновацион педагогик технология асослари, саволлар, жавоблар: Касб-хунар таълими муассасалари учун ўқув қўлланма/М. Камолдинов, Б. Вахобжонов: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги; Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази. - Т.: „Talqin“, 2010.— 128 6.

I. Камолдинов М.

ББК32.293 я 722

